

НОДИРА РАВШАНОВА

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ РАҲБАР
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА
ОШИРИШ БҮЙИЧА РЕСПУБЛИКА
ЎҚУВ-МЕТОДИКА МАРКАЗИ**

НОДИРА РАВШАНОВА

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИДА
ЭКОЛОГИК
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ**

(Методик қўлланма)

Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги,
Мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларини қайта
тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича Республика
ўқув-методика марказида ташкил этилган Илмий-методик
кенгашининг 21 апрель 2006 йилдаги 2-қарори билан
нашрга тавсия этилди.

Мазкур қўйланмада мактабгача таълим муассасаларида болаларга
экологик таълим-тарбия беришнинг мақсад ва вазифалари турли
кўргазмали куроллар, табиат қўйнида ўтказилган амалий машғулотлар,
топишмоқлар, тез айтишлар, мақоллар, ўйинлар орқали очиб берилган.

Тақризчилар: О.ҲАСАНБОЕВА — Низомий номидаги ТДПУнинг
«Мактабгача ва оиласий таълим» кафедраси мудири,
профессор; Х.ЖАББОРОВА — Низомий номидаги
ТДПУнинг «Мактабгача ва оиласий таълим»
кафедраси ўқитувчisi; М.Ш.РАСУЛОВА —
МТМРХҚТМОРУММ директори ўринбосари;
Г.Ж.ЙЎЛДОШЕВА — Тошкент шаҳар 304-боғча
мудираси.

«Ер, ерости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуминсоний бойликдир, улардан оқилона фойдаланиши зарур ва улар давлат муҳофазасидадир».

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 55-модда)

МУҚАДДИМА

Башарият орзуси бўлмиш баркамол авлодни тарбиялаш коинот аталмиш улкан экологик тизимнинг хатосиз ишлашига маълум бир маънода боғлиқдир. Президент И.А.Каримов экология масаласига алоҳида тўхталиб, «Экология ҳар бир фуқаронинг ва оиласининг маҳсус эътибор зонасига айланиши зарур», деб таъкидлаши ҳам бежиз эмас.

¹Халқимизнинг «Соф танда — соглом ақл», деган нақди асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда, чунки атроф-муҳит тозалиги, табиат соғлиги, гўзаллиги, бойлиги инсоннинг гўдаклигиданоқ соглом, жисмонан бақувват, ақлан етук бўлиб ўсишида муҳим аҳамиятга эга.

Табиатнинг ранг-баранглиги, фойдали ва заарли томонларини таништириб бориш билан бирга, уни асраб-авайлаш, ривожлантириш, бойитиш лозимлигини, бунинг учун ҳар бири миз масъул эканлигимизни ва меҳнат қилишимиз лозимлигини таъкидлаймиз.

Экологик тарбия, асосан, табиат ҳақидаги тасаввурни шакллантириш орқали табиат билан таништириш меҳнат машгулотларида бериб борилади. «Учинчи минг йилликнинг боласи» дастурида берилган мавзуларга қўшимча қилиб, гўзал Бойсунимизга хос жонли ва жонсиз табиат, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ҳақида тасаввурлар шакллантириб борилади. Бошқа боғчаларда экологик таълим бўйича олиб борилаётган ишлардан фарқли равища, бизда экологик таълим биринчи кичик гуруҳдан бошланади. Бу босқичда болаларни табиат билан таништириш жонли мавжудодларга қизиқтириш ҳамда уларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатни, уларни парвариш қилишда катталарага ёрдам беришни ўргатишдан иборат. Болаларни ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидаги айрим ҳодисалар билан таништирамиз.

Болалар боғчаси участкасида болаларга табиат ҳодисалари-ни (ёмғир ёки қор ёғаётгани, қүёш нур сочаётгани, шамол эсаётгани), кўкатлар, дарахтлар ва уларнинг фарқловичи белгилари-ни (кўкат —паст, кўк; дарахт — баланд, унинг барглари кўп) кўриш ва айтишни ўргатамиз.

Майдончага учеб қелувчи қушлар билан, уларнинг хатти-ҳаракатларининг айрим хусусиятлари билан (учади, дарахтга кўнади, чўқийди, товуш чиқаради) таништирамиз.

Табиат бурчагида: болаларга хона ўсимликлари, қафасдаги кушчаларни кўрсатиб, уларнинг номини айтишни, ўсимликларга сув қуйиш, кушчаларга озуқа ва сув бериш, уларни парвариши қилишни уқтирамиз.,

ТАБИАТ ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Жонивор ва ўсимликлар ҳақида илк тасаввурларни бериш. *Ўсимликлар дунёси.* Болаларни сабзи, олма, лимон, апельсин каби мевалар билан таништириб, уларни ташқи кўрининши, таъмидан билиб олишга ўргатиш. Дараҳтларни (1, 2), ўт, гулларни (участкада, хонада гулловчи гуллар) фарқлаш, номини айтишни шакллантириш.

Ҳайвонот дунёси. Бевосита кузатишлар, расмлар, ўйинчоқлар орқали болаларни жониворлар (кучук, мушук, товуқ, хўroz, эчки, сигир, қуён, айиқ; жониворларнинг болалари — жўжалар, мушукчалар, улоқ, бузоқ ва бошқалар) билан таништириш. Жониворларнинг тана қисмлари: калла, дум, оёқ; бошида: қулоқ, шох, кўз, оғиз ва бошқаларни номларини айта билишни ўргатиш.

Болалар жониворларнинг энг кўзга ташланадиган характерли хусусиятлари: сигир, эчкида — шох, хўрозда — чиройли тож, қуёнда — узун қулоқ, калта дум, айиқда — кичкина қулоқ бўлиб, дум йўқлигини ажратса билади; хўрознинг қандай қичкиришини, мушук, кучук қандай овоз чиқаришини билишади.

Йил охирида биринчи кичик гуруҳ болалари ўз ўлкасининг сабзавот ва меваларининг номини билишлари ва фарқлай олишлари, болалар боғчаси майдончасидаги 2, 3 та дараҳтни баргидан ажратса олишлари керак.

ИККИНЧИ КИЧИК ГУРУҲ

4 ёшга қадам қўйган болаларда теварак-атрофда яққол кўзга ташланадиган ва кўп учрайдиган табиат ҳодисаларининг айримлари ҳақида тасаввурларини шакллантириш. Ўсимлик ва жониворларга қизиқиш ҳамда эҳтиёткорона муносабатни, уларни парвариш қилиш иштиёқини, улардан завқ олишни тарбиялаш.

Жонсиз табиат. Кун ва тунни, об-ҳавонинг асосий ҳолатини (шамол эсајпти, ёмғир, қор ёғаяпти, ҳаво булатли, қуёш чараклаб турибди) фарқлаш ва айтишни ўргатиш.

Сув, қор, муз, қум, лойнинг белгиларини фарқлаш ва номини айтишни (кор оппоқ, совуқ; сув оқади, илиқ ва совуқ бўлиши мумкин; муз қаттиқ, сирпанчиқ; қум тўклилади, ҳўл қумдан нарсалар ясаш мумкин; қуриган лой қаттиқ, эзса уқаланади, у ҳўл бўлса яна лойга айланади, ундан нарсалар ясаш мумкин) ўргатиш.

Жонли табиат. Гуруҳ участкасида ҳаракатли белгилари яққол ифодаланган (бадиий шакли, танасининг ранги) 2, 3 дараҳт турини фарқлаш ва номини айтишни; 2, 3 хил гуллайдиган маданий ёки бегона ўтсимон ўсимликларни, улар гулининг ранги ва баргларини таниш, номини айтишни, ўсимликларнинг ўсиши учун асосан, сув зарур эканлигини болаларга ўргатиш.

Икки хил күшнинг катта-кичиклигини, ўзига хос ранги, чиқарадиган товуши, номига кўра фарқлашни, капалак, қўнғиз, курбақаларни танишни ўргатиш.

Йил фаслларининг характерли хусусиятлари (ёмғирли об-ҳаво, сарғайган барглар) билан таништириш.

Табиат бурчаги — табиат бурчагидаги ўсимликлар, жониворлар, уларнинг яшаш шароитлари билан таништириш: сувли аквариумда балиқ яшайди (номи). Қафасда қушча яшайди (номи). Жониворлар танасининг асосий қисмларини фарқлашни ўргатиш.

Табиатдаги меҳнат — табиатдаги меҳнатда: ўсимликларнинг йирик баргларини артиш; балиқ, қуш, жониворларга озуқа бериш; йирик ургули гул экинларини, пиёз, сабзавотларни экишда қатнашиш; экилган гулларга сув қўйиш иштиёқини тарбиялаш.



ТАБИАТ ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ўсимлик дунёси — сабзи, бодринг, помидор, пиёз, олма, апельсин, лимон, олхўри, нокнинг номи, таъми, ранги, катта-кичиклиги ва шаклига кўра фарқлашни; уларнинг характерли белгиларини айтишни ўргатиш.

Ўтсимон ўсимликларнинг ер устки қисмлари тузилиши билан таништириш. Барг, поя, гулларни фарқлаш ва номини айтишга ўргатиш. Даражатларнинг тузилиши (шона, шох, барг, мевалар) билан таништириш.

Ҳайвонот дунёси — болаларнинг хонаси ва ёввойи ҳайвонлар (мушук, кучук, сигир, эчки, чўчқа, айик) ва уларнинг болалари, табиат бурчагида яшовчилар (қўёнлар, қушлар, балиқлар) ҳақидаги билимларини кенгайтириш. Жониворлар танасининг асосий қисмларини ажратиш ва номини айтиш; уларга хос хусусиятлари: нима ейди, қандай юради ва қандай овоз чиқаришини болаларга ажратиб олишни ўргатиш. Болалар жониворларнинг катта, боласининг эса кичик бўлишини билишлари лозим.

Йил охрида болалар: 2 та ҳар хил гулловчи ўсимлик, даражат, гулзордаги ўтсимон ўсимликларнинг номи, хона ўсимликларининг номини, аквариумдаги 2, 3 балиқларни, 2, 3 қушларнинг номини, ўсимлик ва жониворларнинг ташқи кўринишидаги фарқловчи белгиларини билишни, ўз маҳаллий жойлари учун хос бўлган сабзавот ва меваларнинг шакли, ранги, катта-кичиклиги ҳамда таъмига кўра ажратади олишлари; болалар боғчаси майдончасида ўсадиган дараҳтлар, ўсимликлар, хона гуллари мисолида ўсимликларнинг қисмларини топишни; жониворлар танасининг қисмлари, хонаки ҳайвонларнинг ёввойи ҳайвонлардан фарқини; об-ҳаво кўринишини айтишни, табиат объектларини муҳофаза қилишларини билишлари керак.

ЎРТА ГУРУХ

ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Болаларнинг ўсимлик ва ҳайвонот олами, табиатдаги мавсумий ҳолатлар ҳақидаги тасаввурларини шакллантиришни давом эттириш. Атроф-табиатга муҳаббат, унинг гўзаллигидан завқданиш, ўсимлик ва жониворларга эҳтиёткорона муносабат ҳисси: бута ва гулларни босмай айланиб ўтиш, уларни парвариши қилиш ва улардан завқ олишини тарбиялаш.

Табиатдаги меҳнат – табиат бурчагини мустақил йириштириш ва у ердаги ҳайвонларни парвариш қилиш, ўсимликларни сугориш, донхўрак, сувдон, тагликларни, сабзавотларни ювиш, сувдонларга сув қуиши, тайёрланган озуқани донхўракларга солиш. Балиқлар ва паррандаларга озуқа бериш кўникмалари ни шакллантириш.

Болаларни илдизмевалар, пиёз, петрушка, қиш вақтида табиат бурчагида қушлар учун арпа, гулловчи ўсимликларнинг йирик уругларини экишга жалб этиш.

Болаларга ўсимликларни кўчириб ўтқазиша, аквариум сувини алмаштириша, майдонча қорларини тозалаша, қишида қоладиган қушларни боқишида тарбиячига ёрдам беришни ўргатиш.

Экинзор ва гулзорлардаги ишларга қатнашиш (мавсумга кўра), лозим бўлганда қум солиш, тупрогини юмшатиш, уруғ экиш, кўчат ўтқазиш.

Меҳнат қуролларини таргибга келтириб, жой-жойига қўйишни ўргатиш.

ЖОНЛИ ТАБИАТ

1-чорак. Ўсимликлар дунёси – сабзавот ва мевалар ҳақидаги тасаввурни шакллантиришни давом эттириш. Болалар 5, 6 хил сабзавотни ва 3, 4 хил мева, резавор экинларнинг номларини, ранги, шакли, таъми, овқатга ишлатилишининг (хомлигича, пиширилган, тузланган ва қуритилган ҳолда) ўзига хос белгиларини билишлари; сабзавотлар полизда, мевалар боғда ўстирилишини билишлари керак.

Сабзавот ва мевалар етиширишда катталарнинг меҳнати ҳақидаги тасаввурни шакллантириш.

Ҳайвонот дунёси. Куш, қиш даврида олмахон, қуён ва типратикан каби ҳайвонлар ҳаёти ва табиий шароитлари (қаерда яшайдилар, қандай юрадилар. нима ейишади, душманлардан қандай кутиладилар) ҳақидаги тасаввурни шакллантириш.

2-чорак. Ўсимликлар дунёси – уруғдан ўсимликлар ўстириш (ўсиш учун зарур шароитлар, парвариш) ҳақида; ўсимликлар ҳаёти ва ўсишининг айрим шартлари (улар ерда ўсади, сув билан суғориш керак, тупроқ серозуқа бўлиши учун ўғит солиш керак, алмашлаш керак) ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш.

Ҳайвонот дунёси. Таниш уй ҳайвонлари ва уларнинг болалари ҳақидаги билимларни кенгайтириш. Болалар уларнинг тана қисмларининг, юриш- туриш ҳусусиятларини ажратади билишини ва тўғри таъриф беришни билишлари керак; нима билан

овқатланишни, қандай юришини, қандай фойда келтиришини, одамлар улар ҳақида қандай ғамхўрлик қилишларини билишлари керак.

Янги уй ҳайвонлари: от, қўй билан, уларнинг ҳаёти ва хўжаликда фойдаланиши билан таништириш.

3-чорак. *Ўсимликлар дунёси* — ўсимликлар тузилиши ҳақидаги тасаввурни аниқлаш ва мустаҳкамлаш. Даражтларда битта тана, йўғон ва ингичка шохлар, япроқлар борлигини ўргатиш. Буталар ва бир неча ингичка танага, шохчаларга эга, улар даражтлардан пастлигини ўргатиш. Ўтсимон ўсимликларда поя, барг, гуллар борлигини, ўсимликлар илдизлари билан ўзларини ерда тутиб туришлари, ердан сув ҳамда озуқа моддаларини олишларини ўргатиш.

Ҳайвонот дунёси. Ёввойи ҳайвонлар (куён, өлмахон, типратикан) ҳақидаги тасаввурни кенгайтириш, улар билан баҳор, ёзги мавсумдаги табиий шароитидаги ҳаёти (овқатланиши, туллаши, уя қуриши, болаларини ўстириши, болалари ҳақидаги ота-оналар ғамхўрлиги) билан таништириш; ташки қиёфаси, хатти-ҳаракатига кўра ёш ҳайвонларнинг катталаридан фарқ қилишини ўргатиш.

4-чорак. *Ўсимликлар дунёси* — яқин атрофдаги ўсимликларни қўйидаги белгиларга қараб таниш: даражтларни, буталарни — баргларига, пўстлоғига; ўтсимон ўсимликларни — рангига ва гулининг шаклига қараб таниш. Юмшоқ мевалар, сабзавотлар билан ўсимликлар ўсадиган жойлар (парк, хиёбон, боғча, боғ) билан таништириш. Таниш ўсимликлар номларини эслаб қолишига ўргатиш.

Боғчада сабзавотлар ўстирилиши ҳақидаги тасаввурларни аниқлаш.

Ҳайвонот дунёси. Таниш уй ҳайвонларининг ҳаёти, ёз вақтида одамларнинг уларни парвариш қилишдаги меҳнатлари (сигирлар, эчкилар, қўйлар яйловларда ўтлайди, одамлар ўт ўрадилар, хашак жамгарадилар) ҳақидаги тасаввурларни аниқлаш. Уй атрофидаги ҳайвонларни, участкага келадиган қушларни, капалакларни, қўнғизларни, ниначиларни бир-биридан фарқлашни ўргатиш.

КАТТА ГУРУХ

Табиат билан таништириши. Яқин атрофдаги ўсимликлар, уй ва ёввойи ҳайвонлар, тирик жониворларнинг ҳаёт шароитлари, табиатдаги фасл, ҳодисалар ҳақида болаларда мавжуд

бўлган тасаввурларни аниқлаш, тартибга келтириш ва кенгайтириш. Табиат обьектларининг ўзига хос ва муҳим белгилари ни аниқлаш асосида умумлашган тасаввурларни шакллантириш.

Жонажон ўлка табиатига муҳаббат ва эҳтиёткорликни тарбиялаш. Ўсимликлардан, ҳайвонлардан, теварак-атрофдаги табиат гўзаллигидан завқданишга ўргатиш.

Болаларни табиатда ўзини маданиятли тутиш; дам олиш жойларини ифлос қилмасликка, гуллаб турган ўсимликларни, буталарни, ҳайвонларни эҳтиёт қилишга ўргатиш (чумолили сўқмоқдан ҳатлаб ўтиш, қушлар ёнида ўзини тинч тутиш ва бошқалар).

Болалар боғча майдончасида ва унинг ташқарисида маҳаллий ўсимликлар, полиз сабзавотларини йиғиши ҳақидаги билимларини кенгайтириш. Болалар ўрмонда, ўтлоқда, боғда ўсадиган 6, 7 хил сермайса гуллайдиган ўсимликларнинг, бошоқли ўсимликларнинг 2 турини, ўрмон меваларининг 2, 3 хилини билишлари, уларнинг ранги ва япроқларига қараб фарқлашлари керак; маҳаллий ҳайвонлардан 4, 5 тасини, учеб кетадиган қушлардан 3, 4 хилини (рангига, катта-кичиклигига, овоз чиқаришига, юришига қараб) таний олишлари; капалаклар, қўнғизлардан 2, 3 хилини фарқлай олишлари, ниначиларни, чумолиларни, чивинларни, асалариларни, қурбақаларни, калтакесакларни таний билишларини, уларнинг турмуш тарзларини, силжиш усулларини кузатиш (сузадилар, сакрайдилар, дараҳтга тирмашиб чиқадилар, учадилар ва ҳоказо). Табиатнинг фаслий ўзгаришларини дала, боб, полизда кишиларнинг меҳнат фаолиятини қандай боришини фарқлашга ўргатиш. Кузда кунлар қисқароқ, тунлар узунроқ бўлади, совуқ туша бошлайди, тез-тез ёмғир ёғиб туради, кучли шамол эсади, япроқлар аста-секин саргай-иб, тўкила бошлайди, ўтлар чирийди. Ҳашаротлар ва бошқа жониворлар ғойиб бўлади. Қушлар учеб кетишади, қишлиядиганлари одамларнинг уй-жойларига яқинлашадилар, далаларда, боғларда ҳосил йиғиб-териб олинади. Қишига сабзавот ва хўл мевалар тайёрлаш давом этади.

Қишида энг қисқа кунлар ва узун тунлар бўлади, совуқ, аёз бўлади, қор ёғади (учқунлаб, парчалаб, доналаб); ҳовузлар муз билан, ер эса қор билан қопланади. Дараҳтлар ва буталар ялан-ғоч бўлади, барглар ўスマйди (иссиқлик, сув, говак тупроқ йўқ, ёруғлик етарли эмас). Ҳайвонлар қишилаб қолувчи қушлар, ўсимликларнинг ерга тўкилган уруглари билан ва бошқа дон-дун билан озиқланадилар. Одамлар уларни боқадилар.

Баҳорда кун узаяди, тун қисқаради, кунлар илий бошлайди, қорлар эрийди, ариқлардан сув оқади, она замин уйқудан уйғонади. Ўсимликлар ўсиши учун етарли шароитлар пайдо бўлади. Куртаклар етилади, барглар чиқа бошлайди, ўтлар, гуллар аввал қўёшли жойларда, кейин эса соя-салқин жойларда ўсиб чиқади. Учиб кетган қушлар қайтиб келади, курт-кумурсқалар ва бошқа жониворлар пайдо бўла бошлайди. Кушлар ин курадилар, тухум қўйиб бола очадилар. Одамлар ер ҳайдайдилар, дон, пахта, сабзавот экинларини экадилар.

Ёзда энг узун кунлар ва энг қисқа тунлар бўлиб, ҳаво илийди, исийди. Ўсимликлар ҳосил тугади, ҳайвонларни табиий шароитда сақлайдилар, одамлар ичдан ўрадилар, экинларни парвариш қилишади, сабзавот ва меваларни йигишади.

Табиат бурчагида. Болалар 5, 6 хил хонаки ўсимликларни, уларнинг шакли, барги, ранги, поясига қараб танишлари ва номини айта олишлари керак.

Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши шарт-шароитлар (нам, озиқланган тупроқ, ёруғлик, иссиқлик) мавжудлигига боғлиқ эканлиги ҳақидаги тушунчани шакллантириш. Тупроқнинг тури ҳолатларини: ғовак, қаттиқ, куруқ, нам ҳолатларини ажратишга; ўсимликни кўринишига қараб у ёки бу шароит етишмаётганини сезишга, парваришнинг тегишли усулини танлаб олишга ўргатиш. Барглар сўлимокда (сув етарли эмас — кўпроқ суфориш керак); ўсимлик ёруғлик томонга чўзилмоқда (ёруғлик етарли эмас — деразага яқинроқ қўйиш керак); ўсимликлар нимжон, секин ўсмоқда (озуқа молдаси кам — янги тупроққа ўтказиш керак.)

Болаларнинг табиат бурчагидаги жониворлар (балиқлар, қушлар, ер ҳайвонлари) нинг ташқи қиёфаси ва ўзини тутиши ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш. Жониворлар танасининг айrim қисмлари, шакли, катта-кичиклиги, ранги, уларнинг вазифалари: юриши, овқатланиши, дам олиши. ин қуриши хусусиятларини ўргатиш. Кўлда боқиладиган ҳайвонларнинг яшаш шароитлари табиий шароитдагига ўхшаши қераклиги ҳақидаги тасаввурни шакллантириш (қушлар учун ҳаво бўшлиғи, дарахт шохлари, қум, овқат ва шу кабилар керак), болалар билан биргаликда табиат бурчагини жиҳозлаш.

Табиат қучогида меҳнат. Ўсимлик ва ҳайвонларга нисбатан инсоний муносабатда бўлишни, улар ҳақида ўз вақтида ғамхўрлик қилишини тарбиялаш.

Навбатчи хонаки гулларга сув қўйишига, тупроқни юмшатишига, идишларни ювишига, уларга озуқа тайёрлаш (ювиш, ке-

сиш, қирғичда қириш)га, сувни алмаштиришга, ҳайвонларга, балиқларга, құшларга ұлчов билан овқат беришга, иш жойини йиғишириб қўйишга (стол устини тозалаш, сараган томчи-ларни артиш); тарбиячи билан биргаликда ҳайвонлар остига со-лингган нарсалар (кум, қипиқ, пичан) ни алмаштиришга, таби-ат бурчагини тозалашни амалга оширишга, тарбиячи билан бир-галикда хилма-хил фаслий ишларни бажаришга ўргатиш.

Кузда полиздаги сабзавотларни етиширишга, уруғларни йиғишишга, гулларнинг пиёзларини, тугунакларини қазиб олиш-га, полиз пушталарини, дараҳтлар, буталар теварагидаги ер-ларни чопишга, гуллайдиган ўсимликларни ердан кўчириб олиб экишга, қишишга сабзавот ва ҳўл меваларни тайёрлашда қатна-шишга жалб этиш.

Қишида болаларни дараҳтлар ва буталар танаси атрофида қор-ларни тўплашга, табиат бурчагида қишиши полиз ярагишга: ил-дизмевалар, пиёз, қуш ва ҳайвонлар учун яшил озуқа экишга ўргатиш.

Баҳорда ерни 2 марта чопишга, гул ва сабзавот кўчатларини экишта, экинлар ва кўчатларни парваришилашта, хонаки ўсим-ликларни қаламча қилиб ва кўчириб ўтқазишишга жалб этиш.

Ёзда болаларни пушталар, гулхоналарни юмшатишга, ўсим-ликларни сугоришга, чопиқ қилишишга, ўташга, қушларни қиши-да боқиш учун ўсимликлар уруғларини йиғишишга жалб этиш.

ТАБИАТ ҲАҚИДАГИ ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Жонсиз табиат. Болаларни предметлар (шарчалар, кубик-лар, ўйинчоқ машиналар) ҳаракатлари билан танишириш, уларнинг йўллари ва тезликларини қиёслашши ўргатиш: 1 та ўйинчоқ машина ўз гаражидан узоқроққа чиқиб кетди, бош-қаси яқинроқ кетди, бир ўйинчоқ бошқасига нисбатан тезроқ ҳаракат қилмоқда.

Моддаларнинг қаттиқ ҳолатдан суюқ ҳолатга айланиши (муз-нинг ёки битумнинг эриши) ва суюқ ҳолатдан қаттиқ ҳолатга айланиши ҳақида тушунча беринш.

Суюқликнинг буғга ва аксинча, буғнинг суюқликка айла-ниши ҳодисалари билан танишириш. Қаттиқ моддаларни су-юқликка ва суюқликни қаттиқ моддага айланиши ҳақидаги та-саввурни ҳосил қилиш.

Қор ёғинни, қор бўрони, муз, момақалдироқ, дўл ёғиши, туман тушини, қиров тушиши ва шу каби табиат ҳодисалари-дан болаларни огоҳ этиш.

Турли хил предметлар: ўйинчоклар, транспорт ҳаракатлари ҳақидағи ва шунингдек, булаттар, қора булат, қүёш ҳаракати ҳақида бошланғич тасаввурни ҳосил қилиш. Бошланғич ҳаракат нұқтасини ва жисм ҳаракат қылаёттан чизиқни белгилашга, ҳаракат қартилерини аниклашга (предметлар секин, тез ҳаракат қиласыпты, турли йұлларни босиб үтаяпты) ўргатиш.

Жонли табиат. 1-чорак. Ұсимликлар дүнәси. Махаллий ұсимликлар ҳақида болалар тасаввурларини мустаҳкамлаш. Болалар дараҳтларнинг 5 турини (баргларига, пүстлоғига, мевасига қараб), буталарнинг 4 хилини (баргларига, рангларига, меваларига қараб) номини айтишлари, фарқлашлари, сабзавотларнинг 6—8 хилини, мевали дараҳтларнинг 4—5 хилининг номларини, ранглари, шакли, мазаси, овқатда құлланиш усулларининг үзига хос хусусиятлари ва белгиларини билишлари керак.

Сабзавотлар ва мевалар ҳақидағи умумлаштирилган тасаввурларни қуидаги белгиларга қараб шакллантириш: 1) сабзавотлар ва мевалар овқатда құлланилади; 2) уларни махсус етиширадилар; 3) сабзавотлар полизда (далада) үсади, мевалар эса боғда етиширилади.

Хайвонот дүнәси. Тулки, бўри, айиқ каби ёввойи ҳайвонлар ҳаёти билан танишириш. Ҳайвонларнинг ташқи қиёфаси, яшаш тарзи хусусиятларини ажрата билиш ва таърифлаш күнікмаси-ни шакллантириш; улар қаерда яшайди, үзига қандай уй қуради, қандай юради, кузда, қища нима билан овқатланади, қишга қандай тайёргарлик кўради. Болаларни ҳайвонлар кўриниши ва хулқидаги турли хиллик ва умумийликни ажрата билишга, бирбирига ўхшашлигига қараб хулоса чиқаришга (ўрмон ҳайвонлари, йиртқич ҳайвонлар) ўргатиш.

Фасллар. Кузги табиат ўзгаришлари изчиллиги ҳақидағи тасаввурни системага солиш. Совукнинг кучайиб бориши билан ұсимликлар ҳолати, ҳашаротларнинг йўқолиши, қушларнинг учеб кетиши, ҳайвонларнинг қишга тайсрарлиги ўртасидаги боғланиш тушунчасини ташкил қилиш.

2-чорак. Ұсимликлар дүнәси. Ұсимликлар тузилиши, уларнинг айрим қисмлари, бажараёттан вазифалари ҳақидағи тасаввурни аниклаш ва кенгайтириш: илдизлар сувни, озуқа моддаларни шимиб олади, булар поялар орқали тана, шохлар орқали япроқларга, гуллар, ҳосилга узатилади; япроқлар нурни ютадилар. Ұсимликлар ҳаёти ва ўсиши учун айни бир вақтда ёруғлик, сув, иссиқлик, озуқали тупроқ зарурлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш. Айрим шароитлар етишмаслигини билдирувчи белгиларни болалар билишлари керак: ёруғлик камайғанда ұсимлик ёруғлик

томонга чўзилади, чаноқлари ва пояси оқаради; озуқа моддаси кам тупроқда ўсимликлар секин ўсади, иссиқсиз уруф унмайди, барглар ёзилмайди; сувсиз ўсимликлар қуриб қолади.

Ҳайвонот дунёси. Уй ҳайвонларининг асосий турлари ҳаётининг хусусиятлари ва шарт-шароитлари ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш ва системалаштириш. Қуйидаги белгилар асосида умумлаштирилган тасаввурни ташкил қилиш: 1. Одам ёнида яшайдиган, ундан қўрқмайдиган ҳайвонлар. 2. Фойда келтирадиган ҳайвонлар. 3. Инсон уларнинг ҳаёт кечиришлари учун лозим бўлган шароитларини яратиш.

Болаларда олтин балиқлар, уйда боқиладиган хонаки ҳайвонлар ҳақида тасаввурни ҳосил қилиш. Қишлоғ қолувчи қушлар (4—6 хил қушлар) ҳақидаги тасаввурни умумлаштириш. Болалар бундай қушларнинг ташқи қиёфаси, ўзини тутиши, нима билан овқатланиши, нима учун учеб кетмаслиги каби ўзига хос белгиларини яхши билишлари керак.

Фаслар. Табиатдаги ички ҳодисалар ҳақидаги тасаввурларни системалаштириш. Ҳаво ҳарорати, сувнинг, тупроқнинг, ўсимликларнинг ҳолати, ҳайвонлар турмуш тарзи ўртасидаги боғлиқликни белгилаш.

3-чорак. Ўсимликлар дунёси. Ўсимликларни кўпайтиришнинг усулларидан бири — қаламча қилиш билан тиништириш. Эрта гуллайдиган ўтсимон ўсимликларни таний олишга; умумлаштирилган номлардан фойдаланишга; япроқли дараҳтлар ва ни набаргли дараҳтларни фарқлашга ўргатиш.

Ҳайвонот дунёси. Сувда сузувчи уй ҳайвонлари (ғозлар, ўрдаклар) билан, уларнинг тузилиши, ўзини тутиши, сузишга мосланганлиги хусусияти билан, уларнинг фойдалилиги, одамлар уларни парвариш қилишлари билан таништириш. Ёввойи ҳайвонлар (тулки, айик, бўри) нинг баҳорги, ёзги даврдаги ҳаётлари: уларнинг яшашиб учун жой кўриши, болалости, овқатланиши, юриши ҳақида тасаввур ҳосил қилиш.

Фаслар. Баҳорда табиатдаги ўзгаришлар ҳақидаги тасаввурни системалаштириш. Иссиқликнинг ортиб бориши билан қор, музларнинг эриб бориши ўртасидаги, тупроқнинг ҳолати ва уйқудалиги ёки дам олишдаги ўсимликлар, ҳайвонларнинг уйғониши, қушларнинг учеб кела бошлиши ўртасидаги боғлашишни белгилаш.

4-чорак. Ўсимликлар дунёси. Уруғлардан ўсимликлар ўстилиши (2—3 хил сабзавот, гуллайдиган ўсимликлар мисолида), ўсимлик ўсиши ва ривожланишидаги асосий босқичлар ҳақидаги (уруғ униб чиқиши, япроқли поя, гул, уруғ); ўсимликлар ўсти-

риш, уларни парваришилашнинг асосий усуллари (чопилган ерга ўтказиш, сув кўйиш, ерни юмшатиш, ўтоқ қилиш, озуқа бериш) борасидаги тасаввурни шакллантириш.

Участкадаги ва яқын орадаги табиат мұхитидаги ўсимликтар борасидаги билимларни аниклаш. Япроқларига, гулларыға, меваларига, пұстлоғига қараб даражаларни, буталарни, ўрмон, ўтлоқ, бөгдеги ўсимликларни фарқлашта үргатиш. Бошоқлу экинларни ўстириш, ўрмон мевалари билан таништириш. Турли хил ўсимликлар үсадиган жойлар (ўтлоқ, дашт, тоғ, ўрмон, дала, бөгча, полиз, бое, парк) ҳақидаги тасаввурни аниклаш.

Ҳайвонот дүнёси. Ҳащаротлар (капалаклар, ниначилар, чумолилар, асаларилар, чигирткалар) нинг, қурбақалар калта-кесакларнинг табиий шароитдаги ҳаёти түғрисидаги тасаввурларни шакллантириш: маълум жойларда яшайдилар (капалаклар – ўтлоқларда, қурбақалар – ботқоқлик жойларда), овқат излашади (капалаклар, асаларилар – гуллар ширасини, қурбақалар – майда чивинларни), душманлардан қочиб кетиш билан, ниқобланиш билан қутуладилар; ҳаммалари ҳаракат қилишга яхши мослашганлар (ниначилар тез учади, капалаклар пириллаб учади, чигирткалар, қурбақалар сакрайди), учеб кетадиган қушлар (3–4 хили) билан, ташқи кўриниши, хатти-ҳаракати (нима билан овқатланади, нима учун иссиқ ўлкаларга учеб кетади) билан, қора қарға (ёки бошқа қуш мисолида) ин қуриши, бола очиши билан таништириш.

Фасллар. Табиатдаги ёзги ҳодисалар ҳақида, иссиқликтинг ёки намнинг кўплиги билан ўсимликларнинг бирданига авж олиб ўсиши, барча ҳайвонларнинг фаол ҳаёт бошлаши ўртасидаги алоқадорлик ҳақидаги тасаввурларни системалаштириш.

Йил охирида катта гурӯҳ болалари қўйидаги тасаввурларга эга бўлишлари керак:

Табиатдаги фасл ўзгаришлари; сувнинг хусусиятлари ва ўсимликнинг ўсиши ҳолати ва ривожланиши учун лозим бўлган зарур шароитлар; сабзавот ва меваларни парвариш қилишни билиш.

Бута ва даражаларнинг барги ҳамда мевасига қараб аташ, фарқлай олиш; эрта гулловчи 2—3 хилдаги маҳаллий ўтсимон ўсимликларни билиш. 2—3 турдаги доимий қишлоғочи ҳамда учеб келувчи қушларнинг ташқи кўринишига қараб фарқлай олиш, хона ва участкадаги ўсимликларни парвариш қила олиш, табиат бурчагида навбатчилик килиш.

ТАЙЁРЛОВ ГУРУХИ

ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Жонли ва жонсиз табиат ҳақида болаларнинг аниқ тасаввурларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш. Уларни ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёси билан таништириш. Табит ҳодисаларини фаслларга қараб ўзгариб боришини йил давомида кузатиш, табиат тақвимида тасвирлаб бериш.

Болаларда табиатга нисбатан меҳр-муҳаббатни, ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳақида ғамхўрлик қилиш кўникмасини тарбиялаш; ўсимликларни хароб қилиш ва ҳайвонларни йўқ қилиб юбормасликка ўргатиш. Табиат кўйнида ўзини одоб билан тутиш кўникмаларини: буталар ва дараҳтларни синдирмаслик, ҳайвонларни қўрқитмаслик, дам олиш жойларида ахлат қолдирмаслик кўникмаларини сингдириш.

Болалар боғчаси майдончасида ва унинг ташқарисида. Яқин атрофдаги ўсимликлар ҳақида аниқ билимларни тўплаб бориш. Япроқларига, гулларига, меваларига қараб дараҳтларнинг 6 турини, боғда гуллайдиган ўсимликларнинг 4—5 турини, буталар, ўтларнинг 4—5 турини, номларини билиш.

Ё з д а: Япроқлари ва гулларига қараб ўсимликларнинг турини, бошоқларнинг паст-баландлиги ва шаклига қараб, бошоқли ўсимликларнинг 2—3 турини фарқлай олиш. Сабзавот ва мевалардан овқатда фойдаланишнинг турли усуслари (хомлигича, қайнатиб, қовуриб), ўсимликлар ўсадиган жой (ўрмон, дала, ўтлоқ, тоғ, парк, дашт, боғча, полиз, боғ) ҳақида болалар тасаввурини мустаҳкамлаш.

Яқин атрофдаги ҳайвонларни таний олиш. Уларнинг номларини билиш, рангига, шаклига, катта-кичиликлигига, чиқарадиган овозига, ҳаракатига қараб фарқлаш.

Ёввойи ҳайвонларнинг табиий шароитда яшашга мослашганлиги билан таништириш. Капалаклар, чигирткалар, қурбақалар, чумчуқлардаги ниқбланиш ҳолатини кузатиш; ниқоб ранги уларни душманлардан сақлашини, овқат излаб топишга ёрдам беришини билиш. Ҳайвонларнинг юришлари, уларнинг ҳаракат усусларига мосланганлигини кузатиш. Сакраб юрувчиларнинг орқа оёқлари олдингисидан узунроқ; югурувчиларнинг ҳамма оёқлари бир хил узунлиқда; сузувларнинг оёқларида пардалари бор; учадиганлари қанотларга эга.

Жонсиз табиат ҳодисалари билан танишиши. Болаларнинг энг оддий физик ҳодисалар ҳақидаги тасаввурларини бойитиш. Улар-

ни ҳаво ва унинг оддий хусусиятлари (тиниклиги, қайишқоқлиги, ҳаракат қилиши – шамол) ва қўёш нурининг хусусиятлари (предмет нурни тўсса, соя пайдо бўлиши, ясси сатҳдан нурнинг акс эттириши) билан таништириш.

Кузда : Болаларни кузнинг белгилари билан таништириш: кун қисқароқ, ҳаво совуқроқ бўлади, булут қўпаяди, тез-тез ёмғир ёғади, совуқ шамоллар эсади; дараҳтлар ва буталарнинг япроқлари сарғаяди, қизаради ва аста-секин тўқилади, ўтлар сарғаяди ва сўлади; кўчувчи қушлар илиқ ўлкаларга учиб кетадилар, ҳашаротлар яширинади.

Жонли табиатдаги ўзгаришларни ташқи шароитдаги ўзгаришлар билан боғлаш: ўсимликлар ҳаётининг ўсишдан астасекин тўхташига сабаб – совуқ тушиши ва бунинг оқибатида сув ва озуқа моддалари етишмаслигидир. Қушларнинг учиб келиши эса совуқ тушиши, ҳашаротларнинг йўқолиши ва ҳовузларнинг музлаши билан боғлиқ.

Одамларнинг боғ ва полизлардаги сабзавот ва меваларни етиштиришдаги, далаларда пахта теришдаги меҳнатлари билан таништириш. Тарбиячи раҳбарлигига болалар боғчаси полизида ишлаш, етиштирилган сабзавот ва меваларни териш; гулларни кўчириб ўтқазиш, қушларни қишки овқатланишга тайёрлаш, турли хил ўсимликларнинг мевалари ва уруғларини тўплаш, охурчалар тайёрлаш. Куз гўзаллигини ҳис этишга, уни расмларда, аппликацияларда акс эттиришга ўргатиш.

Кишида : Болаларни қишиш белгилари билан таништириш: кун куздагига қарамасдан янада қисқароқ бўлади, ер қор билан, ҳовузлар эса муз билан қопланади, тез-тез совуқ бўлиб турари, дараҳтлар ва буталар япроқсиз, ҳашаротлар йўқ, қушлар кам.

Ўсимликларнинг уйқуга киришини шароит билан боғлаш: совуқ, озуқа моддалари йўқ, ёруғлик етарли эмас. Таниш дараҳтлар ва буталарни шоҳларига ва пўстлоғига қараб фарқлаш.

Қишлиб қолувчи қушларни ташқи қиёфаларига (рангига, ҳажмига, хатти-ҳаракатига), чиқарадиган товушига, юриш усулига, бошқа қушлар билан ўзаро муносабатига қараб таниб олиш. Қишлиловчи қушларни мунтазам равишда боқиб туриш, дараҳтлар ва буталарни эҳтиёт қилиш, сайд вақтида уларга зарар етказмасликка, қишиш табиатининг гўзаллигини ҳис этишга ўргатиш.

Баҳорда табиат ўзгаришини кузатиб бориш, кун узаяди, илийди, қор ва дарёлардаги музлар эрийди, дараҳтлардаги куртаклар тўлишади, япроқлар ва гуллар пайдо бўлади. Қушлар учиб келади, ҳайвонлар қишки уйқудан уйгонади.

Жонсиз табиатдаги ўзгаришларни күнларнинг исиши ва жониворларнинг ҳаёти учун зарур бўлган шароитларнинг астасекин пайдо бўлиши билан боғлаш. Ўсимликлар дунёсидаги баҳорги ўзгаришларнинг муддати, ўсимликларнинг эҳтиёжига, униб-ўсаётган жойига боғлиқлиги: иссиқсевар ўсимликлар кечроқ барг ёзди; тепаликлардаги қуёшли жойдаги ўсимликлар вақтлироқ барг ёзди.

Биринчи баҳор гулларини таний олиш. Полизлар, боғлар ва далалардаги баҳорги ишлар билан танишириш. Тарбиячилар билан биргаликда гуруҳ майдончасида сабзавот экинлари ва гулларни экиш ва уларни парваришлаш, қушларнинг ин қуишиларини кузатиши. Болаларда баҳорда табиат гўзаллигини идрок этиш ва завқланишни тарбиялаш.

Табиатда меҳнат. Болаларда ҳайвонларни парваришлаш, мустақил равишида уларга озуқа бериш, улар учун сув ва овқат тайёрлаш, идиш-товорқтарини ювиш, иш жойини ийғишириш; ўсимликларни суғориш, барглари ва тувакларининг атрофини артиш, уларга сув пуркаш, тагини юмшатиш каби меҳнат кўникмаларини тарбиялаш. Болаларнинг майдончадаги меҳнати муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Уларни бутун йил давомида боғча майдончаларида ишларга қўлларидан келгунча қатнашишга, жўяклар ва гул пушталар очишга, кўп йиллик гулловчи ўсимликлар ўтказишга, кўчатлар экишга, майда уруғларни сепишишга, суғоришга, ўтоқ ва чопик қилишга ўргатиш ва бу ишларнинг аҳамияти ҳақида болаларга сўзлаб бериш.

ТАБИАТ ҲАҚИДА ТАСАВВУРНИ ШАКЛАНТИРИШ

Тайёрлов гуруҳи болаларини теварак-атрофдаги табиат билан таниширишида, уларга табиат ҳодисалари, жонли ва жонсиз табиатнинг бир-бири билан боғлиқлиги, жонли маҳлуқларнинг янаш шароитлари ҳақидаги бошланғич билимларини давом эттириш керак.

Жонсиз табиат. Болаларни жонсиз табиат ҳодисалари ҳақида: ҳавонинг, магнитнинг, электрнинг хусусиятлари билан танишириб, билим бериб бориш керак.

Жонли табиат. Ўсимликлар дунёси. Болаларни янги хонаки ўсимликлар билан танишириши. Уларнинг хусусиятлари, шакли, ҳажми, поясининг, баргларининг, гулининг рангини ажратиш ва характерлашга ўргатиш. Ўсимликларнинг умумий ва бир-биридан тафовутловчи: ёруғликка, иссиқлик-

ка, намга, озиқлантирувчи тупроққа эхтиёжлари ҳақида тасаввурларини шакллантириш. Ёруғликни севувчи ва салқинга чидамли, сувни севувчи ва сувсизликка бардош берувчи ўсимликларнинг ташки кўринишига қараб фарқлашни ўргатиш.

Сабзавотларнинг (8–9 хили) ва мевалар (5 хили) нинг шакли, ранги, ҳажми, таъми, озиқ-овқат сифатида қўлланилиши каби белгиларга қараб қиёслаш ва тавсиф бериш кўникмасини шакллантириш. Умумлаштирилган (сабзавотлар, мевалар) сўзларни қўллашга ўргатиш.

Ҳайвонот дунёси. Болаларни ўзларига таниш бўлган ёввойи (қўён, тулки, бўри, айик) ва табиат бурчагида яшовчи ҳайвонлар (тошбақа, қўён) нинг мослашувчанлик хусусиятлари билан таништириш. Ҳайвонларнинг ўзи яшайдиган муҳитга танаси, тузилиши ва хатти-ҳаракатлари билан мосланишига доир белгиларини ажратади. Бу ажратувчи белгиларини уларнинг яшаш жойи ва турмуш тарзи билан қиёслашга ўргатиш: узун, бақувват сёқлари тез югуриш имконини беради (бўри); агар орқа оёқлари узунроқ бўлса, унда ҳайвон катта сакраб-сакраб юради (куён); ўткир қайрилган тирноқлари дараҳтларга тирмашиб чиқишига ёрдам беради (олмахон); тўмтоқ, бақувват, олдинги оёқлари ён томонга чиққан, тирноқлари ерни қазишга мослашган (тошбақа, кўрсичқон).

Кўп ҳайвонларнинг тана қоплами жуда аниқ кўзга ташланадиган, мослашув хусусиятига эга: ниқоб учун хизмат қиласидан ранг (қўён, олмахон)га, ниначиларга, типратиканларга, қаттиқ қопламга (тошбақа) эга бўлиб, улар душмандан ўзини ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Мавсумий ҳодисалар. Жонсиз табиатдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидаги ўзгаришларни акс эттирувчи белгилар жамламаси асосида куз ҳақида умумлашган тасаввурларни шакллантириш: кунлар қисқаради ва совий бошдайди. Япроқлар тўкилади, ўтлар сўлийди, ўсимликлар ўсишдан тўхтайди, ҳашаротлар яширинади, қушларнинг кўпчилиги учиб кетади, ҳамма ҳайвонлар туллайди, қишига овқат тўплаб, тайёргарлик кўради (олмахон), овқат еб семириб кетади ва қишки уйқуга кетади (типратикан, айик).

2-чорак. Ўсимликлар дунёси. Майдончадаги ҳамма ўсимликларнинг ёруғликка, иссиқликка, сувга бўлган эхтиёжлари ҳақидаги болалар тасаввурини аниқлаш.

Ҳайвонот дунёси. Ўзбекистонга хос бўлмаган уй ҳайвонлари билан (шимол буғуси, фил) билан таништириш. Уларнинг яшаш жойи, ташки қиёфаси, феъл-атвори, ҳаёт тарзи ва улар-

дан келадиган фойда ҳақида тасаввурни шакллантириш. Шимол буғуси үзининг белгилари билан уй ҳайвонлари тоифасига киришини болаларга аниқлашни ўргатиш.

Табиат бурчагида яшовчи қушлар ҳақидаги билимларни кенгайтириб бориб, мустаҳкамлаш.

3-чорак. Ўсимликлар дунёси. Ўсимликларни қаламчасидан, пиёзидан, бутасидан ажратиб экишни ва кўпайтиришни болаларга ўргатиб бориш. Ўсимликларнинг парвариши учун зарур шарт-шароитлар борасидаги билимларни кенгайтириб, мустаҳкамлаш.

Ҳайвонот дунёси. Ёввойи ҳайвонларнинг баҳор давридаги ҳаётидаги ўзгаришлар билан таништириш. Уйқудан уйғонадилар, дам олиш ҳолатидан чиқадилар, туллайдилар, уй-жой қиладилар ва бошқалар. Ҳайвонларнинг овқатланиши, ўзларини ҳимоя қилиши, юришга мослашганлиги ҳақида тасаввурларни кенгайтириш.

Ҳайвонларнинг ривожланиши борасидаги билимларни кенгайтириш (тухум қўяди, бола очади, ҳайвонлар болалайди, ба-лиқлар увилдириқ қўяди ёки тирик балиқча туғади).

Мавсумий ҳодисалар. Жонсиз табиатда ўсимликлар ва ҳайвонот оламидаги ўзгаришлар ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш.

3-чорак. Ўсимликлар дунёси. Боғда, полизда, майдончада сабзавот ва гул экинларини етиштириш тўғрисидаги тасаввурларни бойитиши. Ўсимликларнинг белгилар асосида хонаки, боғча, дала, полиз экинларини — маданий ўсимликларга, ўрмон, ўтлоқ экинларини эса ёввойи ўсимликларга бўлинишини болаларга ўргатиш.

Ҳайвонот дунёси. Таниш уй ҳайвонларини уларнинг ёз вақтидаги ҳаёти ҳақидаги болалар билимларини аниқлаш, мустаҳкамлаш. У ёки бу ҳайвоннинг уй ҳайвонларига ёки ёввойи ҳайвонлар гуруҳига қайси белгилар асосида кириши борасидаги болалар билимларини мустаҳкамлаш.

Мавсумий ҳодисалар. Жонсиз табиат, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси белгилари асосида ёз фасли ҳақида умумлашган тасаввурни шакллантириш. Кунлар илиқ, иссиқ, ёмғир ёғади, момақалдироқ бўлади, ҳашаротлар, қушлар қўп, ҳайвонлар фаоллашадилар, болалайдилар, ўсимликлар гуллайди, етилади, ҳосил беради.

Йил охирида тайёрлов гуруҳи болалари билиши керак:

- йил фаслларининг характерли хусусиятлари ҳақида;
- табиатдаги ва ўсимликлар, ҳайвонлар ва одамлар ҳаётидаги мавсумий ўзгаришлар ҳақида;;
- пахтакорлар меҳнати ҳақида;
- боғбонлар ва дехқонлар меҳнати ҳақида;
- ўсимликлар ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш ҳақида;

— яқин атрофдаги дараҳтлар, буталар, ўсимликларнинг номларини билишлари, бир неча ҳайвонларнинг табиатда, расмда таниб олиш ва уларнинг номларини айта билишлари;

— мустақил равишда майдончада ва табиат бурчагида ўсимликларни парвариш қилишни билишлари лозим;

— табиатда ўзини қандай тутишга доир қоидаларни бажара олишлари лозим.



«ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШТИРИШ» МАШФУЛОТЛАРИ ДАСТУРИ

КИЧИК ГУРУХ

№	Ўсимликлар дунёси	Үй ва ёввойи ҳайвонлар	Жами сони (соат)
1	9	9	18

1. Табиат бурчаги билан таништириш.
2. Мевалар билан таништириш (олма, нок, анор, олхўри).
3. Сабзавотлар билан таништириш (сабзи, помидор, карам, картошка).
4. Дараҳтларга хос ҳусусиятлар ва қисмлари билан таништириш (ер устки қисми, тана қисмлари, шохи, барги, гули, меваси).
5. Гуллар — қоқи ва лолақизғалдоқ билан таништириш.

6. Сув, ҳаво, қүёш ўсимликлар ўсиши учун зарур эканлиги билан таништириш.
7. Хона гуллари билан таништириш (герак, кактус).
8. Ўсимликларни ажратишни ўргатиш (майса, гул, бута, дарахт).
9. Манзарали дараҳтлар билан таништириш (арча, чинор).
10. Ҳашаротлар билан таништириш (капалак, ниначи).
11. Күшлар билан таништириш (чумчук).
12. Тўтиқуш билан таништириш.
13. Мушук ва кучук билан таништириш.
14. Қуён ва типратиканни таққослашни ўргатиш.
15. Эчки ва қўй билан таништириш
16. Сигирнинг боласи (бузоқ) билан таништириш.
17. Чумолининг инини қузатиш.
18. Бўри ва тулкини таққослаш.

ЎРТА ГУРУҲ

№	Ўсимликлар дунёси	Уй ва ёввойи ҳайвонлар	Жами сони (соат)
1	9	9	18

1. Полизга саёҳат.
2. Пиёз экиш.
3. Тошбақани қузатиш.
4. Манзарали дараҳтлар (терак билан таништириш).
5. Типратикан билан таништириш.
6. Мевали дараҳтлар (олма, гилюс) ва мевалар билан таништириш.
7. Капалак билан таништириш.
8. Дала гуллари (қоқигул) билан таништириш.
9. Манзарали дараҳт (чинор) билан таништириш.
10. Ёввойи ҳайвонлар (айик) билан таништириш.
11. Қуён билан таништириш.
12. Уй ҳайвонлари (сигир) билан таништириш.
13. Қорнинг хусусиятлари билан таништириш.
14. Полиз экинлари (карам ва шолғом), уларнинг фарқлари ва хусусиятлари билан таништириш.
15. Бута ўсимлиги (наъматак) билан таништириш.
16. Аквариумда балиқларни қузатиш.
17. Полиз экинлари (лавлаги, пиёз) билан таништириш.
18. Ҳашаротлар (капалак, ниначи, тиллақўнгиз) билан таништириш.

КАТТА ГУРУХ

№	Үсімликлар дүнёси	Уй ва ёввойи ҳайвонлар	Жами сони (соат)
1	9	9	18

- Мевали ва манзарали дараҳтларни бир-биридан фарқлашни ўргатиш.
- Буғдой уруғини экиш.
- Каптарларни кузатиш.
- Манзарали ва мевали дараҳтлар (тут, терак, чинор, қайрагоч, тол) билан таништириш.
- Йил фасллари ҳақида суҳбат.
- Олақарғани кузатиш.
- Бедана билан таништириш.
- Күшлар (музыка, чумчук, каклик) билан таништириш ва таққослашни ўргатиш.
- Дала гуллари (қоқигул ва бинафша) билан таништириш.
- Қалдирғоч билан таништириш (табиатда ва расмда).
- Манзарали дараҳтлар (терак ва қайрагоч) ҳақидаги билимларни чукурлаштириш.
- Ёввойи ҳайвонлар (бўри ва тулки) билан расм орқали танишиш.
- Мевали дараҳтлар (гилос ва шафтоли) билан таништириш ва уларни қиёслашни ўргатиш.
- Атиргул ва чиннигул кўчатларини экиш ва уларни парвариш қилишни ўргатиш.
- Уй ҳайвонларидан (кучук ва мушук) билан танишиш.
- Болаларни сувнинг хусусияти билан таништириш.
- Ўрмон ҳайвонлари (фил) билан расм асосида танишиш.
- Гул кўчатларини майдончага экиш ва парваришлаш.

ТАЙЁРЛОВ ГУРУХИ

№	Үсімликлар дүнёси	Уй ва ёввойи ҳайвонлар	Жами сони (соат)
1	9	9	18

- Табиат ҳақида тушунча бериш.
- Майсалар, ўтлар, гуллар, буталар, дараҳтларни бир-биридан ажратишини ўргатиш.
- Үсімликлар ўсишида сув, күёш, ҳаво ва тупроқнинг роли (гурух участкасига саёҳат).

4. Полизга саёчат.
5. Мевали дарахтлар билан манзарали дарахтларни таққослаш.
6. Богча бөғінга саёчат (мевали ва манзарали дарахтларни фарқлаш).
7. Баҳор әлчилари – бинафша, чучмома, бойчек, лолақиз-ғалдоқ билан таништириш.
8. Хона гулларидан (хитой гули) билан таништириш.
9. Пахта ўсимлиги ҳақида суҳбат.
10. Капалак ва хонқизи билан таништириш.
11. Судралиб юрувчилардан (илон ва калтакесак) билан таништириш.
12. Ёввойи ҳайвонлар (айиқ ва йўлбарс) билан таништириш.
13. Туя ва от (бўталоқ ва тойчоқ) ҳақида тушунча бериш.
14. Уй паррандалари (товуқ, гоз, курка, ўрдак) билан таништириш.
15. Эчки билан улоқ, қўй билан қўзичноқ ҳақида суҳбат.
16. Асалари ва қовоқарини фарқлашни ўргатиш.
17. Қор ва унинг хусусиятлари.
18. Арча дарахти ва унинг хусусиятлари, фойдаси ҳақида болалар билан суҳбат.

ЭКОЛОГИК БИЛИМЛАР АСОСИДА ТУЗИЛГАН ТЕСТЛАР (ТОПИШМОҚЛАР)

1. Баҳорда биринчи очиладиган гул.
А) лолақизғалдоқ В) бойчеак С) чучмома
2. Вертолётнинг учиши қайси ҳашаротнинг учишига ўхшайди?
А) капалак В) ниначи С) ари
3. Қайси қушлар қишида юртимизда қишлиайди?
А) булбул, қалдирғоч В) чумчук, мусича С) турна, лайлак
4. Туянинг боласи нима дейилади?
А) бузоқ В) бўталоқ С) қўзичноқ
5. Виз-виз, виз-виз
Учамиз, қўнамиз.
Гулдан-гулга қўчамиз,
Гул шарбатин ичамиз.
Виз-виз, виз-виз,
Қани топинг, ким биз?
А) пашша В) асалари С) қовоқари
6. Қайси қуш баҳорнинг әлчиси?
А) булбул В) қалдирғоч С) мусича

7. Уй ҳайвонини топинг.
A) бўри B) сигир C) йўлбарс
8. Ёввойи ҳайвонни топинг.
A) от B) айиқ C) туя
9. Қишин-ёзин кўм-кўк либосда.
A) тол B) арча C) бодом
10. Қайси дарахт мева қилмайди?
A) шафтоли B) терак C) олма
11. Кушларни топинг.
A) товуқ, ўрдак B) булбул, какку C) гоз, хўроз
12. Айёр ҳайвонни биласизми?
A) айиқ B) тулки C) кучук
13. Полиз экинини топинг.
A) сабзи, карам B) анор, олма C) писта, бодом
14. Жим туради, жим ухлайди, жим уйгонади, йиғлаганда дарё тўлиб оқади?
A) сув B) қор C) ёмғир
15. Мевали дарахтларни топинг.
A) арча, терак B) нок, олма C) чинор, қайрағоч
16. Сабзавотни топинг.
A) олма, анор B) пиёз, сабзи C) қовун, тарвуз
17. Бу гулларнинг қайси бири сувда ўсади?
A) атиргул B) нилуфар C) гултоҗихўroz
18. Қайси қуш ерда юрмайди?
A) каптар B) қалдирғоч C) мусича
19. Бу жониворларнинг қайси бири сувда ҳам, қуруқликда ҳам яшайди?
A) балиқ B) олмахон C) қурбақа
20. Бу мевалар ичида қайси бири эрта пишади?
A) ёнғоқ B) олма C) ўрик
21. Қайси қуш бир оёқда туради?
A) чумчуқ B) лайлак C) оққуш
22. Олтин, сариқ тўни бор, қўйни тўла дони бор, у нимадир топиб ол?
A) гуруч B) бугдой C) арпа
23. Кичкина қумғон, ўтириб кўзини юмғон.
A) кучук B) мушук C) қуён
24. Чўмилса ҳам у шўнғиб, сувдан чиқар қуп-қуруқ.
A) товуқ B) гоз C) ўрдак
25. Мени сўрашади, кўринсан қочишади?
A) қор B) ёмғир C) шамол
26. Тилла сандиқ очилди, ичидан зар сочилди.

- А) ой В) қүёш С) лампочка
27. Узун бўйли сарилар, кўлтифида нони бор?
- А) пахта В) буғдой С) қамиш
28. Қор эриб шошар, ариқлар тошар, гуллар кўп — асал.
Бу қайси фасл?
- А) ёз В) баҳор С) куз
29. Пиширса ош бўлур, пиширмаса қуш бўлур.
- А) гуруч В) тухум С) қуш
30. Осмонни қайси ранг билан бўяйсиз?
- А) зангори В) яшил С) кўк
31. Лола расмини қайси ранг билан бўяйсиз?
- А) пушти В) қизил С) оқ
32. Қайси ҳашарот энг кам умр кўради?
- А) чумоли В) капалак С) пашша
33. Қайси ранг кўзда яқин кўринади?
- А) оқ В) қора С) қизил
34. Энг полвон ҳашарот нима?
- А) ари В) хонқизи С) чумоли
35. Отнинг боласи нима деб аталади?
- А) отча В) тойчоқ С) бўталоқ.

Тез айтишлар

- Жамила жийдани жойига жойлади.
- Салим сабзини саватга солди.
- Гулнора гулли гиламни ёйдими,
гулли гиламни Гулнора ёйдими?
- Экинни Эркин эккан экан.
- Жўранинг жами жўжалари жам.
- Жавлон Жаҳонга жийда жўнатди.
- Самад саҳарда соғин сигирни соғди.
- Тўйғун тонгда тўртга тўти тутди.
- Йўлдош йўлакда йиртқич йўлбарега йўлиқди.
- Қодир сирганчиқ қишида қорни қизғанди.
- Қўзичогим қўнғироқ, қўнғироқли қўзичоқ.

Мақоллар

- Айиқ ўз кучини ўзи билмайди.
- Арипинг уясига тексанг ўртага олиб талайди.
- Чумоли инига чўп тиқма.
- Ари чақди деб аразлама, боли бор.
- Арпа-буғдой ош экан, олтин-кумуш тош экан.

6. Асал – қилмайди касал.
7. Қарқуноқдан булбул чиқибди.
8. Полапон бошига туруттой тушган.
9. Бақани боссанг ҳам, «вак» этади.
10. Бир анор минг беморга даъво.
11. Бир бошоқ – бир сават нон.
12. Бир томчи сув – чумолига дарё кўринар.
13. Бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув.
14. Бир кесссанг, ўнни эк.
15. Бофни боқсанг боғ бўлар, ботмон даҳсар ёғ бўлар, боқмасанг боғ тоғ бўлар, юрак-багринг доғ бўлар.
16. Булбул навоси – қўнгил ҳавоси.
17. Булут йиғлайди, гул кулади.
18. Буғдой ҳосили бошида, сабзи ҳосили тагида.
19. Бўри қариса ҳам, бир қўй олар кучи бор.
20. Чумолидан қурбақа хайр сўрабди.
21. Гул тикансиз бўлмас.
22. Даҳаҳт бир жойда кўкаради.
23. Ёзи кетиб кузи қолди, қиши кетиб музи қолди.
24. Ёнгоқ минг яшайди, арча билан тенг яшайди.
25. Жўжали товуқдан дон ортмас.
26. Жўжани кузда санайдилар.
27. Икки қуённи қувлаган бирини ҳам тутолмас.
28. Илиб-илиб ёз бўлар, совиб-совиб қиш бўлар.
29. Ит аразлайди. Эгаси билмайди.
30. Кийикли тоғ – суюкли тоғ.
31. Мушукнинг ўйини – сичқоннинг ўлими.
32. Нон – асли дон.
33. Обод қилган – обод бўлади.
34. Тарифи пишганинг товуғи бўлгим келади.
35. Терга ботган – зарга ботган.
36. Ўрдак билан топишган хўрознинг катагини сув босади.
37. Бобомнинг тол эккани – ўзига ном эккани.
38. Яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ қолади.
39. Боғ жамоли боғбондан.

Ўйинлар

I. Вокеабанд – ижроли ўйинлар

1. Ошқовоқ пишди.
2. Қовун экиш.
3. Қовунингни пойла.

4. Бөгбөг ва гуллар.
5. Оила.
6. Болалар бөгчаси.
7. Дүкон.
8. Чойхона.
9. Хола-хола.
10. Кичик аравакаш.
11. Зар, замин ва дөңкон.
12. Ялқов, баҳт, ғайрат ва меҳнат ҳақида.

II. Таълимий ўйинлар

1. Йил фасллари.
2. Ёввойи ва уй ҳайвонлари.
3. Ким чаққон?
4. Қаерда нима ўсади?
5. Қаерда нима гуллайди?
6. Қаерда нима пишади?
7. Ишлаш учун нима зарур?
8. Карчоқ.
9. Ажойиб халтача.
10. Рангига қараб танла.
11. Домино.

III. Ҳаракатли ўйинлар

1. Қармоқча.
2. Фозлар.
2. Чўпон ва пода.
3. Зифизон.
4. Айёр тулки.
5. Оқ теракми – кўк терак.
6. Қуёнчага сабзи бер.
7. Қуёш ва ёмғир.
8. Айиқлар ва асаларилар.
9. Курк товуқ ва жўжалар.
10. Топинг-чи, нима қичқираяпти?
11. Мушукчалар.
12. Тулки товуқхонада.
13. Кулранг қўён ювинаяпти.
14. Овчилар ва қуёнлар.
15. Капалакни тут,

КИЧИК ГУРУХЛАР УЧУН МАВЗУЛАР

Мавзу. МЕВАЛАР БИЛАН ТАНИШТИРИШ (ОЛМА, НОК, АНОР)

Дастур мақсади: Болаларни табиат ҳақидаги тасаввурларини бойитиш, мевалар борасидаги билимларини кенгайтариш.

Дастур мазмуни: Кичкінтолайларга табиатнинг ноз-неъматлари ҳақида дастлабки түшүнчалар ҳосил қилиш, кундалик ҳәётларыда истеъмол қыласттан меваларининг номларини, таъми, шакли, рангини ўзаро таққослаб, фарқлашга ўргатиш ва уларни етишишириш жараёни билан таништириш.

Дастур күргазмаси: Саватдаги мевалар, дарахтлар.

Методик усул: Саёҳат (богча богига сайдир уюштириш).

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болалар билан bogча боғига боради, уларни суҳбатга тортади.

Тарбиячи: Болалар ҳозир қайси фасл?

Болалар: Ёз фасли.

Тарбиячи: Түғри, болажонлар, бугун об-ҳаво қандай?

Болалар: Иссиқ, қүёшли кун.

Тарбиячи: Ҳақиқатан ҳам болажонлар, қүёш чақнаб нур сочяпти, қүёш нурлари ерни қыздираяпти, ўсаётган гулларни, майсаларни сувсатяпти. Ариқларда оқаётган сувлардан майсаларга, гулларга, барғларга қыйсак, майсалар яшнаб кетади, гуллар яна-да чиройли ўсади, дарахтлар күкка бўй чўзиб, баланд ўсади.

Болалар: Опа, сув жуда яхши, бизлар ҳам сув ичамиз.

Тарбиячи: Ҳа, болажонлар, сувнинг яхши хислатлари жуда кўп, атрофимиздаги олам, табиатнинг ҳаёти учун жуда зарур. Сув биз учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Инсон томирларида қон оқиб турганидек, она табиатимиз учун қон вазифасини сув бажаради. Сувни исроф қымаслик керак, ариқларда оқаётган сувларни ифлос қымаслик керак. Суҳбатлашиб боқقا келиб қолганимизни ҳам сезмабмиз. (Тарбиячи болалар билан биргаликда боғчада мавжуд дарахтларнинг турларини айтиб ўтади: нок, анор, ёнғоқ, олхўри, бодом, олма). Энди сизлар билан биз мана бу дарахтнинг номини, унинг мевасини нима деб номланишини айтишимиз керак, қани ким айтади?

Болалар: Бу олма дарахти, шохларида мевалари (олмалари) бор.

Тарбиячи: Келинглар, биргаликда шеър айтамиз:

Боқقا кирсак олмалар қип-қизариб пишибди,
Силкитибди шамоллар, ерга түп-түп тушибди.

Тарбиячи дарахтдан олма узиб болаларга күрсатади: Болалар, олма қайси рангда?

Моҳигул: Қизил

Тарбиячи: Түғри, олманинг рангини түғри топдингизлар, энди сизларга мен олма териб бераман (тарбиячи саватчага олмаларни териб олади, болалар олмадан емоқчи бўладилар). Болалар, меваларни ейишдан олдин нима қилишимиз керак эди?

Азиз: Ювиш керак эди, опажон.

Тарбиячи: Албатта, олмаларни ювиб ейиш керак, бўлмаса қоринларингиз оғриб қолади (олмаларни сувда ювиб, болаларга тарқатади). Олманинг мазаси қандай экан, ким айтиб беради?

Болалар: Ширин, ширин...

Тарбиячи: Олма қип-қизил, жуда ширин мева экан, лекин сариқ, кўк олмалар ҳам ширин бўлади. Мен сизларга ҳозир ҳикоя айтиб бераман (болалар дарахт соясига ўрнашиб ўтириб олишади). Сизларга ўхшаган Мунира исмли қизча бўлган экан. Бир куни дадаси билан сайр қилиб юрганда, катта бир дарахтни кўриб, дадасидан сўрабди:

— Дада, бу қандай дарахт?

— Қизим, бу олма дарахти, вақти келиб у сенга ширин олмалар беради.

Кунлар ўтибди, баҳор келиб, ёмғирлар ёғибди, она табиат дарахтга сув берибди, қуёш нурлари билан ерни иситибди, дарахт барг чиқарибди, гуллабди, кейинчалик кичик-кичик олмачалар тугибди. Шунда Мунира дарахтнинг олдига келиб: «дарахт олмаларингдан бер», деб сўрабди, лекин дарахт олмаларидан бермабди. Мунира роса хафа бўлиб йиғлабди. Шунда дарахт қизга ёрдам бериш учун қўёшга мурожаат қилибди. Қуёш ерни роса қиздирибди, олмалар катта-катта бўлибди, қип-қизариб пишибди. Буни кўриб хурсанд бўлган қизча яна: «Дарахт, олмаларингдан бер», дебди. Дарахт эса олмалардан узиб беролмабти, чунки унинг қўли йўқ экан-да. Шунга бу сафар шамолни ёрдамга чақирибди, шамол дарахтни силкитибди, олмалар дувиллаб тўкилибди. Мунира хурсанд бўлиб, саватчасига олмаларни териб, уйига олиб кетибди.

Олма: Мен сизларнинг Олмангиз,
Хомлигимда олмангиз.
Нортожига ўхшаб сўнг,
«Вой қорним» деб қолмангиз, — дейди.

Тарбиячи: Меваларни энди хомлигида, ювмасдан емаслик кераклигини билиб олдингизлар. Энди топишмоқ топамиз:

Изи бор-у,
Ўзи йўқ,
Сўзи бор-у,
Юзи йўқ. (*Шамол*)

Машгулот охирида тарбиячи болалар билан «Олмалар» дидактик ўйинини ўйнайди.

Мавзу. САБЗАВОТЛАР БИЛАН ТАНИШТИРИШ (ПИЁЗ, САБЗИ, ПОМИДОР, КАРТОШКА, КАРАМ)

Дастур мақсади: Болаларнинг табиат ҳақидаги тасаввурларини бойитиш, сабзавотлар ҳақидаги билимларини кенгайтириш.

Дастур мазмуни: Болаларни сабзавотларнинг айримлари билан таништириш, уларнинг ранги, шакли ҳақида тушунчалар бериш, ўсиш жараёни, одамлар учун фойдали хусусиятлари тўғрисида тушунча бериш

Дастур кўргазмаси: Саватдаги сабзавотлар.

Машгулотнинг бориши:

Тарбиячи: Ер тагида олтин қозик, у ҳаммага бўлар озиқ (сабзи).

Болажонлар, топишмоқда қайси сабзавот ҳақида гап кета япти, уни саватдан топиб кўрсатинг ва таърифлаб беринг.

Азизбек (саватдан сабзини олиб кўрсатади):

— Ранги сарик, ўзи узунчоқ.

Тарбиячи: Тўғри. Энди яна бошқа топишмоқлар айтаман, сизлар саватдан топиб кўрсатасизлар.

1. Қават-қават кўйлаги бор — тугмасӣ йўқ. (*Карам.*)
2. Пак-пакана бўйи бор, етти қават тўни бор. (*Пиёз.*)
3. Қат-қат қулоқ — дум-думалоқ. (*Карам.*)

Болалар саватдан юқоридаги топишмоқда келтирилган сабзавотларни топишади ва тарбиячи уларнинг шакли, ранги, тузилиши, хусусиятлари ҳақида сўзлаб беради:

— Сабзи, карам, пиёз, картошка — сабзавотлар турига киради. Сабзавотлар ерда ўсади, уларни бизлар овқатда ишлатади.

миз, ҳар хил салатлар тайёрлаймиз ва севиб истеъмол қиласиз. Болажонлар, мана бу ликопчага мен саватдан олиб бир хил сабзавотлардан солдим. Бу сабзавотларнинг номини, рангини, шаклини ким айтади?

Муниса: Бу — помидор, унинг ранги қизил, шакли думалоқ.

Тарбиячи: Тўғри, қани, ким сабзини саватдан топиб олиб ликопчага солади?

Болалар бу топшириқни ҳам бажаришади.

Тарбиячи: Сизлар ҳозир ажратган сабзавотларни хом ва пишган ҳолда истеъмол қилиш мумкин. Саватимизда қолган картошка, пиёс ва қарамни бизлар кўпроқ пишган ҳолда истеъмол қиласиз. Ҳозир мен сизларга шоир Анвар Обиджоннинг «Картошка» номли шеърини ўқиб бераман.

Картошка

Гоҳ ухлайман турбада,
Гоҳ пишаман шўрвада.
Қовурмада қайнайман,
Маставада яйрайман.

Лағмонда ҳам мен борман,
Ҳамма жойда тайёрман.
Кўринмасам шовлада,
Эринмасдан ковла-да.

Тарбиячи: Энди, мен сизларга сабзавотлар турига кирадиган «Шолғом» ҳақида эртак айтиб берман.

Тарбиячи болаларга эртакни ҳикоя қилиб беради ва саволжавоб ўтказади.

1. Чол шолғомнинг уруғини қаерга экибди? (Тупроқقا.)
2. Шолғом катта бўлиб ўсиши учун нима қилибди? (Сув куйибди.)
3. Чол катта шолғомни ердан қандай олди? (Тортиб олди.)
4. Шолғомни тортиб олишида чол бобога кимлар ёрдам берди? (Буви, невара, ит, мушук, сичқон.)

Машғулот охирида тарбиячи болалар билан бирга сабзавотлардан салат тайёрлайди ва тушликда бирга истеъмол қилишади.

Мавзу. ТАБИАТ БУРЧАГИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Дастур мақсади: Болаларнинг табиат ҳақидаги тасаввурларни бойитиш, сабзавотлар борасидаги билимларини кенгайтириш.

Дастур мазмуни: Болаларга табиат ҳақида илк маълумотлар бериш орқали уларнинг қалби ва онгига табиатга нисбатан қизи-

қиши ҳамда меҳр-муҳаббат уйготиш. Гуруҳ хонасининг табиат бурчаги билан яқиндан танишириш ва у ердаги жонли, жонсиз табиатга муносабатни тарбиялаш.

Дастур күргазмаси: Гуруҳ хонасидаги табиат бурчаги күргазмалари.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болаларни табиат бурчагини кузатиш қулай бўлиши, у ердаги нарсаларни бемалол кузатиши учун қулай ҳолатда жойлаштириши.

Тарбиячи: Бу бурчакнинг номи «Табиат бурчаги». Табиат деганда биз нимани тушунамиз? Қани, Муниса қизим, бир шеър айтиб беринг-чи.

Муниса: Табиат-ку улкан она,
Табиат-ку кўркам олам,
Бизга жону тан хона,
Бор бўлганмиз биз шундан,
Ер, сув, осмон, ой, кундан. (*Қ.Муҳаммадий*)

Тарбиячи: Баракалла. Демак, бизни атрофимизни ўраб турган теварак олам —бу табиатdir. Биз сайрга чиқсан албатта, ўтларни, гулларни, дараҳтларни, сувни, қуёшни кўрамиз, тоза ҳаводан нафас оламиз. Чунки бизни ўраб турган яшил ўсимликлар олами биз нафас олаётган ҳавони тозалаб туради. Ҳозир гурухимиздаги кичкинагина табиат бурчаги улкан табиатнинг бир бўлгадидир. (Бурчакдаги гулларни кўрсатиб) Сизлар кўриб турган мана бу яшил ўсимликларнинг номи нима?

Болалар: Гуллар!

Тарбиячи: Тўғри, буларнинг ҳаммасини умумий номи — гуллар. Улар тупроқда ўсади, озиқланади, сув ичади, нафас олади, очилади. Демак, уларнинг ҳам жони бор, улар ҳам яшайдилар.

Болалар: Опажон, гулларга сув қўйсан майлими?

Тарбиячи: Албатта. Қани, Акмалжон, гулларга сув қўйгинчи. (Болалар навбати билан гулларга сув қўйишади.)

Тарбиячи: Болалар, мана бу бурчакдаги суратда нималар тасвирланган?

Болалар: Дараҳтлар, жуда кўп дараҳтлар.

Тарбиячи: Тўғри, суратларда гуркираб ўсаётган дараҳтлар, уларнинг тагида ўтлоқлар, ариқларда оқаётган сувларни кўриб турибсизлар. Сиз кўриб турган нарсаларнинг барчаси табиат манзарасидир. Яшил ўсимлик оламидан ташқари суратда яна нимани кўриб турибсизлар?

Болалар: Осмонни.

Тарбиячи: Тұғри, күм-күк мусаффо осмон ҳам албатта табиаттинг бир бұлагидир. Қани, ким менга айтади, осмонда нималар учади.

Болалар: Самолётлар, вертолётлар, күшлар.

Тарбиячи: Баракалла, албатта осмонда қүшлар парвоз этади, бу суратда ҳам парвоздаги қүшлар тасвиrlанған. Қүшларнинг жуда күп түри бор, қани ким уларнинг номларини айтади.

Болалар: Чумчук, тұтиқуш, қарға, қалдирғоч, мусича...

Мухлиса: Мен қалдирғоч ҳақида шеър айтиб бераман.

Қалдирғоч, ғоч-ғоч,
Чийилламай бола оч.
Менинг сочим жингалак,
Писта билан бодом соч.

Тарбиячи: Раҳмат Мухлисахон, лекин фақат қүшилардан писта, бодом сочишни күтмасдан, уларнинг ҳам оч қолмасликлари учун уларни бизлар ҳам боқишимиз керак, уларга ҳам дон, нон ушоқлари, сув бериб турсандылар, сизларни жуда ҳам яхши күришади, богчамизга учеб келишади, сизларни күрганларида хұрсандағылышдан сайрашади.

Тарбиячи: Табиат бүрчагимиздеги мана бу сайроқи қүшнинг номи нима ва у қаерда яшайды?

Болалар: Бу каклик, тоғларда жуда күп, қишида жуда қийналадилар.

Тарбиячи: Ҳақиқатан ҳам бу қүш каклик бўлиб, ўзимизнинг тоғларда жуда күп учрайди. Қиши фаслида ҳамма нарса — ўтлар, гуллар, дараҳтлар қор тагида қолиб кетиши сабаб, тоғда яшайдиган какликлармиз ҳаёти учун зарур бўлган донни топишга қийналадилар ва улар одамлар яшайдиган жойларга, йўлларга тўда-тўда бўлиб яқинлашадилар. Шунда бальзи бир одамлар уларни овлайди, ўлдиради, қафасларга солиб сотишади. Улар тўғри қилишадими?

Болалар: Йўқ, какликларни ўлдириш мумкин эмас.

Тарбиячи: Тұғри, шунинг учун ҳам боғчамиз «Қизил китоби»га какликни ҳам киритганимиз. Бу какликка доимо ғамхўрлик қиласиз. Дон, нон ушоқлари, сув бериб парвариши қилиб келмоқдамиз. Албатта, бундан кейин ҳам бу ишларимизни давом этиришимиз керак.

Болажонлар қани айтинглар-чи, қиши биринчи қаерга келади?

A) шаҳарга B) тоққа C) қишлоққа D) далага

Бу сұхбат давомида тарбиячи болалар билан какликка дон беріб, парваришиң қыладады.

Тарбиячи: Атрофимиздеги табиатда ўсимликлар, қүшлардан ташқары ҳайвонлар ҳам бор. Мана бу суратда ҳайвонот олами вакиллари тасвириланған. Қани, ким қайси ҳайвонни танияпти?

Болалар: Сигир, от, ит, мушук, құй, әчки, эшак, бүри, қүён, тулки...

Тарбиячи: Баракалла, билағонлар. Бу ҳайвонларни түғри топ-дингизлар. Номини айтган ҳайвонларингиз уй ҳайвонлари ва ёввойи ҳайвонлар түркүмінде бўлинадилар.

Тарбиячи машғулот давомида ер ва қүёш ҳақида ҳам қисқача тушунча беради, ўсимликлар, ҳайвонот дунёсида, инсонлар ҳәстида ер, сув ва қүёшнинг туттган ўрни ҳақида айтиб ўтади.

Машғулотни «Күёш ва ёмғир» ўйини билан тугатадилар.

Маевзу. Сув, ҳаво, қуёшнинг ўсимликлар ўсиши учун аҳамияти ҳақида тушунча бериш

Машғулот мақсади: Болаларнинг табиат ҳақидағи билимларини аниклаб, ўсимликлар ўсиши учун қүёш ва ҳавонинг аҳамияти түғрисидеги тасаввурларини ҳосил қилиш. Сувнинг хусусиятлари билан таништириб, мухофазага муҳтожлиги ҳақида болаларга тушунча бериш.

Машғулот жиҳози: Стаканларда, пиёлаларда сув, муз, қайнаган сув, табиат манзаралари тасвириланған рангли расмлар.

Машғулоттинг бориши: Тарбиячи болаларни ўтказиб қўйиб, топишмоқлар беради.

1. Мен бор жойда гул бўлар,
Менсиз гулзор чўл бўлар. (*Сув*)

2. Ўз-ўзини қувиб келар
Ўт-тошларни ювиб келар,
Етиб боргач далаларга,
Жон кирап гул, лолаларга. (*Сув*)

3. Отаси қор, онаси ёмғир
Ишлатсангиз, чиқаради нур.
Кўқартириб ҳар бир гиёхни,
Яшнатади у ҳамма ёқни. (*Сув*)

Тарбиячи: Раҳмат, болажонлар, топишмоқларнинг жавобларини тўғри топдингизлар, албатта, бу сув. Сув ариқларда, анҳорларда, дарё ва денгизларда, уммонларда оқади. Ҳар биримизнинг ҳовлимиизда эса водопровод кранлари, яъни сув қувурларидан оқиб туради. Мана бу стакандаги сув ҳам биз ичадиган тиниқ, рангсиз, ҳидсиз, тоза сув. (Болаларга стол устига пиёлаларга қуйилган сувлардан бир ҳўпламдан ичиб кўришга топшириқ беради.) Болажонлар, сиз ичиб кўрган сувнинг таъми қандай — шўрми, аччиқми, ширинми?

Болалар: Шўр ҳам эмас, аччиқ ҳам эмас, ширин ҳам эмас.

Тарбиячи: Тўғри, болалар, сувнинг таъми бўлмайди. Агар сизлар пиёладаги сувларингизни музлатгичга қўйсангизлар нима бўлишини ким билади?

Болалар: Музлайди.

Тарбиячи: Тўғри. ҳарорат маълум бир миқдорга етиб, совуқ бўлганда, сувдан муз пайдо бўлади. Агар сувни чойнакка солиб, олов устига қуйиб қайнатсан, чойнакдан буг бўлиб чиқиб кетади (стакандаги қайнаган сувнинг буғланишини намойиш қиласди). Демак, сув суюқ бўлиб оқади, музласа — қаттиқ жисмга айланади, қайнаганда буғга айланиб, ҳавога қўшилиб кетар экан. Кейин қачондир, қор, ёмғир, дўл бўлиб, ерга қайтиб тушади. Сув борки, ер юзида ҳаёт бор. Чунки барча тирик жонзот сувсиз яшай олмайди. Масалан, одам организмининг 80 % и сувдан иборат. Одамлар, ҳайвонлар, қушлар, ўсимликлар сув истеъмол қилмай тура олмайди. Шу сабабли сувни исроф ва ифлос қилмай асраримиз керак. Биз яшайдиган Ўзбекистон иссиқ ўлкалар сирасига киради. Ёзда ҳаво жуда исиб кетади. Айтинглар-чи, ҳавони нима иситади?

Узоқ тоғда ўт ёнар. (*Қуёш*)

Тўғри, болажонлар, ҳаво исишига сабаб — қуёшнинг иссиқ нурлари. Қуёш ҳақида ким топишмоқ билади?

Камола: Ўзи танҳо — ягонадир,
Табиатга чин онадир.
Тилла баркаш ярақлайди,
Бахт улашиб чарақлайди. (*Қуёш*)

Озода: Шарқдан чиқар тонг чоғи
Фарбда унинг ётоғи. (*Қуёш*)

Тарбиячи: Раҳмат, болажонлар, жуда кўп нарса билар эканлизлар. Демак, ўсимликларнинг ям-яшил бўлиб ўсиши учун сув



каби қүёш нурларида исиган ҳаво ҳам зарур экан. Қүёш — катта, иссиқ, оловли шар. Қүёш нури ер юзидаги одамларга, ұсимликтарға ёруғлик ва иссиқлик беради. Барча тирик мавжудотлар қүёшга интилади (болаларға қүёш тасвири туширилған сурат күрсатади).

Тилла сандық очилди,
Ичидан зар сочилди. (*Қүёш*)

1. Болажонлар қүёшнинг ранги қандай? (*Сарық.*)
2. Болажонлар қүёшнинг шакли қандай? (*Доира.*)
3. Болажонлар қүёшнинг тафти қандай? (*Иссик.*)
4. Қүёшга яна нимани үхшатамиз? (*Нон.*)
5. Қүёш яхшими-ёмонми? (*Яхши.*)

— Тұғри, қүёшнинг жуда күп яхши хусусиятлари бор. Ұсимликтарға нур сочиб үстиради. Ерни қыздыради, бизга ёруғлик беради. Лекин, қүёш ерни жуда күп қыздыриб юборса, майсалар қовжираб, қуриб қолади, дараҳтларнинг барғлари түкилади — бу қүёшнинг ёмон хислатлари. Майсалар қовжирай бошласа, дарров уларға сув қыйишимиз керак. Қүёшнинг иссиги күпайиб, бизларға зарар бера бошласа, сув ёрдамға келади. Демек, барча тирик мавжудот сувсиз ва қүёшсиз яшай олмас экан.

Машгулот охирида «Сув түкилмасин» ҳаракатли үйинини үйнашади. Машгулотни яқунлаб, тарбиячи болаларни сайрга олиб чиқади ва машгулот давомида олган билимларини об-ҳавони кузатиб, мустақамлайди.



Маевз. ҮСИМЛИКЛАРНИ (ҚҰКЛАМ ҚҰКАТЛАРИНИ) БОЛАЛАРГА ТАҚҚОСЛАШНИ ҮРГАТИШ

Машғулот мақсади: Болаларнинг табиат тұғрисидаги билимларини үрганиб, құклам құқатлары ҳақидаги билимларини бойитиши. Ариқ бүйларидә ёввойи ҳолда үсүвчи үсімликлар (майса, ялпиз, отқулоқ, исмалоқ)ни таққослашта үргатиши. Уларнинг шифобаҳаш хусусиятлари ҳақида тушунча бериш.

Тарбиячи машғулотни очиқ далада сайдар тарзида үтказади.

Сайдар давомида тарбиячи болаларнинг диққатини куннинг ажайиблигига: ҳавонинг тозалиги, осмоннинг тиниклигига, бегуборлигига, қүёшнинг чараптаб нур сочиб туришига, ёмғирдан сұңг майсаларнинг ям-яшил яшнаб туришига қаратади. Табиат манзарасининг ажайиблигиги билан болаларнинг құтарики кайфиятини боғлайды ва шеърхонлик уюштиради.

Озода: Құклам келди, ҳар ерлар
 Яшнар лола, гул билан.
 Боеңлар, бүстонлар түлди,
 Қумри-ю булбұл билан.

Нафиса: Ёмғир ёғалоқ, ям-яшил үтлоқ,
 Энди әкинлар, чиқарап қулоқ.

Аброр: Бойчечак гул аслидир,
 Наврұз фаслин наслидир.
 Бойчечагим, бойчечак,
 Кутиб олай хушчақчак.

Тарбиячи болаларга, уларни табиат кўйнига олиб чиқишидан мақсади — ариқ бўйида ўсаётган кўклам кўкатларидан териш ва уларни бир-бирига таққослашни ўргатиш эканлигини айтади. Одамлар, ҳайвонлар қишидан чиққанида организми дармондориларга муҳтож бўлиши ва шифобахш хусусиятларга эга кўклам кўкатлари-ю, гиёҳларини кўнгли тусаб қолишини тушунтиради. Беда, жаг-жаг, ялпиз, отқулоқ, исмалоқ каби кўкатлар барра вақтлигида терилиб, таомларга кўшилиб, тановул этилса, одам бардамлашади, қувватга киради. Касалликларга нисбатан қаршилиги ошади. Кўкатлардан сомса, чучвара, манти, қатлама каби таомлар баҳорда тайёрланиб, дастурхонимиз кўрки бўлишини болалар билан савол-жавоб жараённида аниқлаб, уларнинг билимларини мустаҳкамлайди. Ялпизни тераётган вақтда унинг ҳиди ўткир ва ёқимлилигига болаларнинг диққатини жалб этади ва уни шохчаларини териш керак эканлигини ўргатади. Чунки илдизи қолган ялпиз яна шохчалар ва барғлар чиқаришини, ундан бошқалар ҳам баҳраманд бўлиши кераклигини уқтиради (шу тариқа бошқа кўкатларга хос хусусиятларни болаларга тушунтириб, уларни ҳам асраб-авайлаш ва муҳофаза қилиш кераклигини ўргатади. Зарур миқдордаги кўкатларни териб олгач, гуруҳга қайтиб, ошпаз опаларга кўк сомсалар тайёрлаш учун топширишади). Тарбиячи болаларга кўкатларни қутилиган, пиширилган ёки хом ҳолда истеъмол қилиш мумкинлигини айтади. Сайдан қайтган болаларга рангли қаламлар тарқатилади ва табиат манзараларидан олган таассуротларини қоғозга тушириш топширилади. Майсаларнинг ўсиб чиқиши, қуёшнинг нур сочиши, дарахтларнинг гуллаши, сувларнинг оқиши болалар томонидан тўғри ранг танлаган ҳолда қоғозга туширилади. Тарбиячи болалар ижодига ёрдам бериб, йўналтириб туради ва хатоларини топади.

Мавзу. КАПАЛАК БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Машгулот мақсади: Болаларнинг табиат ҳақидаги билимларини аниқлаб, гулзордаги ҳашарот — капалак билан унинг тузилиши ва ўзига хос хусусиятлари билан таништириши.

Машгулот боғча гулзорига саёҳат тарзида ўтказилади.

Машгулотнинг бориши: Тарбиячи болаларни боғча гулзорига саёҳатга олиб чиқади ва йўл-йўлакай уларнинг билимларини аниқлаб, савол-жавоб тарзида мустаҳкамлайди:



— Болажонлар, гулзорда нималарни күраяпсизлар? (Гулларни.)

— Тұғри, бу гулларнинг номлари атиргул, чиннигул, гулсапсар, гултожихүрөз. Уларнинг ранг-баранглигига эътибор қилинг. Қаранг-а, гуллар узра яна бир гул учиб юрибди. Қани топинг-чи, у нима?

Эрта-ю, кеч учади,
Гулдан-гулга құнади.
Қанотида нақши бор,
Фақат гулни қучади.
Фикринг жамлаб, чоп, ўртоқ
Жавобини топ, ўртоқ.

Болалар: Бу — капалак!

Тарбиячи: Тұғри, бу гул — капалак. Гулни қимирлатса, капалак чүчиб учади. Шунда биз уни гул эмас, капалаклигини билиб олишимиз мүмкін. Қани, капалак ҳақида ким шеър айтади?

Гулдор капалак

Дилафруз:

Аҳмад бир кун боққа кирди,
Даста-даста гул терай, деб.
Хурсанд қилиб дўстларимни
Кучоқ-қучоқ гул терай, деб.

- Феруз:* Узаман леб құл үзувди,
Гул тұсатдан учиб кетди.
Аввалига шошиб қолиб,
Аҳмад бирдан чүчиб кетди.
- Илес:* Кейин билса гул дегани
Гул эмас, бұлак әкан.
Гул бошида құниб турған
Гулдор капалак әкан.

Тарбиячи: Раҳмат, болажонлар, жуда чиройли шеър айтдин-гизлар. Капалаклар жуда чиройли ҳашаротлардир. Улар яшайдиган макон мана шу гулзорлардир. Уларнинг қорни, бошчаси бўлиб, рангдор қанотлари гулларнинг баргига ўхшайди. Шу сабабли биз уларни гулбаргларга ўхшатамиз. Капалаклар жуда кичкина, гулларнинг ширасини сўриб яшайди. Уларнинг умри жуда қисқа, узоқ яшамайдилар. Уруг қўйгандан кейин ҳалок бўлишади.

Тарбиячи болалар билан «Капалак» ўйинини ўйнайди. Ўйинни тутатгач, болаларни гуруҳга олиб кириб, рангли қаламлар, қоғозлар тарқатади ва гулзорда ўзлари кузатган капалакнинг расмини чизишни топширади (доскага капалак расмини илиб қўяди). Тарбиячи болалар ишини кузатиб, хатосини тузатиб, ишини йўналтиради ва охирида уларнинг ишини баҳолаб, машгулотни якунлади.

Мавзу. тўтиқун билан таништириши

Машгулот мақсади: Болаларнинг табиат ҳақидаги билимларини аниқлаб, тўтиқушнинг тузилиши, ҳаёт тарзи ва ўзига хос хусусиятлари билан таништириш.

Машгулот жиҳози: ўйинчоқлар, муляжлар, тўтиқушнинг рангли суратлари.

Машгулотнинг бориши: Тарбиячи тўтиқушнинг суратини доскага илади ва топишмоқ айтади:

Бу қушчами, қилсан танқид,
Қаранг, менга қилар тақлид.
Гапиради шундай тахлит
Топинглар-чи, бу қандай қуш? (*Тўтиқуш*)

— Тўтиқушлар эркин тарзда ўрмонларда яшайди. Уларнинг патлари тарам-тарам, қизил, сарик рангла бўлади, тумшуғи калта ва илмоқсимон, жуда бақувват, ўсимлик меваларини,

уруғларини, ёнғоқларини чақиб, озиқланишга мўлжалланган. Тўтиқушнинг нечта оёғи бор? (Иккита.)

— Тўғри, тўтиқушнинг оёғи иккита, лекин баъзан улар дарахтдан чиқаётганларида тумшуқлари учинчи оёқ вазифасини бажаради. Тўтиқушнинг оёқларига эътибор қилсангиз, худди «омбурга» ўхшайди, оёғининг иккита бармоги олдинга, биттаси орқага қараган. Бу оёқлар дарахтларда юришга мослашган. Қанотлари яхши ривожлангани учун улар тез учадилар. Тўтиқушларнинг учмайдиганлари ҳам бор, улар Зеландия деган узоқ ўлкаларда яшайди, бирор-бир хавф-хатар сезса, дарахт тагидаги уяларига кириб яширинадилар. Кўпинча одамлар тўтиқушларни қафасларда сақлайдилар. Бундай тўтилар одамларнинг баъзи гапларини ёдлаб олади ва тўхтовсиз такрорлайди. Шу сабабли ҳам биз уларни гапирадиган қушлар, деб атаймиз. Тўтиқушларнинг «тарам-тарам» деган турлари кичкина, «ара» деган турлари катта бўлади. Ўзбекистонда товланадиган тўтиқушлар кўп. Ранглари яшил, оқ, сариқ рангда. Ковак уйларда кўпайтирилади, уяларда тухум қўядилар ва тухумлардан бола очадилар.

Болалар тўтиқушларга «Какаду» деб ном қўйишади. Муляжларни ва ўйинчоқларни табиат бурчагига жойлаштиришади, болалар расмни илиб қўйишади. Машғулот сўнггида «Кушлар учиб ўгади» ҳаракатли ўйинини ўйнашади, тўтиқушнинг овозини имитация қилишади.

Мавзу. ЧУМЧУҚ БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Машғулот мақсади: Болаларнинг табиат тўғрисидаги билимларини аниқлаб, ўлкамизда қишилаб қолувчи қушларнинг ташки кўринишига, чиқарадиган товушига қараб таққослашни ўргатиш. Қушларга озор бермаслик, асраб-авайлашни, парвариши қилишни ўргатиш.

Машғулотнинг жиҳози: Чумчуқнинг, дарахтларнинг муляжи, ёғочдан ва хас-чўплардан ясалган инлар, суратлар.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болаларга «Чумчуқча» деган эртакни айтиб беради. Эртак орқали болалар олган билимларини савол-жавоб жараёнида мустаҳкамлайди.

1. Полапонлар нималар билан озиқланади? (Ҳашаротлар.)
2. Чумчуқлар қандай товуш чиқариб ота-оналари билан гаплашадилар? (Чирқ-чирқ.)
3. Чумчуқларнинг учиб ерга тушишида нима ёрдам беради? (Қанотлари.)
4. Аҳмад деган бола тўғри иш қилдими? (Йўқ, чумчуқларни рогаткадан тош отиб тушириш мумкин эмас.)

5. Чумчуқча онасини қандай қутқарди? (Чумчуқча онасига отилган тошга ўзини тутиб, онасини қутқарып қолди.)
6. Чумчуқчага нима бўлди? (Оёғи синди.)
7. Чумчуқчанинг оёғини ким даволади? (Раҳимжон.)
8. Раҳимжон қандай бола? (Раҳимжон яхши бола, чумчуқчанинг оёғини тузатди, у яхши дўст.)

Чумчуқ кичкина малла ранг қущча бўлиб, боғларда жуда кўп учрайди. У турли хил ҳашаротлар билан озиқланади. Шу сабабли чумчуқ боғларни заарарли ҳашаротлардан тозаловчи куш сифатида жуда фойдалидир.

Мақтар чумчуқ, богини,
Чирқ-чирқ-чирқ,
Севади ёз чоғини,
Чирқ-чирқ-чирқ.
Қишини у писанд этмас,
Юртини ташлаб кетмас,
Чирқ-чирқ-чирқ.

— Ҳа, болажонлар, қиши келиб совуқ тушганда баъзи қушлар совуққа чидай олмай, гала-гала бўлиб, иссиқ ўлкаларга учиб кетадилар. Лекин, чумчуқ кичкина бўлса-да, жуда ботир қуш. Совуқ тушса ҳам яшаб турған жойини ташлаб кетмайди. Қишининг изғирин кунларида улар овқат топа олмай қолишиша, чирқиллаб қоладилар, шунда биз уларга мана бундай инлар куриб, дараҳтга осиб қўйишимиз керак. (Ёғочдан ясалган инни кўрсатади.) Уларга дон ва нон ушоқларини ҳар доим бериб туриш керак.

Феруз: Мен қушларга дон сепдим,
 Учиб келди гужурлаб.
 Чўқилашиб донларни,
 «Рахмат», деди чугурлаб.

Машгулот охирида тарбиячи болалар билан «Чумчуқлар ва мушук» ўйинини ўйнайди. Машгулотдан сўнг боғча ҳовлисига чиқиб, болалар билан қушларга донлар сепишади.

Мавзу. БОҒЧАМИЗДА БОҒИМИЗ БОР

Машгулот мақсади: Болаларнинг табиат ҳақидаги олган билимларини аниқлаб, дараҳтлар ва уларнинг қисмлари (шохи, барги, гули, меваси, танаси) билан таништириш.

Машгулот боғча боғида сайр тарзида ўтилади.

Машғулотнинг бориши: Болалар тарбиячи билан қўшиқ айтиб, боғга сайрга чиқишиади:

Боғчамиизда боғимиз бор,
«боғчамииз»
«Боғчамиизда» гул экканмиз
барчамиз
Гулсалсар, чиннигул, гулраъно
«Боғчамиизда» мўл.

Тарбиячи болаларни суҳбатга тортади:

1. Болажонлар, ҳозир қандай фасл? (Ёз фасли.)
2. Ёз фаслида ҳаво қандай бўлади? (Иссик бўлади.)
3. Богчамиизда нималарни кўряпсизлар? (Дараҳтлар, гуллар, ўтлар.)

— Тўғри, дараҳтлар кўп ўсадиган жой боғ деб аталади. Боғни эса боғбон парвариш қиласди. Боғда, асосан, мевали дараҳтлар кўп экилади. Мевасига қараб, дараҳтларнинг номини топамиз (Болалар олма, ўрик, нок, беҳи, олча, гилос, шафтоли дараҳтларининг номларини айтадилар.)

— Қишибобо тоқقا, совуқ жойларга қорларни олиб кетгандан кейин, гўзал Баҳорой фасли ўлқамиизга келади. Қуёш ерни исита бошлигандан, боддаги дараҳтлар ва ўсимликлар куртакларидан яшил барглар ва гуллар униб чиқади. Дастваб бодом, ўрик, шафтоли, гилос гуллайди. Болажонлар, дараҳтлар гуллагандан боғларимиз худди келинчакдек оқ ва пушти рангларга чулғаниб, жуда гўзал бўлиб кетади, лекин тез орада уларнинг гуллари тўқилиб, ўрнида мевалар ривожлана бошлайди.

Дараҳтларнинг танаси битта, ингичка ёки йўғон, катта, вояга етган дараҳтлар баланд, кичик ва ёш дараҳтлар паст бўйли бўлади, меваси ёзда қуёш ерни қаттиқ қиздира бошлигандан пишади. Ҳаво иссиқ бўлса, дараҳтларнинг меваси тез пишади. Энг аввал гилос, ўрик, олча пиша бошлайди, кейинроқ, олма, шафтоли, анжирлар пишади. Олманинг баъзи бир навлари, олхўри, анор, беҳиларнинг дараҳт новдалари анча вақтгача ўз меваларини сақлаб туради. Бу меваларни биз кеч кузда қор ёғишидан олдин териб оламиз. Дараҳтларнинг мевалари бизларнинг саломатлигимиз учун жуда фойдали, чунки уларнинг таркибида жуда кўп дармондорилар мавжуд. Баъзи меваларни (олма, анор, хурмо, нок) қиши билан истеъмол қиласмиз ёки оналаримиз улардан мураббобо, шарбат, қиёмлар тайёрлайдилар. Қани, мевалар ҳақида ким шеър билади?

<i>Шоҳида:</i>	Олмадир менинг исмим, Бирам ёқимли исим. Неъмат ичра аъломан Етмиш дардга давоман.
<i>Аброр:</i>	Кулупнайман, қулупнай, Тотли ширин шакардай Қизил тўним ҳол-холли, Сизга тұхфа чиройли.
<i>Сайд:</i>	Осмон тиниқ, кўк шоҳи, Оқ булат кезар гоҳи. Гулларга кўмилади, Қандак ўрикнинг шохи.

— Мана, болажонлар, сизлар билан боғда ўсадиган мевали дараҳтлар ва уларнинг меваси ҳақида анча нарсани билиб олдик. Энди, боғбон бобомизни ҳам зиёрат қилиб кетайлик.

Болалар: Ассалому алайкум, бобожон!

Боғбон: Ва алайкум ассалом, болаларим. Боғимизга хуш келибсизлар. Боғимиз сизларга ёқдими? Мевалар билан танишиб олдингизларми?

Болалар: Ҳа, бобожон, жуда ёқди.

Боғбон: Қани, меҳмонлар, дастурхонга марҳамат. Мен сизларни боғимизда ўсадиган мевалар билан меҳмон қилмоқчи-ман. (Боғбон болаларга олма, шафтоли, ўрик улашади. Болалар меваларни мазза қилиб ейишади.) Болажонлар, мевалар ширин эканми? Энди, диққат билан менинг гапларимга қулоқ солинглар. Сизлар еяётган мана шу ширин меваларни берадиган дараҳтларни эҳтиёт қилинглар. шоҳларини синдириманглар, уларга тош отманглар, меваларини хом узиб олиб нобуд қилманглар. Мен бу йил баҳорда эккан ниҳолларни ердан сугуриб олманглар, парвариши қилишга ёрдам беринглар, улар ҳам ўсиб улғайганда, ўз навбатида, сизларга худди бугунгидай ширин мевалар беради.

Мавзу. Қўй ва эчки билан таништириш

Машғулот мақсади: Болаларнинг табиат ҳақидаги билимларини аниқлаб, уй ҳайвонларидан — қўй ва эчки билан таништириш.

Машғулот жиҳози: Қўй ва эчкининг, улоқча ва қўзичокнинг муляжлари, ўйинчоклари, сурatlари.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болаларга ер юзида мавжуд ҳайвонларнинг шартли равишда уй ва ёввойи ҳайвонларга бўлинишини айтади. Баъзи ҳайвонлар (сигир, кўй, эчки, от, тuya, кўён, ит, мушук) одамлар билан ёнма-ён яшаганликлари учун уй ҳайвонлари деб аталади. Болаларга суратларни, ўйинчоқларни, муляжларни кўрсатиб, уларнинг кўй ва эчки эканлигини аниқлайди.

Тарбиячи: Болажонлар, кўй ва эчки одамларга жуда кўп фойда келтиради, шу сабабли ҳам одамлар уларни уйларида сақлайдилар, кўпайтирадилар ва ғамхўрлик билан парвариш қиласидилар: улар учун куруқ ва ёргу молхоналар қурадилар, ўт-ўланлар экадилар, ем-хашиб ғамлайдилар. Кўй билан эчки одамлардан қўрқмайди, чунки одамлар уларга қўлдан озиқ-овқат, сув берадилар, тагларини тозалаб, парвариш қиласидилар.

Соқолли бўлиб, дунёга келар
Ўзи кийикдек югуриб, елар. (*Эчки*)

Кичкинагина бўйи бор,
Жингалак пўстли тўни бор. (*Кўй*)

Тарбиячи болаларга расмларни кўрсатиб, савол-жавоб ўтказади.

1. Кўйнинг ва эчкининг ранги қандай бўлади? (Ок, қора, кул ранг.)
2. Кўйнинг ва эчкининг оёғи нечта? (Тўртта.)
3. Кўйнинг ва эчкининг танаси нима билан қопланган? (Жун билан.)
4. Эчкининг бошида нима бор? (Шохи.)
Кўйнинг бошида нима бор? (Шохи йўқ.)
5. Кўйнинг думи борми? (Йўқ.)
Эчкининг думи борми? (Ха.)
6. Расмлардаги иккала ҳайвонда ҳам елин бор, у нима учун керак? (Боласини эмизиш ва сут соғиши учун.)
7. Кўй билан эчки нима ейди? (Ўт, беда, ем, озиқ-овқат қолдиқлари.)
— Кўриб турганингиздек, кўй билан эчки одамларга жуда катта фойда келтирадар экан. Улар одамларга сут, гўшт, ёф беради, териси ва жунидан ҳам фойдаланамиз.

Тарбиячи болалар билан биргаликда «Бойланди» ўйинини ўйнайди. (Ўйинда бир гуруҳ болалар қатнашадилар, дарвозабонлар танланади, қолган иштирокчилар тизилиб турадилар.

Дарвозабон савол беради, қолганлар жавоб қайтаради. Шартга кўра, онабошининг қўйлари бор деб тасаввур қилинади ва болалар бу қўйларни боқадилар. Дарвозабон савол берганда болалар бир овоздан жавоб қайтариши керак, жавобни онабоши бошқариб боради.)

Дарвозабон: Болалар, қўйларингиз қайдা?

Болалар: Қўйларимиз сойликда.

Дарвозабон: Болалар, тузингиз қайдা?

Болалар: Тузлиқда.

Дарвозабон: Қўйингиз нима ейди?

Болалар: Бизнинг қўйлар ўт ейди.

Дарвозабон: Қўйингиз нима ичади?

Болалар: Бизнинг қўйлар сув ичар.

Дарвозабон: Қўйлар сизга не берар?

Болалар: Бизнинг қўйлар гўшт, сут, ёғ, жун ва тери берар.

Дарвозабон: Қайси бола қўйларни яхши боқади?

Болалар: Собиржон қўйларни яхши боқади.

Дарвозабон: Мана шу Собиржонга нима берайлик? Сурнайми, ноғорами?

Онабоши: Сурнай.

Иштирокчилар сурнай товушига тақлид қилиб, майдончани айланадилар ва дарвозадан ўғадилар. Собиржон сафнинг оҳирида қолиб, дарвозага яқинлашганда, дарвозабон уни ушлаб олиб, қўлинни боғлайди. Ўз жойларига бориб турган иштирокчилар бараварига қўйидаги сўзларни айта бошлайдилар:

Бойланди, бойланди,
Собиржон бойланди.
Нима учун бойланди?
Ўйин учун бойланди.

Ушбу сўзлардан сўнг қўллари боғланган Собиржон қўйдек маъраб беради:

МА-МА-МА-МА-МА... ва ўйинга тушиди.

Мавзу. Мушук ва ит билан таништириш

Машғулот мақсади: Болаларнинг табиат ҳақидаги билимларини аниқлаб, уй ҳайвонларидан — ит ва мушукнинг ҳаёт тарзи, ташқи кўриниши, овоз чиқариши ва тана тузилиши бора-сида маълумот бериб, таққослашни ўргатиш.

Машғулот жиҳози: Юмшоқ ўйинчоқлар.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болаларга юмшоқ ўйин-чоқларни кўрсатиб, савол-жавоб ўтказади.

1. Болажонлар, бу ўйинчоқлар қайси ҳайвонларни эслатади? (Ит, мушук.)

2. Улар қаерда яшайди? (Уйда.)

3. Кимнинг уйида ити ёки мушуги бор? Унинг номи нима? (Болалар уйларида юрган итлари ёки мушуклари ҳақида ҳикоя қилишади.)

Тарбиячи болаларга ўйинчоқ мушукни кўрсатиб, унинг номидан дейди:

Болалар кўргани он
Севиниб қилас мөхмон,
Сичқонларни тутаман
Ликқа-лиққа ютаман.

Қаранглар-а, болалар, бу Бароқвой номли мушук сичқонларни тутиб ейишни ёқтирап экан. Бу мушукнинг ранги қандай? (Оқ.) Жуни юмшоқ, қулоқлари нечта? (Иккита.) Оёқлари нечта? (Тўртта.) Думи қандай? (Узун.) Мушугимиз миёвлайди (болалар билан мушукнинг овозини имитация қилишади). Мушук уй ҳайвони бўлгандиги сабабли, биз унга сут, қаймоқ, овқат, нон, сув бериб, парвариш қиламиз, у эса уйдаги кеми-рувчиларни (сичқонларни) тутиб ейди. Уйда иссиққина жойни эгаллаб, қуриллаб ухлайди, уйгоқ вақтида эса сизларга суйкаланиб, эркаланади. Мушук жуда чаққон, эпчил, тез югурдиган ҳайвон. Баланд ерлардан сакраб тушганда ҳам жароҳат ёки шикаст олмайди, доимо тўрт оёқда ерга тушади.

Тарбиячи болалар билан «Мушугим» кўшигини айтади.

Мушугим номи Бароқ,
Сўзимга солар қулоқ.
Каравотда ётади,
Роса хуррак отади.
Мен боғчага борган дам,
Миёвлаб борар у ҳам.

Тезда у қайтиб кетар,
Кечкурун уйда кутар.
Уйқудан уйғонган чоқ,
Ичади суту қаймоқ.
Мушугим номи Бароқ,
Сўзимга солар қулоқ.

Тарбиячи болаларга топишмоқ айтади:

Ҳовли бўйлаб юраман, қоровулдай турман,
Бегонани йўлатмай, тунда тинмай хураман.
Қани топинг, бу нима? (Ит.)

— Тўри, болажонлар! Бу топишмоқда мен сизларга яна битта уй ҳайвони кучукни тасвирлаб бердим. Қани, ит ҳақида ким

гапириб беради? (Үйинчоқ итни бир болага беради.) Қани, итга ном қўйгин-чи?

Раҳимжон: Бу итнинг номи Олапар. Унинг боши, иккита қулоги, иккита кўзи, оғзи ва бурни бор. Танаси оқ ва қора ранга. Тўртта оёғи ва думи ҳам бор.

Тарбиячи: Раҳмат, Раҳимжон. Ит қандай овоз чиқаришини ким қўрсатади?

Феруз: Ит вовуллайди. ВОВ-ВОВ-ВОВ.

Тарбиячи: Ит нима ейди? (Гўшт, нон, овқат ейди, сув ичади, суяқ чайнайди.) Итнинг қандай фойдали хусусиятларини биласизлар? (Одамларнинг ўзларини, уйларини қўриқладайди, чўпонларнинг кўйларини бўрилардан асрайди, улар одамларнинг дўсти, ўз эгаларига доимо содик, вафодор.) Тарбиячи болалар билан «Пахмоқ кучук» ўйинини ўйнайди.

Мазмуни: Болаларнинг бири бошини олдинга узатилган қўлларига қўйиб, ерга ётади ва пахмоқ кучукни ифодалайди. Қолган болалар унинг атрофида тўпланишиб, шеър ўқийдилар:

Пахмоқ кучук ётади,
Қаранг, хуррак отади.
Билиб бўлмайди асло
Уйгоқми у, ё ухлар.
Секин келиб уйғотсан,
Қизиқ иш бўлса керак.

Болалар кучукнинг ёнига келиб, уни туртиб, чапак чалиб, хуркитиб, отини айтиб, уйфота бошлайдилар. Кучук ўрнидан иргиб туради ва қаттиқ вовуллайди. Болалар ҳар томонга қочиб кетадилар. Кучук уларни қувиб, бирортасини ушлаб олишга ҳаракат қиласи. Ҳеч кимни ушлай олмаса, яна ўзи пахмоқ кучук вазифасини бажаради.

Мавзу. қуён ва типратикан билан таништириш (Мужассам машғулот)

Машғулот мақсади: Болаларнинг табиат тўғрисидаги билимларини аниқлаб, қуён ва типратиканни таништириш. Нутқ бойлигини ўстириш, мантикий фикрлашни ўргатиш, мусиқа оҳангига мос ҳаракат қилдириш ва тасвирий фаолиятга бўлган қизиқишиларини тарбиялаш.

Машғулот жиҳози: Тирик қуён ва типратикан, сабзи, камрам, олмалар солинган сават.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи гуруҳга қўлда қутилар билан кириб келади.

Тарбиячи: Болалар, бугун бизларнинг гуруҳимизга мәҳмонлар келишган, мен уларни бошлаб келаяпман. Уларнинг ким эканликларини топишмоқлардан топиб, аниқланг.

1. Узун қулоқ, қалта дум. (Күён.)

Тарбиячи қўлидаги қутичадан қуённи олиб, стол устига кўяди:
— Салом, хуш келибсан, қуёнжон.

Болалар тарбиячининг даъвати билан қуённи бирин-кетин қўлларига олиб, ушлаб кўришади ва савол-жавоб ўтказишади.

1. Куённинг ранги қандай? (Оқ.)

2. Куённинг жуни қандай? (Юмшоқ.)

3. Куённинг нечта қулоғи бор ва қандай? (Иккита, узун қулоғи бор.)

4. Куённинг нечта оёғи бор? (Тўртта.)

5. Куённинг думи қандай? (Калта.)

Бу савол-жавоб жараёнида қуён қочиб, стол тагига яширишиб олади.

Тарбиячи: Кимданdir чўчиб кетди,
Куёнжон қочиб кетди.

Дилафрўз: Ўтлоқда қуёнчалар,
Дикир-дикир ўйнашар.
Бўри йўқмикан дея,
Аста қараб қўйишар.

Тарбиячи: Қуёнимиз жуда қўрқоқ ҳайвон, майли, у яширишиб турсин, биз уни қарам ва сабзи билан мәҳмон қиласиз. Болалар, ким билади, қуён яна нима ейди? (Ўт.) Қуёнлар қаерда яшайди? (Уйда, ўрмонда.) Демак, қуённи уй ҳайвони ҳам, ёввойи ҳайвон ҳам деб айтишимиз мумкин. Қани, қуёнга овқат беринглар-чи. (Болалар қуёнга сабзи ва қарам баргини беришади, қуён ея бошлайди.)

Тарбиячи: Болажонлар, яна бир мәҳмонимиз бор, уни ҳам кўришини истайсизларми?

2. Қулоқларим бор менинг,
Ҳамда учли бурунчам.
Ҳеч кимдан мен қўрқмайман,
Ўзимга ниш тиқмайман. (*Tipratikan*)

Усти бошим тикан-тикан,
Бўлмангиз сира ҳайрон.
Жаҳлим чиқса, хурпайсам,
Тега қўрманг ҳеч қачон. (*Tipratikan*)

— Тұгри топдингиз, бу типратикан. Қаранглар, унинг тиқанлари жуда күп. Құл билан ушлаб бұлмайды. Үзи дум-думалоқ коптотка үхшайды. Ранги қора, агар сувни күрса, тиқанлари орасидан бошини чиқаради. Типратикан — тун ҳайвони, кеч-курунлари овга чиқиб, курт, құнғиз ва майда кемирудиларни тұтиб ейди. Кузда ейдиган нарсалар қолмаганида, үзи учун пана жойда ин тайёрлайди, юмалоқланиб ётиб олади ва үйқуга кетади. Баҳор келгач, қишки үйқудан үйгонади. Қаранглар, болалар, типратикан доим хавф сезса, бошини игналари орасига тортиб, үраниб олади ва думалоқ бұлиб қолади. Ҳозир ҳам у шу ҳолатда. (Болалар типратиканни ўраб олиб, уни томоша қилишади ва олдиндан тайёрлаб қўйилган қўнғизларни беришади.)

Машгулотнинг иккинчи қисмida тарбиячи болалар билан мусиқали ўйин ўйнайды.

Ўйин мазмуни: Болалар давра қуришади, қўён вазифасини бажарувчи бола давра ўртасида туради. Болалар мусиқа жўрлигига қўшиқ айтадилар:

Қуёнжон юзини ювар,
Балки, меҳмонга борар,
Аввал бурнини,
Кейин оғзини
Чайди у роса.
Қулоқларини ҳам ювиб,
Артинди тоза.

Қуён ана шу сўзларга мос ҳаракатлар қиласы, ўйнайди, кеийин болалардан бирортасининг олдига икки оёқлаб, сакраб-сакраб келади. Қуён танлаган бола, ўз навбатида, даврага тушади, ўйин тўрт-беш маротаба такрорланади.

Машгулотнинг учинчи қисмida болалар столда ўтириб, олдиндан тайёрлаб қўйилган рангли қоғозларнинг қирқимлари, тоза оқ қоғоз ва елим билан ишлашади.

Тарбиячи: Болажонлар, бугун гуруҳимизга келган меҳмонларимиз — типратикан ва қуёнжонга сизлар ёқиб қолдингизлар. Улар кетишни истамаяптилар, бугун сизлар билан қоладилар. Типратиканнинг уйи бор. (Терраиумни кўрсатади.) Лекин қуённинг уйи йўқ. Биз унга столнинг устида турган қоғозчаларни оқ қоғозга ёпиштириб, уйча қуриб беришимиз керак. (Тарбиячи олдиндан тайёрлаб қўйилган кўргазмани доскага илиб қўяди, болалар унга қараб, ўзлари ҳам уйчани аппликация қилиб ясашади.) Машгулот охирида болалар ишини тарбиячи баҳолайди ва энг чиройли уйни биргаликда қуёнга тақдим этишади.

Мавзу. чумоли иинин күзатиш

Машгулотниң мақсады: Болаларнинг табиат тұғрисидаги билимларини аниклаб, чумолининг ҳаёт тарзи, яшаш жойи, тузилишини күзатиш. Унинг табиаттага ва одамларга бұлған фойдалы да заарарлы томонларини тушунтириш.

Машгулотта тайёргарлик: Тарбиячи машгулотдан олдин катта чумоли иинин танлаб, болалар ўтиришлари учун жой тайёрлайди. Жой күзатиш учун қулай бўлиши керак.

Машгулотниң бориши:

Тарбиячи: Болажонлар, бугунги машгулотимиз мавзусини сизлар топишимоқ орқали топасизлар.

1. Қаторма-қатор, занжирдек қатор. (*Чумоли.*)

2. Бели хипча қора от, тоққа чиқса тоймайди, тошқин бўлса ботмайди. (*Чумоли.*)

— Тўгри, болажонлар, биз бугун чумолилар билан танишамиз. Сизлар кўриб турган жой чумолиларнинг ини. Чумолилар жуда кўпчилик бўлиб яшайди, улар ҳам оила тузишади. Агар чумоли инига яқин борсангиз, уларнинг оёқ остида ҳисобсиз ўрмалаб юрганини кўриш мумкин. Бир қатор чумолилар ини томон ўрмаласа, иккинчи қатор чумолилар инидан қайтиб келаётган бўлади. Аксарият чумолилар хас-чўп, дон-дун, баргларнинг бўлаклари, нон ушоқлари, пашша, кўнғиз, капалак, қуртларни ўлжа сифатида ташиб кетишияпти. Чумолилар кўрмайди ҳам, эшитмайди ҳам. бир қатор бўлиб келаётганда улар бирбирига урилиб, йўлда давом этиб кетаверади. Чунки улар хид билиш қобилияtlари орқали ўз йўлларини топадилар. Чумолилар ўз изларидан юрадилар, адашиб қолганларида изларини топмагунча бир жойда айланаверадилар, улар кўплаб зааркунданда ҳашаротларни қириб, табиаттага жуда катта фойда келтирадилар. Чунки дараҳт ва бошқа ўсимликларни зааркунданалардан ҳимоя қилишади. Уларнинг бир оиласи ёз давомида қишифасли учун кўплаб ҳашарот, капалак ва қуртларни ўз инларига ташиб оладилар.

Тарбиячи болаларни сафга тизиб, чумолилар каби юришга ўргатади. Болалар сафланиб, боғча айвончасига тушади.

Тарбиячи: Болалар, сизлар ҳозир табиатда чумолилар ҳаётини яқиндан күзатдингизлар, мана энди чумолининг катталаштирилган суратини томоша қиласиз. Чумоли қандай рангда экан? (Қора.) Тўгри, чумолининг ранги қора бўлиб, танаси: бош, кўкрак ва қориндан иборат. Унинг ингичка 6 та оёқчалари бор (расмдан болалар чумоли тузилишини таҳлил қилишади).

Тарбиячи болаларга «Чумоли ва типратикан» масалини айтиб беради. Машгулот сүнгидаги болалар билан масал юзасидан савол-жавоб ўтказади ва чумоли билан типратиканнинг меҳнатсеварлиги, ақллилиги каби хислатларини аниқлайди. Чунки чумоли кичкина бўлса-да, жуда кучли, меҳнаткаш, атрофдагиларга фойдали ҳашарот, ўзидан 100 баробар каттароқ, оғирроқ юкни кўтаришга кучи етади.

Маевзу. БУЗОҚЧА БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Машгулотнинг мазмуни: Болаларнинг табиат тўғрисидаги билимларини аниқлаб, уй ҳайвонларидан сигирнинг тузилиши, ҳаёт тарзи, одамлар учун аҳамияти ва унинг болачаси билан таништириш.

Машгулот жиҳозлари: Юмшоқ ўйинчоқлар, сигирдан олинадиган маҳсулотларнинг расми, намунаси ва муляжлар.

Машгулотнинг бориши: Тарбиячи болаларни уй ҳайвонлари ҳақидаги билимларини аниқлаш мақсадида савол-жавоб ўтказади. Қайси уй ҳайвонларини билишларини аниқлагандан сўнг, сигир ҳақида мукаммалроқ сухбат ўюштиради.

— Қадим-қадим замонларда одамлар биринчи бўлиб сигирни қўлга ўргатишган. Сигирнинг одамлар ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эгалиги сабаби, улардан инсон сут, сут маҳсулотлари, гўшт ва чарм учун тери олишган. Сигир катта ҳайвон, гавдасига яраша боши ҳам катта, бошида 2 та шохи бўлиб, улар буралиб туради. Шохининг тагида 2 та қулоги бор, тумшуғида катта бурун тешиклари бўлиб, оғзи ҳам тумшуғида жойлашган, овқатни чайнаб ейди, кавш қайтаради. Сигирнинг 4 та оёғи ва узун думи бор, думи билан ўзини ҳашаротлардан ҳимоя қиласи. Сигирнинг боласи бузоқча онасини эмиб катта бўлади.

Тарбиячи болалар билан сухбат давомида сигирнинг нима билан озиқланишини аниқлайди (ўт, ем-ҳашак, озиқ-овқат қолдиқлари, сув ичади). Сигирларни кўпинчча чўпонлар подапода қилиб яйловларда боқадилар, яйловда улар серозуқа ўсимликлардан тўйиб есалар, кўпроқ сут берадилар, сутдан эса болаларимиз севиб истеъмол қиласидиган сариёғ, қаймоқ, қатиқ олинади. Демак, сутнинг маҳсулдорлиги бизнинг парваришимизга боғлиқ экан. Сигир, бузоқлар парвариш қилиниши натижасида етилгандан кейин одамларга гўшт беради, уларнинг териисига ишлов берилиб, чарм тайёрланади, ундан одамлар учун қишики кийим-кечаклар, оёқ кийимлари, қўлқоплар, сумкалар тайёрланади. Сигир етти хазинанинг бири, деб ҳисобланади.

Қайсар бузоқча

Яйловда бир бузоқча,
Аразлабди тұдадан.
Кетиб қолиб узоққа,
Адашибди подадан.

Якка ўзи ўтларкан,
Бориб яйлов тұрига.
Бузоқ тунда тұсатдан,
Дуч келибди бүрига.

Маъраса ҳам қанча у,
Билишмабди дүстлари.
Мазза қилиб оч бўри,
Ўйиб ебди кўзларин.

Болалар бу ҳақда дер: «Бўлинганни бўри ер».

1. Қайсар бузоқча тұдадан аразлаб тұғри иш қилдими? (Йўқ.)
2. «Бўлинганни бўри ер», деганда нимани тушундинглар?

Тарбиячи болалар жавобидан хулоса қиласы: Демак, болалар катталарнинг гапидан чиқмаслиги керак, маслаҳатларига қулоқ солиб, дўстлари билан бирга бўлиши керак.

Машғулот якунида болалар «Чўпон ва пода» ҳаракатли ўйинини ўйнашади.

Маъзу. БАҲОР ЭЛЧИЛАРИ – ҚОҚИГУЛ ВА ЛОЛАҚИЗҒАЛДОҚ БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Машғулотнинг мазмуни: Болаларнинг табиат тұғрисидаги билимларини аниқлаб, баҳор гуллари номлари, қачон, қаерда ва қандай ўсиши ҳақида маълумот бериб, болаларнинг она табиатта бўлган меҳр-мухабbatларини ўстириш, табиатни ҳимоя қилиш туйғуларини сингдириш.

Машғулот жиҳозлари: Гербарий, рангли расмлар.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болалар билан баҳор келиши билан табиатда бўладиган ўзгаришлар (қуёш ерни иситиши, ёмғир ёфиши, ердан майсалар ва гуллар ўсиб чиқиши) ҳақида сухбат уюштиради.

Ўзи қизил гўзал бирам,
Қирга ёзар қизил гилам. (*Лолақизғалдоқ*)

— Тұғри, болалар, топишмоқнинг жавоби лолақизғалдоқ-лигини топдингизлар. Лолақизғалдоқлар қип-қизил рангда бўлиб, далаларни, боғдаги ўглоқларни эрта баҳорда қоплаб олади. Лола атрофика эса қоқигул ҳам қуёш янглиғ сариқ рангда очиласы. Бу хилдаги ўсимликлар ўтган йилда танасида озиқ модда-

лар тўплаган, шу сабабли уларнинг ер остидаги илдизлари ёки пиёзлари йўғон ва бақувват бўлади. Улар эрта баҳорда қўёш яхши қиздирадиган жойларда ўсади (қирларда, далаларда, боғларда).

Тарбиячи болаларга қизиқарли тарзда гуллар ўзаро сухбат ўюштириши ҳақида маълумот беради:

— Кунлардан бир кун боғчага барвақт келиб қолдим. Май-сазор оралаб йўлакчадан кетаётсам, кимнингдир пастина овози эшигилди: «Боғча опа, бизларга қарамайсиз ҳам, кеча болаларингиз бизни оёқлари билан босищди, гулларимизни узиб ташлашди, таналаримиз жуда оғрияпти». Овоз чиққан тарафга қарасам, қоқигулнинг навдаси эгилиб, титраб, қимиirlаб турган экан. Эгилиб, дикқат билан қарасам, лолақизғалдоқнинг барглари тушиб кетган, у ҳам титраб турибди. Сизлар қилган ишлар учун жуда уялиб кетдим, уларга сув қўйдим. Шу вақт бошқа гуллар ҳам йиглаб, дардларини айтиб юборсалар бўладими? Сиз уларнинг номларини биласизми? (Тарбиячи болаларга дала гуллари расмларини кўрсатади.)

Болалар: Чучмома, бойчечак, бинафша, қоқигул, лолақизғалдоқ...

Тарбиячи: Болажонлар, уларнинг номларини билар экансизлар, лекин гуллар сиздан бемехр, бизни танишмайди, бизни яхши қўришмайди, бизни нобуд қилиб, парвариш қилишмайди, деб хафа бўлишди. Мен уларга эътиroz билдиromoқчи бўлдим, лекин ўйлаб қолдим: балки улар ҳақдир, биз чиндан ҳам гулларни таниб, уларга меҳрибончилик қиласяпмизми (болалар гулзорда гулларни парвариш қилишганлари, қандай иш бажаргандари ҳақида гапиришади, лекин шу ҳақда баъзилари гулзор ичидаги чопиб юрганлари, гулларни оёқости қилганларини ҳам эслашади). Демак, сизлар қачон, қасрда нотўғри иш қилганингизни, гулларни хафа қилиб, уларни нобуд қилганингизни тушуниб, пушаймон бўлибсизлар — ўзларингга керакли хулосалар чиқариб олибсизлар.

Беҳруз: Лола-лола-лолажон,
 Ўсар жойинг далада.
 Лола-лола-лолажон,
 Чидадингми жалага.

Дилноза: Жала қуйса, қўрқмагин,
 Селлар келса, қўрқмагин.
 Чиройимни очай деб,
 Кизлар такса, қўрқмагин.

Тарбиячи болаларнинг билимларини хуносалаб, қоқигулнинг ўтлоқларда, ариқ бўйларида ўсишини айтиб, рангини қўёш нурлари билан таққослади, қоқигулнинг барглари узун, доридармонга бой, кўз, жигар касалликлари учун даво эканлигини айтади. Қоқигулни қайнатиб, шарбат сифатида ичиш лозимлигини қўргазмали намойиш этади. Машгулот охирида тарбиячи болаларни гурух майдончасига меҳнат қуроллари (пакирча, белкуракчалар) билан олиб чиқиб, гулларни парвариш қилиш (тагини юмшатиш, сув қуиши)ни ўргатади.

Мавзу. ХОНАКИ ГУЛЛАРГА МАНСУБ – КАКТУС БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Машгулот мақсади: Болаларнинг табиат тўгрисидаги билимларини аниқлаб, хона гулларидан бири бўлган кактус билан таништириш, уни парвариш ва муҳофаза қилишни ўргатиш, хона гулларига нисбатан меҳр ҳисларини тарбиялаш.

Машгулот жиҳозлари: гултувакдаги кактус гули, ранги кактус фотосуратлари.

Машгулотнинг бориши: Тарбиячи болаларни гуруҳдаги табиат бурчагига бошлаб бориб, у ерда турган гулларнинг номларини болалар билан бирга тақрорлади (ёронгул, геран, бегония, хитой гули, кактуслар). Кактусларнинг турлари жуда кўп бўлиши, унинг ўзига хос тузилиши, тиқанларининг фойдали томонлари, гуллагандаги жуда гўзал бўлиши ҳақида маълумот беради. Кактуснинг ўйда тувакда ўстирилишининг сабаби, уларнинг узоқ иссиқ ўлкалардан келтирилганлиги, йил давомида гуллаши, ям-яшил бўлиб яшнаб туриши ҳақида айтади. Бизнинг ўлкамизда қишининг совуқ келиши, гулларнинг қишига совуққа чидамсизлиги, уларни совуқ уриши мумкинлигига болалар диққатини тортади. Бу гуллар ўз ватанида иссиқ иқлимда баланд ва қалин ўсишларини, шу туфайли ҳам биз уларни доимо сув ва ёруғлик билан таъминлашимиз зарурлиги, дераза токчаларида қулай шароитлар яратишимиш кераклигини уқтиради. Етарли миқдорда қўёш нури, серозуқа тупроқ ва сув бўлганда улар қишин-ёзин чаман-чаман очилиб туради (кактус сувни унча хуш кўрмайди).

Махлиё:

Гул очилди,
Нур сочилди борлиққа.
Оҳ, қандайин.
Ўйин-кулгу,
Юрак тўлди шодликка.

Тарбиячи болаларга гулларнинг хона ҳавосини тозалаш, кислород билан бойитиб туриши, инсон баҳр-дилини очиши ҳақида айтади.

Кактус — семиз пояли ўсимлик, унинг юзи тиканаклар билан қопланган, кактуснинг бўйи пакана, шакли думалоқ ёки узунчоқ бўлади.

Болалар уларни парвариш қилаётгандা, уларнинг ҳимоя во-ситаси тиканаклардан эҳтиёт бўлишлари ксраклигини уқтира-ди. Машгулот охирида болалар билан биргаликда кактус расм-ларини чизишиади. Тарбиячи болаларнинг иқтидорини баҳолай-ди ва яхши чизилган расмларни гуруҳ доскасига илиб қўяди.

Мавзу. МАНЗАРАЛИ ДАРАХТЛАРДАН АРЧА ВА ЧИНОР БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Машгулот мақсади: Болаларнинг табиат тўғрисидаги билим-ларини аниқлаб, манзарали дараҳтлардан: арча ва чинор, уларнинг фойдали хусусиятлари билан таништириш.

Машгулот жиҳози: Чинор ва арчанинг қуритилган барглари ва шохчалари, рангли расмлар.

Машгулотнинг бориши: Тарбиячи болаларга манзарали да-раҳтлардан тол, терак, чинор, арча, қайрагочларни санаб ўта-ди ва бу дараҳтларнинг меваси бўлмаслиги, чиройли манзара касб этиши учун экишларини тушунтиради. Ушбу дараҳтлар яшил барглари билан биз нафас олаётган ҳавони кислородга бойитишини, таналаридан эса қурилишлар учун ёгочлар оли-нишини айтиб беради. Болалар диққатини доскага илинган ранг-ли расмларга жалб қилиб, уларга топишмоқ айтади.

1. Тоғда, боғда яшайди,
Кишин-ёзин яшнайди. (*Арча*)
2. Қишда ҳам ёзда
Бир хил кийимда. (*Арча*)

Болаларнинг жавобларини умумлаштириб, арчанинг доимо бир хил рангда эканлигини, қишда ҳам ям-яшил бўлиб, кўзи-мизни кувнатиб туришини айтади. Янги йил байрами давраси-да албатта, арча безалишини болаларга таъкидлайди.

1. Арча, арча, жон арча,
Япроқларинг нинача,
Атрофингни айланиб,
Қўшиқ айтади барча.
2. Ўрмондан келган кўйи
Ясанибсан кун бўйи,
Шохларингда ўйинчоқ,
Минг чироқли қўзмунчоқ.
3. Арча, арча, арчажон,
Шохларингда минг маржон.

Сенга келган болтага,
Бошим қўйиб берай жон.

Тарбиячи арчанинг фойдали хусусиятлари тўғрисидаги болалар билимларини мустаҳкамлаб, уни асраб-авайлаб, шохларини синдиримасдан, ўзини кесмасдан парвариш қилиш кераклигини таъкидлайди.

Чинор дараҳти ҳақида болалар билан суҳбат ўтказади. Чинорнинг улканлиги, узоқ умр кўриши, унинг соясидан одамлар фойдаланиши, чинор нафақат манзарали дараҳт, балки ҳавони тозалаб турувчи фильтр вазифасини бажаришини айтади.

Тест

1. Қишин-ёзин қўк либосда?

- A) тол
- B) арча
- C) чинор

2. Асрлар давомида умр кўрувчи дараҳт?

- A) терак
- B) ёнғоқ
- C) чинор

Машғулот сўнгида «Баргига қараб дараҳт номини топ» дидактик ўйинини ўйнашади.

Мавзу. Ёввойи ҳайвонлардан – тулки билан бўрини таққослаш

Машғулот мақсади: Болаларнинг табиат тўғрисидаги билимларини аниқлаб, ёввойи ҳайвонлар борасидаги тасаввурларини кенгайтириш. Бўри билан тулкининг ўхшаш томонлари ва фарқларини, уларнинг ҳаёт тарзини эртак орқали тушунтириш.

Машғулот жиҳози: Тулки билан бўрининг рангли суратлари, эртак персонажлари, юмшоқ ўйинчоқлар, панно-пахмоқ театри.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болаларни машғулот давомида ёввойи ҳайвонлардан – бўри ва тулки билан таништириб, уларнинг диққатини суратларга қаратади ва суратда нима акс этгани тўғрисида савол-жавоб ўтказади. Ёввойи ҳайвонларнинг ўрмон ва чўлларда яшашлари тўғрисида гапириб, қишида эса овқат топиб ея олмай, нимжон, касал бўлиб қолган турли майда ҳайвонларни овлаб ҳаёт кечиришларини тушунтиради. Шу са-

бабдан ўрмонарда касаллик тарқалмаслиги ҳамда бу ҳайвонларни «Ўрмон санитарлари» деб аталиши ҳақида гапириб ўтади.

— Болалар, келинглар, бу ҳайвонларни бир-бирига ўхшаш томонларини топамиз.

1. Бўрининг танаси нима билан қопланган? Тулкиники-чи? (Жун билан.)

2. Бўрининг нечта қулоги бор, тулкида-чи? (2 та қулоги бор.)

3. Бўрининг нечта оёғи бор, тулкида-чи? (4 та оёғи бор.)

4. Улар нимаси билан бир-биридан фарқ қиласди? (Думи билан.)

— Тўғри, болажонлар, тулки билан бўри думи билан бир-биридан фарқ қиласди, тулкининг думи узун, ерни супуриб юради ҳамда чиройли. Бу ҳақда мен сизларга топишмоқ ўқиб бермоқчиман.

Ўлгудайин айёрман,
Ўрмон ичра сайёрман,
Думим супурги сифат,
На дўстим бор, на улфат.
Мени қилманг кўп кулгу,
Номим тўғри айт...

Болалар: Бу — тулки.

— Энди бўрининг думига қаранглар, қандай экан — узумни, калта ёки чиройлими?

Болалар: Калта, чиройли эмас.

Тарбиячи: Тулки ва бўри фақатгина думининг узун-калталиги билан фарқланади, улар бир-бирига ўхшаш ҳайвонлардир. Лекин болажонлар улар одатлари билан бир-бирига ўхшамайди. Мен сизларга «Тулки билан бўри» эртагини айтиб бераман.

Тарбиячи эртакни айтиб бериб, шу ҳақда болалар билан савол-жавоб ўтказади.

1. Тулки айёр, ёлғончи экан-а? (Болалар тулки ҳақида ўз фикрларини айтадилар.)

2. Бўри очкўз, лақма бўлгани учун думидан ажralиб қолди. Бўри яхшими, тулкими? (Болалар ўз таассуротларидан келиб чиқиб жавоб берадилар.)

Машғулот тарбиячи томонидан хulosаланиб, якунланади.

ЎРТА ГУРУХЛАР УЧУН МАВЗУЛАР

Мавзу. ДАЛА ГУЛЛАРИ (ҚОҚИГУЛ)

Машгулот мақсади: Болаларнинг табиатдаги ўзгаришлар ҳақидаги билимларини бойитиш, кўкламда табиатнинг уйго-ниши ва дала гуллари ҳақида тушунча бериш.

Кўргазма: Гуллардан гербариylар, тирик гуллар, суратлар.

Машгулотнинг бориши:

Тарбиячи: Болажонлар, ҳозир мен сизларга «Кўклам» номли шеърни айтиб бераман, диққат билан эннитинг.

Қирларингга гул-лола бўлиб,
Тоғларингга шалола бўлиб,
Келди кўклам, она ўлкам!
Келинг, дўстлар, фам илдизин,
Дилдан юлиб отайлик,
Улуғлаймиз — кўкламдир безак,
Кўклам бошдир — йил карвони.

— Болажонлар, шеър мазмунини тушундингизми? Шоир бу шеърида нима демоқчи экан?

Нилуфар: Баҳор фаслининг келганини, гул-лолаларнинг очилганини, кўкламнинг ажойиб фасл эканлигини айтмоқчи.

Тарбиячи: Тўғри, болажонлар, баҳорда табиат уйғонади, одамлар гайрату шиҷоатга тўлиб, яхши ният, эзгу орзулар билан иш бошлайдилар. Ким менга баҳор ёки гуллар ҳақида ўзи билган шеърини айтиб беради?

Кўклам

Азиз: Бегубор олам мунчалар кўркам,
Мусафро, тиник осмон жуда ҳам.
Нурга кўмилиб, яшнайди ўлка,
Чунки элимда кезмоқда кўклам.

Сокина:

Келди баҳор, гулбаҳор,
Эриб битди оппоқ қор,
Учиб келди қушларжон,
Дараҳтлар тақди маржон.
Сувлар оқар шилдираб,
Юлдуз боқар милтираб
Чумолилар яйрашар,
Шўх булбуллар сайрашар.

Гуллар

Зарнигор:

Ҳой гулбеор-гулбеор,
Қанча ўртоқларинг бор?
— Райҳон, бинафша, лола,
Чучмомаю гуллола,
Тұғмачагул, бойчечак,
Қизил, пушти, гулпекак,
Оппоқ сирен, гулхайри,
— Богда ўсади бари.
Ёқимли ҳид сочади!
Баҳри-дилинг очади!

Тарбиячи (болалар айтган шеърларни якунлаб, уларни боғча ҳовлисига сайрга олиб чиқади):

— Қаранглар болажонлар, қандай ажойиб кун: тоза ҳаво, осмон тиниқ, беғубор қүёш чараплаб нур сочиб турибди. Кечки ёмғирдан сұнг майсалар ям-яшил яшнаб турибди. Сизларни бугун табиат қүйнига сайрга олиб чиқишимдан мақсад — сизларни дала гуллари билан яқындан таништириш. Гурухимизда. далада, боғда ўсадиган гулларни ҳаммамиз санаб ўтдик, уларни яхши танир экансизлар. Ҳозир эса сизларни беда, жағжәф, ялпиз, отқулоқ, қоқигул ва бошқа дала гуллари билан таништираман. Бу ўсимликларнинг инсон саломатлигига катта фойдаси бор. Баҳорнинг илк даракчиси қоқигулни ҳамма биладими, уни илмий китобларда «доривор-қоқи» деб ҳам аташади. Чунки қоқи илдизи ва баргидан тайёрланган дамламалар, дорилар күп касалликларни даволашда ишлатилади. Қоқигулни ўсимлик ўсадиган барча жойларда учратиш мумкин. Доривор қоқигулнинг пояси жуда калта бўлганлиги учун патсимон, қирқиңлар күп барглари худди илдиздан чиққанга ўхшайди. Қаранглар-а, қоқигулни узганимизда ундан оқ сутга ўхшаган шира ажралар экан.

Болалар: Опажон, биз узган қоқигулдан ҳам сутга ўхшаган суюқлик ажралиб чиқаяпти.

Тарбиячи: Болажонлар, құлларингиздаги қоқигулға озор бермасдан, у ҳақида ҳозир шеър ўрганамиз. Бир оздан сүнг қоқигулнинг аҳволини кузатамиз.

Қоқиўт

Ҳой, қоқиўт, қоқиўт,
Гуллари барқут.
Нега қовоқ уясан?
Күринса булат.
Ҳой, қоқиўт, қоқиўт,
Танинг тұла сут.
Шифо бұлиб дардларга,
Малҳам доринт тут.

Тарбиячи: Энди, болажонлар, қоқигулнинг узилған жойига бармогингизни теккизинг-чи, нима бўлар экан?

Болалар: Қоқигулдан ажралған сутга ўхашаш нарса чўзилиб чиқаяпти.

Тарбиячи: Жуда тұғри эътибор қилибсизлар, қоқигулнинг таркибида каучук, яъни резина борлигини биласизларми? Агар билмаган бұлсангиз, бугундан эътиборан қоқигул ҳақида яна бир муҳим нарсани билиб олдингизлар (тарбиячи болалар билан «Қоқиўт» шеърини ёд олади).

Сайр охирида болалар билан биргаликда қоқиўт япроқла-ридан, ялпизнинг барглари, отқулоқ, исмалоқлардан териб, боғча ошхонасига олиб бориб беришади. Ошпаз опалар уларга ялпиз сомсалар пишириб беришади. Гурухнинг ўғил болалари боғбон бобо билан гурух майдончасида ишлашади.

Маевзу. ТИПРАТИКАН БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Машгулот мақсади: Табиат ҳақида болаларнинг билимларини кенгайтириб, типратиканнинг ҳаёти билан таништириш.

Машгулотнинг жиҳози: жонли бурчакдаги тирик типратикан, суратлар.

Машгулотнинг бориши:

Тарбиячи: «Тикувчимас, бичувчимас – игнаси кўп». Болажонлар, ким ҳақида гапирайпман?

Сокина: Опажон, бу топишмоқнинг жавоби – типратикан.

Тарбиячи: Топишмоқнинг жавобини жуда түғри топдинг. Топишмоғимиздан билиб олғандирсизлар, бугунги машфулотимизнинг мавзуси – сизлар ҳар куни жонли бурчакда кўриб турган жонивор – типратикан ҳақида сұхбатлашамиз.

Болажонлар, уйларингизда ўтлар орасида, боғда узунқулоқ типратиканни ҳеч учратғанмисиз? Бу ажойиб, унчалик катта бўлмаган тиканли жониворни ҳаммамиз яхши таниймиз. Унинг асосий озиғи ҳашарот ва қуртлардир. Бу ҳашаротларнинг кўпчилиги инсон ҳаёти учун фойдали ўсимликларнинг зараркунандалариdir. Типратикан шиллиққорт ва сичқонларни ҳам ейди. У довюрак овчи бўлиб, ҳатто заҳарли илонларга ҳам ҳужум қиласи, жуда кўп овқат ейди. Ҳар куни «ўз оғирлиги» га тенг миқдорда озиқланади. Йилнинг иссиқ вақтларида у танасига кўп ёғ тўплаши зарур, бўлмаса қишки уйқуга кетган даврда тиканлари уни совуқдан яхши ҳимоя қила олмайди. Қани болажонлар, жонли бурчакдаги типратикан билан яқиндан танишайлик-чи. Типратиканнинг кўринишини менга ким тасвирлаб беради?

Азиз: Типратиканнинг жуда кўп тиканлари бор.

Нилуфар: Иккита кўзи, узун тумшуқчasi, яна иккита қулоғи бор экан.

Тарбиячи: Тўғри, болажонлар, эътибор қилдингизларми, бизлар типратиканнинг ёнига яқинлашганимизда у ўзини қандай тутди?

Шаҳзод: Типратикан бирор хавф сезса, бошласини тиканлари орасига яшириб олади.

Тарбиячи: Жуда тўғри сезибсизлар, типратиканнинг тиканлари ҳимоя воситасини бажаради. Типратикан одамга жуда тез ўрганади. Унга қандай озиқ берса – танламай еяверади. Лекин у бошқа озиқ-овқатларга қараганда, сув билан гўштни кўпроқ яхши кўради. Қўлга ўрганган типратикан билан ҳар хил ўйинлар кўрсатса бўлади. Типратикан ўзи ҳақида бундай дер экан:

Уст-бошим тикан-тикан,
Бўлмангиз сира ҳайрон.
Жаҳлим чиқса, ҳурпайсам,
Тега кўрманг ҳеч қачон.
Қулоқларим бор менинг
Ҳамда учли бурунчам.
Ҳеч кимдан мен кўрқмайман,
Ўзимга ниш тиқмайман.

Болажонлар, бу шеър сизларга ёққан бўлса, кейинчалик уни ёд оламиз. Ҳозир эса сизларга «Типратикан ва чумоли» деган масални сўзлаб бераман.

Бир куни типратикан шудгор юқорисидаги узумзорда бир бош узумни ўғирлаб, инига қараб жўнабди. У болаларига узумни ейиш учун берибди ва узумнинг данакларини ютиб юбормасликни тушунтирибди. Типратиканнинг болалари узумни еб, урганини ерга ташлашибди. Буни узоқдан кўриб турган чумоли секин ўрмалаб келибди-да, улардан узумнинг данакларини олиб кетишига рухсат сўрабди.

— Олиб кетавер, биз узумини едик, данаги не керак? — дебди типратикан.

Чумоли узумнинг данакларини ўзининг инига судраб олиб кетаётганида типратикан ва унинг болалари:

— Ўзи кичкинаю, катта нарсани олиб кетмоқчи бўлиб уринишини қаранглар, оббо баднафс-е! — дейишибди чумолининг устидан кулиб.

Уларнинг бу гапларини эшитган чумоли орқасига қараб:

— Мен буни сизларга ўҳшаб ўғирлаб олиб кетаётганим йўқ, ўзларингдан сўраб, ҳалоллик билан олдим. Кучим етганича секин тортиб кетаяпман. Ҳалоллик шунаقا, кучга куч кўшади.

Буни эшитган типратикан ва унинг болалари ўз қилиқларидан уялиб қолишибди. Шундан буён қаровсиз ётган ёки чиқинди мевалар билан озиқланишар экан.

Кўрдингизларми болажонлар, ўғирлик энг ёмон одат экан, ҳалоллик ҳақида мен сизларга мақол айтаман, ўрганиб олинглар:

Ҳалол бойлик қиласар шерюрак,
Ўғирлик мол айласар жонсарак.

Энди болажонлар, ҳаммамиз биргалашиб типратиканга овқат, сув берамиз ва тагини тозалаймиз.

Мавзу. ҲАШАРОТЛАР (КАПАЛАҚ) БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Машғулотнинг мақсади: Болаларнинг табиат ҳақидаги билимларини синаб, кўпроқ маълумот бериб, тасаввурларини кенгайтириш.

Дастур мазмуни: Ҳашаротларнинг бир тури ҳисобланган капалакнинг табиий шароитдаги ҳаёти ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш, унинг ташқи кўриниши, ҳаёт тарзи билан таништириш, капалак ҳақида шеър ва топишмоқлар ўргатиш.

Кўргазмалар: Тирик капалак, расмлар.

Табиат қўйнида капалакни кузатиш.

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи:

Гулзорда бир гул кўрдим,
Япроқлари ялтироқ.
Узмоқчи бўлган эдим,
Учиб кетди у шу чоқ.

Болажонлар, мен айтган шеърнинг қаҳрамонини танидиларингми? У нима?

Моҳичеҳра: Бу топишмоқнинг жавоби – капалак.

Тарбиячи: Тўғри. Бугун биз табиатда, уйларимизда тез-тез учраб турадиган капалак ҳақида суҳбатлашамиз. Биз қаерда бўлмайлик – боғдами, даладами, яйловдами – бу жойларда эрта баҳордан то кеч кузгача капалаклар дикқатимизни ўзига жалб этади. Ўзларингиз билганингиздек, уларнинг турлари жуда кўп. Капалакларнинг 150 минггacha тури маълум. Уларнинг қанотлари майдаган тангачалар билан қопланган. Тангачалар – бу шакли ўзгарган тукчалардир. Улар қўпинча ҳар хил рангда бўлишади, ана шу тангачаларда капалаклар қанотида ажойиб рангбаранг ва мураккаб нақшлар ҳосил бўлади. Капалаклар, асосан, гул нектарлари билан озиқланадилар. Капалаклар пириллаб гулдан-гулга учиб юраверадилар, уларнинг умри жуда қисқа, факат бир кунгина ҳаёт кечирадилар. Капалак ҳақида ким шеър билади?

Баҳодир:

Атрофда капалаклар
Рақсга тушар гўзал,
Гуллар кўзни олади,
Япроқлари тук, баҳмал.

Нилуфар:

Эй, кападақ, капалак,
Қанотлари пирпирак.
Менга йўқ кийим – енгил,
Шунинг учун мен енгил.

Енгил-енгил учаман,
Дўстларимни қучаман.
Кузатиб юрибсизми,
Олай раҳматингизни.

Сокина: Мен топишмоқ айтсам майлими?

Тарбиячи: Албатта, болажонлар, диққат билан эшитамиз, қаны топишишмоқнинг жавобини ким топар экан?

Сокина: Қанотлари ранг-баранг,
Учиб юрар бир жонзот.
Гулдан-гулга қўнади,
Ким айтар, нимадир — бу?

Болалар: Капалак, капалак.

Тарбиячи: Раҳмат, болажонлар, сизлар ҳамма ерда билағон экансизлар.

Энди ҳаммамиз гуруҳимиз майдончасига чиқиб, бизлар экан гулларга қўниб юрган капалакларни кузатамиз.

Тарбиячи болаларни гуруҳ майдончасига олиб чиқиб, улар билан биргаликда гуллар узра учеб юрган капалакларнинг ҳисоби кўплигига эътибор қилади. Уларда бор рангларни болалар билан биргаликда ажратади. Ҳовлида шоир Зафар Диёрнинг «Капалак» номли шеъри билан танишиди ва қўшиқ қилиб куйлашади.

Капалак

Вой, капалак, капалак,
Қанотлари ипакдек,
Мунча шошиб учасан,
Тўхта, сўзлайн андак.

Мендан асло қочмагин,
Дўст биламан ўзимга.
Пилдир-пилдир учишинг,
Оҳ, ёқади қўзимга.

Уч, учавер, учавер,
Гўзал боғчам гулшанида.
Сира озор бермайман,
Фикрим, севгим ҳам сенда.

Тарбиячи болаларга «Капалакни тут» ҳаракатли ўйинини ўйнатади. Сўнг гуруҳга қайтиб келиб, капалакнинг қуритилган муляжи билан табиатда кўришган тирик капалаклар орасида таққослаш олиб боришади, фикрларини якунлашади. Капалакнинг умри қисқалиги, қанотларининг гўзаллиги, ранг-баранглиги, уларда мавжуд рангларнинг таққосланиши, уларнинг фойдали ва зарарли томонларига эътибор беришади.

Машгулотнинг якунида «Сурат бўлакларидан яхлит капалакни туз» дидактик ўйинини бажаришади.

Мавзу. ҚУЁН БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Машғулотнинг мақсади: Болаларни табиатнинг ҳайвонот олами билан таништириб, билимларини чуқурлаштириб, тасаввурларини кенгайтириш.

Дастур мазмуни: Болаларни қуён билан, унинг ҳаёт тарзи билан таништириш. Қуённинг инсон ҳаёти учун фойдали томонлари билан таништириш. «Қўрқоқнинг думи» эртагини сўзлаб бериш, ҳаракатли ва дидактик ўйинларни бажариш.

Кўргазма: Жонли бурчакдаги қуён ва унинг болалари, қуёнчалар тасвиirlанган суратлар, «Бўлаклардан яхлит қуённи туз» дидактик ўйини атрибуутлари.

Машғулотнинг бориши: Болалар билан биргаликда жонли бурчакда қуённи кузатишади.

Тарбиячи: Болажонлар, ўзи оппоқ, юнги юмшоқ – бу нима?

Болалар: Қуён, қуён...

Тарбиячи: Узун қулоқ, калта дум – бу нима?

Болалар: Қуён, қуён...

Тарбиячи: Раҳмат, билағон болажонлар. Қуён ҳақида жуда кўп нарсаларни билар экансизлар. Қуённинг рангини оқ, қора ва кулранг эканлигини ҳаммамиз биламиз ва кўриб турибмиз. Қуён ёввойи ҳайвонлар туркумига киради ва унинг юнгининг ранги уни йиртқич ҳайвонлардан ҳимоя қилиш учун хизмат қиласди.

Шаҳзод: Опа, қуённи уйда ҳам, боғчада ҳам боқса бўлади-ку.

Тарбиячи: Оббо, зийрак болажон-е, албатта, одамлар қуённи уй шароитида ҳам боқиб кўнайтиришни ўрганиб олишган, чунки унинг инсон учун фойдали томонлари жуда кўп. Диққат билан эътибор қилган бўлсаларингиз, қуённинг бошқа ҳайвонлардан қандай фарқи борлигини сезган бўлишларинг керак. Қани, ким айтиб беради?

Низуфар: Опажон, толишимоқда айтганингиздек, қуённинг қулоғи, думи бошқа ҳайвонларнидан фарқ қиласди. Қулоғи узун бўлиб, думи жуда калта.

Тарбиячи: Тўғри, болажонлар, қуённинг нечта оёги борлигини биласизларми?

Болалар: 4 та!

Тарбиячи: Болалар, қуён нима билан озиқланади?

Шоҳжакон: Карам, сабзи ейди.

Тарбиячи: Ҳа, болажонлар қуён уйда карам, сабзи билан биргаликда ўт, беда, майсаларни ҳам ейди. Қани, болажонлар, қуёнларимизни овқатлантирайлик-чи.

Болалар қүёнларга сабзи, ўт, майсалар беришади. Уларни ушлаб сийпалаб күришади, бирга ўйнашади.

Тарбиячи: Болажонлар, қүённи ушлаб күрганингизда нимани сездингиз, уларнинг юнги қаттиқми ё юмшоқ?

Болалар: Қуёнларнинг юнги жудаям майнин, юмшоқ, силлиқ экан.

Тарбиячи: Болажонлар, қуённинг юнги юмшоқлиги, чирой-лилиги учун совуқ тушиб, қор ёққанда кишилар, болалар кийиш учун телпаклар, пальтоларнинг мўйналарини тайёрлашади. Гўшти эса жуда ширин парҳез таом сифатида севиб истеъмол қилинади. Лекин қуёнларни бизлар асраб-авайлаб, парвариш қилишимиз керак.

Қуёнлар ҳақида ким шеър билади?

Моҳичехра: Оқ қүёним аломат
 Отини қўйдим Саломат
 Тинмай чопиб ўйнайди,
 Чарчашни ҳеч билмайди.
 Қуёнимни севаман,
 Кўк бедалар бераман.
 Семирсин деб қуёнчам,
 Кўк майсалар тераман.

Муштари: Ҳой, қуён, оппоқ қуён,
 Кел мен билан ўйнагин,
 Чопқиллашиб у ён-бу ён,
 Боғчамиизда қувнагин.

Тарбиячи болалар билан биргаликда қуённинг ҳаракатлари-га тақлид қилған ҳолатда жойларида сакраб-сакраб, чопқиллаб ўйнашади.

Тарбиячи: Баракалла, болажонлар, энди мен сизларга «Кўрқоқнинг думи», деган халқ эртагини сўзлаб бераман. Эртакдан қуён қўрқоқлиги туфайли думидан қандай ажралганлигини, нима учун думи калталигини билиб оласизлар. Тарбиячи эртакни болаларга сўзлаб беради ва савол-жавоб ўтказади.

1. Қуён олмахонга нима деб шикоят қилди?
2. Олмахон қуёнга қандай ёрдам қилди?
3. Қуённинг думига нима қилди?

Болажонлар, қўрдингизларми, қуённинг қўрқоқлиги унга қандай катта зарар етказди. Демак, қуён қўрқоқлигидан қути-

лиши керак экан. Сизларга ўхшаб жасур, қўрқмас, ботир, зий-
рак, чақон ва билимдан бўлиб ўсиши керак экан. Энди сизлар
 билан «Овчи ва қуёнлар» ҳаракатли ўйинини ўйнаймиз.

Тарбиячи болаларни грухга олиб киради ва «Бўлаклардан
 қуённи туз» дидактик ўйинини ўйнашади.

Мавзу. ТАБИАТ ҲОДИСАЛАРИДАН БИРИ – ҚОРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Дастур мақсади: Болаларнинг табиат ҳақидаги билимлари-
ни кенгайтириш, табиат ўзгаришлари ҳақидаги тасаввурларни
кенгайтириш.

Дастур мазмуни: Фаслга қараб об-ҳаводаги ўзгаришларни
фарқлашга ўргатиш, қорнинг хусусиятлари билан таништи-
риш, қор ҳақида топишмоқ ва шеърлар ўргатиш, қор парча-
лари ясаш.

Кўргазмали қуроллар: Қиши манзаралари, оплоқ қофоз, қай-
чи, «Қайси фаслга доир?» дидактик ўйин.

Машгулотнинг бориши:

Тарбиячи: Ерни қор қоплаб, сойни муз ёпар, аёз беҳазил
бу қайси фасл?

Болалар: Бу қиши фасли!

Тарбиячи: Тўғри, болалар, мен сизларга қиши фаслини тас-
виirlab бердим. Лекин сизлар қиши фасли ҳақида гап кетаётга-
нини қаердан билдингиз?

Нилуфар: Қиши фаслида кун совуқ, осмонда булутлар кўп
бўлади, тез-тез қор ёғади, шамол эсиб, туман тушади.

Сокина: Қаттиқ совуқ бўлгандан, аёз бўлади. Аёздан дераза-
ларда арчасимон нақшлар пайдо бўлади. Челакларда сувлар муз-
лайди, қор ёғиб, қорда юриш қийинлашади.

Тарбиячи: Қишини жуда яхши тасвиirlab бердингизлар. Қиши
ҳақида шеърлар ҳам биласизларми?

Азиз: Ҳар томонда оппоқ қор, совуқ хукм суради,
Дарахтлар оқ кийимда, хаёл суриб туради.

Элдор: Дарёларда сув музлаб, тўхтаб қолур қайиқлар,
 Қиши уйқусига толар, ўз инида айиқлар.

Муштариий: Роса маза қиши, қорлари қумуш,
 Оқ кийган атроф, қиши ҳавоси соф.
 Конъки учамиз, ҳеч чарчамаймиз.

Тарбиячи: Раҳмат, билағон болажонларим. Қишиң ҳақида шунча күп шеър билар экансизлар. Энди айтинглар-чи, қишиң фасли-нинг ҳусни қор ҳақида нималарни биласизлар?

Моҳиҷеҳра: Қор оппоқ рангда бўлиб, қўл теккиссангиз со-вук, ялтиллайди; шакарга ўхшайди, лекин ширин эмас. Ёқсанда парга ўхшаб, жуда енгил бўлади, қўлга олиб пуфлаш мумкин.

Тарбиячи: Қўлга текканда эриб кетади. Бу — нима?

Қор паға-паға ёғиб, қуёшнинг кучсиз нурларида кунлар исий бошласа, эриб кетади, кечаси совуқ тушса музлайди. Бу — нима?

Болалар: Қор, муз.

Тарбиячи: Қор ва муз иссиқда нима бўлади?

Азиз: Қор ва муз иссиқда эриб, сув бўлади.

Тарбиячи: Қор учқунларини кўрганмисиз, улар нималарга ўхшайди?

Болалар: Юлдузларга, гулга ўхшайди.

Тарбиячи: Қор ҳақиқатан ҳам юлдузча ва гуллар шаклида бўлади. Агар ҳаво қаттиқ совуқ бўлса, қор қаттиқ ва қуруқ бўла-ди, унинг шакли аниқ билинади.

Болалар: Ҳаво илиқ бўлганда қор қандай ёғади?

Тарбиячи: Бундай вақтларда қор ёпишқоқ бўлиб, бир-бири-га ёпишиб қолади, шаклини йўқотади. Унинг шаклини кўриш қийин бўлади ва у тез эриб кетади. Болалар қор қандай ёғади?

Болалар: Майда, катта.

Тарбиячи: Тўгри. болалар қор майда ва катта бўлиб ёгиши мумкин. Яна у учқунлар, қорбўрон бўлиб ҳам ёғади.

Болалар: Қорбўрон дегани нима?

Тарбиячи: Шамол билан бўралаб ёқсан қорни бизлар қор-бўрон деймиз. Яна бизлар сизлар билан қор ўйнаганимизда — ўйинни қорбўрон деб атаймиз.

Болалар, биласизларми, девор тўсиқлари орасида қор қат-ламлари қалин бўлади? Чунки бу жойларда шамол қорни тар-қатмайди, қорнинг йўли тўсилади ва қор уюми пайдо бўлади. Қорнинг ранги қандай эканлигини менга ким айтиб беради?

Баҳодир: Қорнинг ранги албатта оқ бўлади-да.

Тарбиячи: Ҳа, болалар, қорнинг ранги аслида оппоқ бўла-ди, лекин қуёш нурлари қорга тушмаганда, ёруғлик тўсилганда қорнинг ранги тўқлашади, яъни кулранг ва кўқимтири туслагириди. Қор иссиқда эриб сувга, сув эса совуқда яхлаб, музга айланади. Музнинг қандай бўлишини ким айтиб беради?

Болалар: Муз қаттиқ, совуқ, қўлни кесадиган, сирпанчиқ, ялтироқ, шишасимон бўлади. Жуда совуқ бўлган кунларда узун-узун бўлиб, тарновларда, деразаларда осилиб туради.

Тарбиячи: Тўғри, болажонлар, қор ҳақида жуда кўп нарсани билар экансизлар. Энди мен сизларга тонинимоқ айтиб бераман.

1. Оппоққина дастурхон,
Ер юзини қоплаган.

(*Қор*)

2. Туради жим, ухлайди жим,
уйғонади жим, йиғлагапда эса
тўлиб оқар дарёлар.

(*Қор*)

Шуҳрат қаламига мансуб шеърни ёдлаймиз.

Гулпа-гулпа ёғар қор,
Гүё кўкда ини бор.

Томлар оппоқ, ер оппоқ,
Шоҳ, новдалар аргимчоқ.

Майли ёғсин оппоқ қор,
Оёқлари пахмоқ қор.

Қишининг кўрки оқ қордир,
Ёғмаса қиши бекордир.

Ёғсин энди беармон,
Беармону, шўх-шодон!
Оlam кийсин оқ либос,
Оқ либоси қандай соз!

Тарбиячи болалар билан биргалиқда оқ қоғоздан қор парчаларини ясашади ва гуруҳ деразалари, шифтига илишади. Машгулотнинг охирида болалар билан биргалиқда боғча ҳовлисига сайр қилишади, қорбобо ясашади ва қорбўрон ўйнашади.

Мавзу. БУТА ЎСИМЛИГИ (НАЎМАТАК) БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Дастур мақсади: Болаларнинг табиат ҳақидаги билимларини кенгайтириш, ўсимликлар дунёси ҳақидаги тасаввурларини бойитиши.

Дастур мазмуни: Болаларга бута ўсимликлари, яъни наўматак ҳақида тушунча бериш, унинг хусусиятлари ва табобат илмидан илк тушунчаларни бериш.

Машгулот қўргазмаси: Наўматак шохчаси меваси билан, наўматак тасвириланган суратлар, қутичага солинган наўматак ва жийда мевалари, наўматакдан тайёрланган шарбат, Ибн Сино сурати ва «Тиб қонунлари» китоби.

Машгулотнинг бориши:

Тарбиячи: Бугун сизлар билан ўсимликларнинг вакили бўлган наўматак ва уларнинг шифобахш хусусиятлари билан таниша-

миз ва ўрганамиз. Қадим-қадим замонларда, ҳали дори-дармон-лар кашф этилмаган вақтларда одамлар касал бўлишса, бадан-ларига тошмалар тошса ўзларини даволаш учун табиат ноз-неъматлари бўлган ўсимликлардан фойдаланишган. Қайси ўсим-лик қандай касалликка даво бўлишини табибларимиз ва олим боболаримиз ўрганишган, ҳаётга тадбиқ этишган. Ҳозирги док-тор ва врачларимизни илгариги замонларда табиб, деб аташи-ган, билимли кишини эса олим, деб чақиришган. Ҳаммамиз таниган Абу Али ибн Сино дунёда машхур олим ва табибdir. У киши Бухоро шаҳри яқинидаги Афшона қишлоғида туғилган. Ибн Сино жуда ёшлигидан тоғлардан шифобахш гиёҳлар териб келиб, беморларни даволаганлар. Олим бобомиз ўша вақт-ларданоқ одамларни қандай қилиб даволаш мумкинлиги ҳақида «Тиб қонунлари» деб аталган китоб ёза бошлаганлар. Китобда нафақат ўсимликлар, мевалар, сабзавот, полиз экинлари, бал-ки сут, гўшт, жигар, ёғ каби маҳсулотларни ҳам қайси касал-ликка дори-дармон бўлишини тушунтирганлар. Ҳозир олдин-гизда турган Ибн Сино суратларини сизлар доимо боғчамиз-нинг «Табобат» хонасида кўриб юрасизлар. Бу ерда ўзларингга шифо бўладиган доривор гиёҳларинг дамламаларини ҳам ичиб турасизлар.

Бугун биз шундай шифобахш ўсимликлардан бири, сиз-ларга аввалдан таниш наъматак ҳақида сұхбатлашамиз. Наъма-такнинг қандай ўсимлик эканини ким билади?

Сокина: Наъматак ўсимлиги баланд ҳам эмас, паст ҳам эмас, унинг тиканлари бор. Богчамизнинг ҳовлисида ўсади.

Тарбиячи: Тўгри. бундай ўсимликлар бутасимон ўсимлик-лар дейилади. Наъматак апрель ойида гуллайди, октябрда мева-си пишали. Қани ким айтади, унинг гулининг ранги қандай?

Сарвар: Наъматакнинг гули оч пушти рангда бўлади.

Тарбиячи: Наъматакнинг гули қандай кўринишида?

Моҳигул: Наъматакнинг гули атиргулга ўхшайди.

Тарбиячи: Наъматакнинг меваси қандай рангда ва унинг шакли қандай?

Зухра: Наъматакнинг меваси қизғиш рангда, баъзилари малла ранг бўлади, шакли узунчоқ, жийдага ўхшаб кетади, лекин наъматакнинг ичиди жуда кўп данакчалари бор.

Тарбиячи: Наъматак билан жуда яхши таниш экансизлар.

Болалар: Чунки бизлар фитобарда доим наъматак дамлама-сидан ичиб турамиз.

Тарбиячи: Тўгри, наъматак ошқозон, ичак касалликлари, сариқ касаллигига даво. Иситма туширувчи ва иштаҳа очувчи

дори сифатида жуда машхур. Энди, болажонлар, сизлар билан биз гуруҳимизда наъматакдан шарбат тайёрлаймиз (тарбиячи болалар билан биргаликда шарбат тайёрлайди). Тайёр шарбатимизни энди қандай истеъмол қилсак бўлади?

Шерзод: Опажон, уни ичишдан олдин совитилган шарбатни докадан сузиб олишимиз керак.

Тарбиячи: Мана, энди шарбатимиз тайёр бўлди (болаларга тарқатиб беради). Шарбатнинг мазасини ким таърифлаб беради?

Болалар: Шарбатнинг мазаси ширин-нордон экан.

Тарбиячи: Наъматак таркибидағи инсон соғлиги учун зарур моддалардан дармондори, лимон кислотаси, ошловчи ва бошқа бир қатор моддалар бор. Наъматак гулларидан одамлар қадим замонлардан маданий атиргулларни яратишган. Демак, наъматак бутаси ҳам чиройли манзара қасб этади, ҳам шифобахш хусусиятга эга, уни асраб-авайлаб парвариш қилишимиз, кўпайтиришимиз керак. Шунинг учун ҳам биз наъматакни боғчамизда кўп экамиз ва гуруҳимиз «Қизил китоби»га киритганмиз. Ҳозир сизлар билан наъматак ва жийда меваларини бир-биридан ажратиб олиш ўйинини ўйнаймиз (бу ўйиннинг мақсади болалар бир-бирига ўхшаш жийда ва наъматак меваларини ажрата олишларини аниқлаш).

Машгулот сўнгидаги болалар «Боғбон» ўйинини ўйнашади.



Мағзу. УЙ ҲАЙВОНЛАРИДАН – СИГИР БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Машғулотнинг мақсади: Болаларни уй ҳайвонлари ва уларнинг болалари билан таништириш, уларнинг ҳаёт тарзи, ўзларига хос хусусиятлари ҳақида маълумот бериш.

Машғулот жиҳозлари: Сигир ва бузоқча муляжлари, расмлар.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болалар билан табиат, уй ҳайвонлари ҳақида умумий савол-жавоб ўтказиб, уларнинг уй ҳайвонлари борасидаги тасаввурларини аниқлаб олади. Болалар уй ҳайвонларидан қўй, эчки, от, кучук, мушук ва сигирни билишларини айтишади.

Тарбиячи: Болажонларим, ҳаммаларингиз уй ҳайвонлари ҳақида яхши тасаввурга эга экансизлар. Ит билан мушук уйимизни қўриқлаб, сичқонлардан тозалаб туришса, инсонларга дўст сифатида азалдан ҳаммага маълум бўлса, яна шундай уй ҳайвонлари борки, улар бизга нафақат дўст, балки сут, ёғ, тухум, гўшт каби озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам етказиб беришади. Булар ўзларингиз санаб ўтганингиздек, қўй, эчки, товуқ, сигир. Бугун сизлар билан сигир ва унинг бузоқчаси ҳақида суҳбат олиб борамиз. Сигир қадим замонлардан бери одамларга хизмат қилиб келган ва уни етти хазинанинг бири, деб таърифлашган. Деярли ҳар бир уйда сигир боқилади. У сут беради, сутдан эса сариёғ, қаймоқ, қатиқ, сузма, пишлоқ, қурут каби маҳсулотлар тайёрлашади. Богчамизга олиб келинаётган сут эса катта-катта фермаларда боқиб, соғиладиган сигирлардан олиниади. Сигирлар ҳар хил бўлади, баъзи зотдор сигирлар борки, улар бир кунда йигирма литргача сут беради. Сигирдан кўпроқ сут олиш учун унга ўз вақтида етарли озуқа, яъни ем, емиш, хашак, сули ўз вақтида бериб туриш лозим. Сигирнинг боласини ҳамма билади. Уни биз нима деб атаймиз? (Бузоқ.)

Тарбиячи болаларга сигирнинг муляжларини, ранги суратларини кўрсатиб, савол-жавоб ўтказади ва сигирнинг сариқ, қора, малла, кўк, ола рангларда бўлишини биргаликда аниқлайди. Сигирнинг иккита шохи, тўртта оғзи, иккита қулоғи, кўзи, оғзи, бурни, сут соғиладиган елини, узун думи борлиги ҳақидаги маълумотларни болалар билан аниқлаб олади. Баъзи сигирларда шоҳ бўлмаслигини айтиб ўтади. Сигирларнинг ўт, беда, сомон, хашак, кунжара, кепак, озиқ-овқат қолдиқларини ейишини ва қўп сув ичишини, одамлар томонидан парвариш қилинишга муҳтоҷ эканлигини болаларга ўргатади. Сигирнинг боласи бузоқча дастлабки вақтларда онасининг сутини эмишини, майин ўтлар ейишини болалар билан аниқлайди.

Тарбиячи: Оппоқ бўлиб, қор эмас
 Суюқ бўлиб, сув эмас,
 Ширин бўлиб, қанд эмас,
 Қани топинг, бу нима?

Болалар: Опажон, бу сут!

Элдор: Опажон, мен ҳар доим сут ичганимда мана бу шеър ёдимга келади:

Ола-була бузоқчам,	Бузоқчамнинг онаси,
Қордай оппоқ улоқчам,	Сигир деган жонивор,
Иккалови дўст-иноқ,	Улоқчамнинг онаси,
Икколови ўртоқчам.	Эчки деган жонивор.

Сут беради эчки ҳам,
Сут беради сигир ҳам,
Ёзилади сут ичсак
Диллардаги чигил ҳам.

Тарбиячи: Баракалла, ўғлим, нафақат, сигир билан эчкини, балки уларнинг болалари, бузоқ билан улоқчани ҳам жуда чиройли таърифлаб бердинг.

Шаҳзод:

Олавой «хош-хош»гинам,	Қовурғангни қашлайман,
Сен менинг ювошгинам.	Олдингга ўт ташлайман,
«Хош-хош»ласам, келақол,	Сув бераман, қарайман,
Сутгинангни берақол.	«Сочларинг»ни тарайман.

Тарбиячи болалар билан сигирнинг яшаш тарзи ҳақида суҳбатлашади, улар «мў-мў» деган овоз чиқаришларини болаларга айтиб, улар билан сигирнинг овозини имитация қилиб ўйнашади. Болалар билан сигирдан сут олишдан ташқари гўшт олиниши, унинг терисидан чарм тайёрланиши, чармдан эса фабрикаларда инсон учун зарур пойафзал ва устки қиши кийимлар, сумкалар, қўлқоплар тикилиши ҳақида суҳбатлашади. Машғулот охирида болалар билан «Подачи билан пода» номли ҳаракатли ўйин ўйнашади.

Мавзу. ПОЛИЗ ЎСИМЛИКЛАРИ – ПИҶА ВА КАРАМ БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Машғулотнинг мақсади: Болаларнинг табиат борасидаги билимларини аниқлаш ва кенгайтириш, полиз экинларидан —

пиёз ва карам билан таништириш ва уларни таққослаб, фарқи ҳамда ўхашлик томонлари ҳақида тушунча бериш.

Машғулотнинг жиҳози: Ликолчага солингган карам ва пиёзлар, рангли расмлар.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болаларга топишмоқ айтади ва уларнинг жавоблари ёрдамида болалар билимларини аниқлайди.

Яшаб етмиш етти кун,
Кияр етмиш етти түн.
Кузда узиб олинар,
Овқатларга солинар.

(*Карам*)

Пак-пакана бўйи бор,
Етти қават тўни бор.
(*Пиёз*)

Карам ва пиёзнинг кундалик турмушда овқат тайёрлашда хом ёки пишган ҳолда ишлатилиши ҳақида маълумот беради. Карам ва пиёзда С витамини борлиги, уларнинг кўпгина касалликларга даво бўлиши ҳақида айтиб ўтади. Болалар қишида шамоллаб, бурнидан сув оққанида пиёзнинг суви бурунга томизилиб, даволаниши борасида болаларга кўргазмали тушунча беради. Карам ва пиёздан инсон организми учун зарур бўлган минерал моддалар, турли хил кислоталар, оқсил ва дармондорилар бўлишини гушунтиради. Карамнинг ҳажми катта, пиёзнинг ҳажми эса кичкиналиги, карамни хом еганда таъми ширин бўлиши, пиёзнинг эса аччиқлиги уларнинг бир-биридан фарқланиши бўлса, лекин икковининг ҳам қават-қават тузилиши бир-бирига ўхаш жиҳати эканлигини айтади ва кўргазмалар ёрдамида намойини қиласди.

Сокина:

Қат-қат тўним бордир,
Ҳар куни даркордир.
Баргим яшил, сўлимаган
Зўр кетаман дўлмага.
Ўзим бир бош ураман,
Ҳамма билган Карамман.

Беҳруз:

Менсиз қозон осилмас,
Ошга гуруч босилмас.
Артилганда пўстларим,
Йиглайверманг, дўстларим.
Саримсоқقا устозман,
Ҳаммага таниш Пиёzman.

Машгулот сўнгиди тарбиячи болалар билан «Полизга саё-
ҳат» ўйинини ўйнаб, машгулот давомида болалар олган билим-
ларини холосалаб, машгулотни якунлайди.

Мавзу. ТИЛЛАҚҮНФИЗ БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Машгулот мақсади: Болаларнинг табиат ҳақидаги билимла-
рини аниқлаб, кенгайтириш, ҳашаротлар билан таништириш,
уларнинг ҳаёт тарзи, ташқи қўриниши ва озиқланиши ҳақида
маълумот бериш.

Машгулот жиҳози: Ўйинчоқлар, рангли фотосуратлар, апп-
ликациялар, дидактик ўйинлар.

Машгулотнинг бориши: Тарбиячи болалар билан ерлардан
қорлар кетиб, кунлар исиши, баҳор келиши билан дараҳтлар
ковагида, пўстлоқлар остида қишлиётган ҳашаротлар ҳақида
қўргазмали суҳбат олиб боради. Уларнинг озиқланиши «дараҳт
ва буталар барги»дан иборат эканлигини айтади. Ҳашаротлар-
дан қўнғизлар тўғрисида суҳбат уюштириб, уларнинг қора,
қизил, кўк, яшил ва ҳатто тилла рангда бўлишини айтиб ўгади.
Қўнғизларнинг қанотлари юпқа бўлиши, учиш учун хизмат
қилишини қўргазмали тушунтиради. Бундан ташқари, устқанот
деб аталувчи иккита қаттиқ қаноти ҳам борлигини айтиб, улар
қўнғизнинг пастки қаноти ва юмшоқ қорнини беркитиб, ҳимоя
вазифасини бажаришини кўрсатади. Қўнғиз учган пайтда юқори
қанотлари кўтарилиб, пастки қанотларининг ҳаракатланиши
ва бунинг натижасида унинг парвоз қилишини намойиш қила-
ди. Кечалари тилларанг қўнғизларнинг қанотлари ялтираб, ўзла-
ридан ёруглик чиқаришлари, шунинг учун ҳам уларнинг тил-
лақўнғизлар деб ном олганларини тушунтиради. Шоир О. Кўчкор-
беков ёзганидек, тиллақўнғиз:

Тиллақўнғиз	Бирорвга сен
Дейди: «Физ-физ»,	Берма озор,
Кўйвор мени	Бекорчидан
Ишим тифиз.	Эл ҳам бозор.

Тарбиячи болаларга қўнғизлар табиатда «санитар», яъни
тозаловчи вазифасини бажариб, ўсимликлар дунёсини заарарли
ҳашаротлардан тозалаб, ҳимоя қилишини тушунтиради.

Машгулот охирида «Қўнғизлар» деб номланган ҳаракатли
ўйин ўйнашади.

Ўйин мазмуни: «Қўнғизлар учди», деган сигнални эшишиб, бо-
лалар хона ичидан овоз чиқариб, ҳар хил йўналишида югуришади.

«Күнғизлар йиқилиб тушди», деган сигнални эшитиб болалар гилам устига ётиб олишади, күл-оёғларини типирчилатиб, эркин ҳаракатлантиришади.

Мавзу. АКВАРИУМЛАРДАГИ БАЛИҚЛАРНИ КУЗАТИШ

Машғулоттинг мақсади: Болаларнинг табиат ҳақидаги билимларини аниклаб, тасаввурларини кенгайтириш, табиат бурчидаги аквариумда яшаётган балиқларнинг тана тузилиши ва озиқланиши ҳақида тушунча бериш.

Машғулот жиҳози: Аквариумдаги балиқчалар, муляжлар, «Ўжар балиқча» эртаги ва унинг иллюстрациялари.

Машғулоттинг бориши:

Тарбиячи: Танга-танга тўни бор,
Миттигина кўзи бор.
Юрса сувлар жимиirlар,
Қамишлар ҳам қимиirlар.
Қани топинг, бу нима?

Нилуфар: Опажон, бу — балиқлар!

Тарбиячи: Тўгри, болажоним. Бугунги машғулотимиз мавзуси ҳам балиқлар ҳақида бўлади. (Тарбиячи болаларни табиат бурчигига бошлаб боради.) Болажонлар, бунақа аквариумлар сизларнинг уйларингизда ҳам борми? Қаранглар-а, аквариумда балиқлар худди дарёда ёки денгизда юргандек, эркин сузуб юришибди.

Тарбиячи болаларга аквариумни балиқлар яшаши учун тайёрлаш жараёни билан таништиради. Сувдаги ўсимликларнинг, кичкинагина насосчанинг манзарани чиройли қилишдан ташқари, балки сувни кислородга бойитиб туриш вазифаси ҳақида гапиради. Аквариумдаги товонбалиқчалар ва олтин балиқчалар билан таништиради. Уларни парвона, капалак, қуритилган дафна, нон ушоги, ҳар хил тайёр тариқчалар билан боқилиши ҳақида маълумот беради. Аквариум балиқларнинг «уйчаси» бўлиб, уларнинг яшаши учун табиий шароитдагидек қулай бўлиши кераклигини айтади. Сув ҳарорати ўн тўрт даражадан паст бўлса, балиқлар касалланиб, нобуд бўлиши, шунинг учун ҳам сув ҳарорати доим назоратда бўлиши кераклиги, сувнинг ортиқча озиқ-овқат чиқиндиларидан тозалаб турилиши лозимлигини болаларга тушунтиради. Балиқларнинг қанотчалари уларнинг сувда ҳаракатлари учун «рул» вазифасини бажаришини, улар ёрдамида балиқлар эркин ҳаракатланишини ва жабралар

ёрдамида нафас олишини болаларга күргазмали намойиш қила-
ди. Болалар билан бирга балиқлар ҳақида шеърлар айтишади.

Баҳодир: Боши бор-у сочи йўқ,
 Тез сузишда тенги йўқ.

Сокина: Балиқ, балиқ, бақалоқ,
 Акулага чақалоқ,
 Қани энди зўр бўлсанг,
 Аквариумдан чиқиб боқ.

Фарида: Ёмғир ёғалоқ,
 Тарвуз юмалоқ.
 Жаладан қўрқмас,
 Лаққа бақалоқ.

Тарбиячи болаларга «аквариум»нинг маъноси «сув ҳавзаси»
 эканлигини тушунтиради. Сўнг «Ўжар балиқча» эртагини сўзлаб
 беради.

1. Ўжар балиқча қандай аҳволга тушиб қолди?
2. Балиқчани онаси ва акалари қандай қутқаришди?
3. Сизлар бундай вазиятда ўзларингизни қандай тутган бўлар-
 дингизлар?
4. Балиқча тўғри иш қилдими?

Тарбиячи болалар билан савол-жавоб ўтказади ва машғулот
 сўнгиди «Балиқчалар» ҳаракатли ўйинини ўйнайди.

Мавзу. тошбақани кузатиш

Машғулот мақсади: Болаларнинг табиат ҳақидаги билимла-
 рини аниқлаб, кенгайтириш, тошбақанинг тана тузилиши ва
 озиқланиши ҳақида тушунча бериш.

Машғулот жиҳози: Тирик тошбақа, расмлар, ўйинчоқлар,
 мұляжалар.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болаларни табиат бурчагига бошлаб боради, тирик тошбақанинг хатти-ҳаракатларини
 кузатишади. Шоир Мухтор Худойқулов шеърини болаларга айт-
 тиб беради:

Дерлар мени Тошбақа,
 Қалқони фирт тош, бақа.
 Имиллаброқ юраман,
 Узоқ умр кўраман.

Тарбиячи болаларни кузатув натижаларини якунлашга ун-
даб, қуидагиларни аниқлайди: тошбақа беозор жонивор, уст-
ки қисми тош коса билан қопланган, боши илоннинг бошига
ўхшайди, атрофдагилардан тез чўчийди, чўчиганида бошини
дарҳол косачалар орасига яширади, тўргта оёғи бор, ранги малла.
Болаларнинг ушбу билимларини аниқлаганидан кейин тарбия-
чи уларга тошбақанинг ўзига хос судралувчи ҳайвон эканлигини,
тишларининг йўқлиги, тумшуқсимон жағи борлиги, кўзи
ва ҳид билиш қобилияtlари ривожланганлигини, оёқлари
тўмтоқ, бақувват, олдинги оёқларининг ён томонга туртиб чиқ-
қанлигини кўргазмали намойиш этади. Табиат тошбақага ан-
тиқа ўзини ҳимоя қилиш хислатини инъом этганлигини, яъни
ташқи томондан хавф сезганда унинг боши, оёқлари ва думи-
ни косаси ичига яшириб олиши ҳақида галириб, намойиш этади.
Тошбақа ўтхўр жонивор эканлигини айтади ва болалар би-
лан бирга унга ўт ҳамда сув беришади. Тошбақани овқатланти-
риш жараёнида унинг дала-даштларда, сувлар ва ботқоқликларда
яшайдиган турлари бўлиши ҳақида маълумот беради. Сув тош-
бақасининг оёқ бармоқлари орасида сузгич парда бўлиши ва
тухум қўйиш вақтидагина қирғоққа чиқишиларини, дашт тош-
бақасининг эса тухумини қумда қўшиши ҳақида айтади.

Фарида: Ости тош, усти тош,
Ўртасида жондор бош. (*Toшбақа*) ۱

Тарбиячи болалар билан шоир А. Абдураззоқнинг шеърига
Х. Раҳимов басталаган куй остида «Тошбақа» ашуласини айти-
шади.

— Ҳой, тошбақа, тошбақа,
Нега номинг тошбақа?
Ёки жонинг тош бақа,
Қаттиқмикин, тошбақа?

— Йўқ, болажон, менинг ҳам
Жоним сенинг жонингдай,
Фақат жойим чинакам
Эмас сенинг жойингдай.

Ўтиб кетди жонимдан,
Саҳроларнинг бўрони.
Шундан кейин кийдим мен
Тошдай қаттиқ кийимни.

Қаттиқлигим сабабин
Билсанг мана шундадир.
Күнглим жуда бўш, лескин
Пахтадан ҳам юмшоқдир.

Қаттиқ экан деб мени,
Босиб-янчиб, ранжитма,
Нозиккина қалбимни
Озор бериб, оғритма.

Тарбиячи болалар билан тошбақани парвариш қилишади ва тошбақа хатти-ҳаракатларини имитация қилиб ўйнашади.

Мавзуу. Айик билан таништириш

Машғулотнинг мақсади: Болаларнинг табиат ҳақидаги билимларини аниқлаб, ёввойи ҳайвонлардан айик ҳақида тасаввурларини кенгайтириш. Айикнинг ҳаёт тарзи, тана тузилиши, ташқи кўриниши ва озиқланиши борасида тушунча бериш.

Машғулот жиҳози: Айик ўйинчоқлари, суратлар, муляжлар.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болаларга айик тасвирларини кўрсатиб, ушбу ҳайвон ҳақида болалар билимини аниқлаб, республикамизда яшайдиган айиклар турлари тўғрисида маълумот беради. Республикаизда яшайдиган айикларни оқланжака айиклар дейишади. Чунки уларнинг жуни узун, сийрак, панжалари оқ. Ўсимлик ва ҳайвонлар билан озиқланади, ҳамма нарсани еяверади. Кўпинча мева ва илдизлар билан озиқланади. Бундан ташқари, айик ашаддий асалхўр, ҳатто асаларининг чақишидан ҳам кўрқмайди. Уясини кўпинча тошлар орасида ёки қалин бутазор, чангальзорларда солади. Айиклар ажойиб овчидир, тез югуряди, дарахтга чиқишга ва сакрашга моҳир. Куздан баҳоргача ухлади, ухлаганида овқат емасдан ўз товонининг мойини ялаб, жон сақлади. Болалар кўпинча айиклар билан эртаклар, мультфильмлар ёки цирк намойишлари орқали танишадилар. Чунки айиклар ажойиб артист сифатида циркда ўйин кўрсатишади.

Ҳар хунарга солишар
Занжир боғлаб бўйинга,
Кўрдингизми, болалар,
Тушмоқдаман ўйинга.

Элдор: Айиқчанинг оёғи
Тушди узилиб,
Қараб турар айиқчам
Кўзи сузилиб.

Айиқчамни мен жуда
Яхши кўраман,
Оёқчасини ўзим
Тикиб қўяман.

Сокина: Айиқ асал ялади,
Асалари талади,
Айиқ қочди ўрмонга,
Асалари ур қувди.

Шерзод: Ўрмонда бўлганмисиз,
Айиқни кўрганмисиз.
Устида пўстини бор,
Писанд эмас унга қор.

Аниса: Қора кўзли оқ айиқ
Бизга меҳмонга келар,
Янги йил байрамида
Ўйнаб бизни шод қилас.

Қани ўйна айиқча,
Ёнингда кўм-кўк арча
Атрофидан айлангин,
Ўйинчоқларни кўргин.

Тарбиячи: Болалар айтган шеърларда жамланған маълумотларни хуносалаб, топишмоқ айтади:

Ўзи хунук, ҳам маймок,
Ейди асал, ҳам ёнгоқ,

Уясида хўп ширин
Ухлар узоқ, бетиним. (*Айиқ*)

Тарбиячи айиқларнинг яшаш жойига қараб ранглари ҳар хил бўлишини, масалан, оқ айиқ, қўнғир айиқ, панда ҳакида тушунча беради. Болалар билан биргаликда «Декқон ва айиқ» эртагини саҳналаштиради. Машгулот охирида болаларга айиқларни расмлари, ўйинчоқлари ва муляжларини тарқатиб бериб, болалар томонидан уларга тавсиф бердиради. Машгулот охирида болалар билан биргаликда «Айиқполвон» ашуласини қуylашади:

Бизнинг ўрмон боғчамиз,
Дараҳтзор-у, кенг ўтлоқ.
Кўл ушлашиб, барчамиз
Кўшиқ куйлаймиз қувноқ.
Гу-гу-гу-гу-гу!

Ўтириб олиб тўнкага,
Асал қўйиб ўртага,
Маза қилиб ялаймиз,
Туриб, яна ўйнаймиз,
Гу-гу-ту-гу-гу...

Мағзулот мақсади: Болаларнинг табиат ҳақидаги билимларини аниқлаб, манзарали дараҳтлар ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш. Уларнинг экологик тизим учун, инсон ҳаёти учун фойдали аҳамиятларини тушунтириш.

Машғулот жиҳози: Дараҳт, гербариј, рангли расмлар.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болаларни табиат бурчагини томоша қилдириб, боғча боғида сайд үтказиб, болалар диққатини манзарали дараҳтлардан теракка жамлаб, унинг бошқа дараҳтларга ўхшаш томонлари ва фарқларини савол-жавоб орқали аниқлаб, гуруҳга олиб кириб, суҳбат үтказади. Манзарали дараҳтлар — мева бермайдиган, кўриниши чиройли, салобатли, одамлар соясида дам оладиган, кўпинча қурилиши ишларида фойдаланилашган дараҳтлардир (тол, мажнунтол, чинор, қайрағоч, терак). Қадим-қадим замонлардан ота-боболаримиз кўчаларда, боғларда кўплаб терак дараҳтини экишган ва улардан иморатлар қурилишида фойдаланишган.

Азиз: Кўк билан баҳслашган теракман,
Демайман осмонга тиргакман.
Хурсандман ҳаётда ўрним бор,
Ҳар нақшин бинога тўсин-тиргакман.

Тарбиячи болаларга «Узун терак» эртагини айтиб бериб, унинг тарбиявий аҳамиятга эга томонларига болалар билан савол-жавоб орқали эътибор беради.

1. Терак нима учун мақтанчоқ экан?
2. Ўзига бино қўйганнинг охири нега «вой» экан?
3. Ҳаммада қандай одат бўлиши керак экан?

Болалар билан камтарлик ҳақида мақоллар ўрганишади:

1. Камтарга камол, манманга завол.
2. Мақтанган панд ейди, камтарин қанд ейди.

Тарбиячи машғулот давомида болалар билан гербарийдаги барглар орасидан терак баргини топишни үтказади. Машғулот охирида «Теракнинг титраб турган барги» имитацион машқни бажаради.

Болаларга экологик тизимнинг ажралмас қисми — манзарали дараҳтларни асраб-авайлаб, парвариш қилиш ҳақида тушунча беради.

Машғулотнинг мақсади: Болаларнинг табиат борасидағи билимларини аниқлаб, полиз ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш, дәхқон меҳнати билан таништириш.

Машғулотнинг жиҳози: Полиз маҳсулотлари, сабзавотлар мұляжлари, рангли расмлар.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болалар билан ёз фасли түғрисида, ёз фаслида күнлар исіб кетиши, қүёш ерни жуда қиздирисиши, боғлардаги дараҳтлар, полизлар ва экинларни суғориб туриш лозимлиги ҳақида суҳбатлашади. Ёзда олма, гилос, олча, узум, олхўри, нок, шафтоли, ўрик ва бошқа мева-лар пишиши билан биргаликда полиз экинлари — тарвуз, қовун, ҳандалак, помидор, бодринглар пишиши түғрисида болалар билимини кенгайтиради. Тарбиячи болаларни бөгча ҳовлисида-ти полиз майдончаларини сайр қылдириб, дәхқон ҳузурига меҳ-монга боришади.

— Ассалому алайкум, бобожон!

— Ва алайкум ассалом, болажонлар, хуш келибсиз!

— Бобожон, болаларимиз сиз меҳнат қилаётган полиз экин-ларининг ўсиши, турлари билан танишиш учун келишди.

— Жуда соз, болалар! Сиз кўриб турган полизда тарвуз, қовун, ҳандалак, помидор, ошқовоқ, карам, сабзи, шолғом, лавлаги, бодринг экилган. Бу экинларни экишдан олдин ўзларингиз доим кўриб турганингиздек, ерга ишлов бериш керак, кейин табиий озуқа солиб, ерни юмшатиш керак, сўнгра пушталар тортилиб, уруғлар экиб чиқилади. Улар кўкариб чиқиши билан тез-тез тагини юмшатиб, вақт-вақти билан суғориб туриш керак. Пушталар бегона ўтлардан тозаланиб, чопиқ қилинади. Бобо қўёш бу экинларни серҳосил ва ширин-шакар бўлиб ўсиши учун нурларини аямай сочади. Қовун-тарвуз серсув, ширин, чанқоқбосди мевалардир. Қадим замонларда узум сингари қовун-тарвузлардан ҳам ота-боболаримиз шинни қилишган. Узоқ йўлларга чиқишганда ўзлари билан албагта қовун-тарвуз олиб юришган. Қовоқни овқатга ишлатишади, ундан сомса, мантилар тайёрланади. Помидор, бодринг, сабзи, карам ва бошқа сабзавотлар ҳар хил тузлар, витаминаларга бой бўлиб, нархез хусусиятига эга, қимматли озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобланади, кўп исғеъмол қилинади, уруғидан ёғ олинади, чиқиндилари ва бир хил турлари чорва молларига озуқа сифатида берилади.

Болажонлар, мен сизларни ширин қовун-тарвузлар билан мөхмөн қиласман. Сизлар эвазига менга улар ҳақида шеърлар, топишмоқлар, қўшиқлар айтиб берасизлар.

Сокина: У нимадир? Қонга ўхшаш,
Қони йўқ.
Ичидаги боласининг
Сони йўқ.

Азиз: Бобожон, бу — тарвуз! Мен ҳам топишмоқ айтай:

Юмалоқ-семиз, ёғи йўқ,
Териси қалин, туки йўқ. ✓
(*Тарвуз*)

Деҳқон: Баракалла, болажонларим, тарвуз ҳақида жуда кўп топишмоқ билар экансизлар. Ҳаққига мана сизларга тарвуз, маза қилиб еб олинглар-чи!

Шерзод: Тарвуздек ширин неъмат
Топилмайди дунёда.
Дум-думалоқ шакли бор
Жуда силлиқ, озода.

Нилуфар: Мен қовунман, сап-сариқ,
Мен гўё ўлган тариқ.
Бекасам тўним гўзал,
Ичим гўёки асал.

Шаҳзод: Усти йўл-йўл, сариқ, кўк,
Бекасамга ўхшайди.
Ширинлиги тил ёпар,
Хиди ўткир, бўйи паст,
Буни топинг, бу нима? (*Ҳандалак*)

Деҳқон: Оббо, болажонларим, жуда билагон чиқдиларинг-ку! Энди мен сизларга қовун ва ҳандалак ҳадя қиласман.

Болалар: Раҳмат, бобожон, тарвуз, қовун, ҳандалак — барчаси тил ёпар, асалдек ширин экан.

Деҳқон: Арзимайди, болажонларим. Полиз экинларидан яна қайсиларини биласизлар?

Болалар: Карам, пиёз, ошқовоқ, шолғом, картошка, турп, сабзи, лавлаги...

Деҳқон: Баракалла, болалар, жуда кўп билимга эга экансизлар, мана сизларга ўзларингиз билган сабзвотлар, буларни саватларингизга солиб олиб, ошпаз олангизга олиб боринг. Сизларга овқат пишириб берсинлар.

Болалар: Раҳмат, бобожон, бизни меҳмон қилганингиз учун! Шунча меҳнат қилиб, бизлар учун фойдали ва керакли сабзатвлар етиширибсиз, кам бўлманг! Хайр, яхши қолинг!

Деҳқон: Ош бўлсин! Келиб туринглар, энди баҳорда келиб, менга экин-тикин ишларимга ёрдам берасизлар.

Тарбиячи ҳам деҳқонга миннатдорчилик билдириб, болаларни совғалари билан гуруҳга олиб кетади ва «Полизда» ҳаракатли ўйинини ўйнашади.

Мавзу. МЕВАЛИ ДАРАХТЛАР (ОЛМА, ГИЛОС) ВА УЛАРНИНГ МЕВАЛАРИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Машгулот мақсади: Болаларнинг табиат ҳақидаги билимларини аниқлаб, уларга олма ва гилос дараҳтлари, уларнинг гули, меваси билан таништириб, таққослашни ўргатиш.

Машгулот жиҳози: Дараҳтлар муляжлари, мевалар, гилос ва олма қоқилари, рангли расмлар.

Машгулотнинг бориши: Тарбиячи болаларни боғча боғига сайдрга олиб чиқади.

— Болажонлар, боқقا бир назар ташласангиз, боғимиизда хилма-хил мевали дараҳтлар борлигини кўрасиз. Бу дараҳтларнинг кўчкатларини экишдан бошлаб, мева бера бошлагунича боғбон тинмай меҳнат қилган, чунки кўчкат эксангиз-у, уни парвариш қилиб, тагини юмшатиб, сугориб турмасангиз, у куриб қолади. Ота-боболаримиз қадим замонлардан буён тинмай меҳнат қилиб, далаларда, чўлларда, қир-адирларда, тогу тошларда кўчкатлар экиб, катта-катта боғлар барпо этганлар. Шу сабабли ҳам биз яшаётган юрт — жаннатмакон Ўзбекистон дея аталур. Аждодларимиз доимо «Яхшидан бог қолади, ёмондан доф қолади», деган нақлни ўзларига шиор қилиб олганлар.

Тарбиячи дараҳтлардан олма ва гилос меваларини болаларга териб, ювиб беради ва савол-жавоб ўтказади:

Тарбиячи: Болажонлар, бу дараҳтларни, меваларининг номларини биласизларми?

Муниса: Олма дараҳти.

Феруза: Опажон, бу эса гилос дараҳти.

Тарбиячи: Тўғри топдингизлар, билимдан қизларим, энди айтинглар-чи, буларнинг бир-бирига ўхшашлик томонлари борми?

Нилуфар: Опажон, иккови ҳам бизларга мева беради.

Тарбиячи: Тўғри, бир-биридан фарқ қиласиган томони нимада?

Сокина: Олма дарахтининг барги каттароқ, гилюсники — кичикроқ, ингичкароқ ва чўзинчоқроқ бўлади. Олма меваси катта, ранги сариқ, қизил ва кўк бўлиши мумкин, гилюс эса, албатта, майда ва ранги қип-қизил, қора ва сариқ бўлади.

Умид: Олма мевасининг шакли думалоқ ёки узунчоқ бўлади, гилюс эса факат думалоқ шаклда.

Шерзод: Гилюснинг мазаси нордон, олманинг мазаси ҳам нордон, ҳам ширин бўлади.

Тарбиячи: Тўғри, болажонлар, олмани қишин-ёзин истеъмол қилсак бўлади, уларни совуқ, салқин жойларда, ертўлаларда сақлаб, кўкламгача истеъмол қилсак бўлади. Яна олмаларни, гилюсларни қоқи қилиб, қуритиб олиш, мураббо, шарбат, қиём ҳам қилиб, баҳоргача истеъмол қилиш мумкин.

1. Ўзи кўм-кўк, юзи қип-қизил. ✓
Бу нима? (*Олма*)
2. Қизил гулдай, гул эмас,
Ҳиди гулдан кам эмас,
Ўзи думалоқ, тухум эмас,
Есанг ширин, шакар эмас. (*Олма*)
3. Мунчоқ десам, юмшоқ-ку,
Дум-думалоқ, ушоқ-ку,
Ранглари-чи, қон-қизил,
Есанг мазза, нақ асал. (*Гилюс*)



Шаҳзод: Олчахонга устозман,
Нордонликдан халосман,
Ундан катта бир оз ман,
Сизлар севган Гилосман.

Мүштарий: Мен Гилосман,
Күлоқ сол,
Рангим ёкүт
Тотим бол.
Топсанг
Құшалогимни,
Қулғаңнга
Тақиб ол.

Нилуфар: Ҳидим хушбўй, рангим ол
Таъмим сен ҳам татиб қол.
Қўлинг чўзиб ол мани,
Фойдага кон Олмани.

Элдор: Олмадир менинг исмим,
 Бирам ёқимли исим,
 Немат ичра аўломан,
 Етмиш дардга давоман.

Акмал: Мен сизларнинг Олмангиз
Хомлигимда олмангиз,
Нортожига ўхшаб, сўнг
«Вой, қорним» деб қолмангиз.

Хумоюн: Қызил, қора, сарық гилос турлари
Шифобахшдир мева, банди, барги ҳам,
Кимё модда В, С дармондоридир.
Гули эса яраларга зүр малхам.

Тарбиячи: Раҳмат, болажонлар. Олма ва гиолос ҳақида жуда кўп шеър ва топишмоқлар билар экансизлар, хатто уларнинг шифобахш, дармондори мева эканлигини ҳам билиб олдингизлар. Бундан хурсанд бўлган боғбон бизларни ушбу мевалар билан меҳмон қиласяптилар. (Боғбон болаларга бир сават олма ва бир лаган гиолос меваларини олиб келиб беради, болалар унга миннадорчилик билдиришади.) Энди сизлар билан шоир Пўлат Мўмин шеърига бастакоримиз Д. Омонуллаева басталаган «Олма» қўшигини биргаликда куйлаймиз:

Олмани қаранг,
Юзлари тарап.
Шохда қалтиrap,
Ранги ялтиrap.

Кетмас узилиб,
Турап тизилиб.
Ким олма еса
Мазза-ю мазза.

Тарбиячи болаларга «Олма» ҳикоясини сўзлаб беради: Бир аёл кўчада сават тўла олма кўтариб борарди. Саватдаги олмалардан бири ерга тушиб қолди, лекин эгаси буни сезмади. Аёлнинг орқасидан бир бола уни секингина ердан олиб, чўнтағига солди ва аёлнинг ёнидан ўтиб кетаётганида аёл уни тўхтатиб, саватдаги олмалардан бирини унга узатди. Бола олмани олишга уялди, бесўроқ чўнтағига солган олмаси олов бўлиб унинг тасини кўйдираётгандек бўлди. У чўнтағидаги олмани олиб, саватга ташлади ва югуриб кетди.

Аёл олмани узатганича ҳайрон бўлиб боланинг орқасидан қараб қолди. Бола эса уйига келиб, роса йиглади, чунки ўзининг қилмишидан уялганди.

1. Айтинглар-чи, бу бола бесўроқ олмани чўнтағига солиб тўғри иш қилдими?

2. Қилмишига пушаймон бўлиб, уялгани виждони қийналгани учунми?

3. Ҳалқимиз «Сўнгги пушаймон — ўзингга душман», деб нега айтади?

Машғулот охирида тарбиячи болаларга қуритилган олма ва гиолосларни бир-биридан ажратиш топширигини беради ва машғулотни, болаларнинг билимини хulosалаб, якунлайди.

Маевзу. ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИДАН – ЛАВЛАГИ ВА ШОЛГОМ БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Машғулотнинг мақсади: Болаларнинг табиат ҳақидаги билимларини аниқлаб, полиз экинлари билан яқиндан таништириш. Уларнинг шифобахш хусусиятлари тўгрисида тушунча бериш.

Машғулот жиҳозлари: Сабзи, шолғом ва лавлаги, сабзавотлар мулажлари.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болаларга саватдаги сабзавотларни кўрсатиб, биргаликда уларнинг номини аниқлайди. Лавлаги икки йиллик ўсимлик бўлиб, эрта баҳорда экилади. Сентябрь ойида пишиб етилади, сергўшт ва серсувдир. Лавлагининг таркибида қанд моддаси кўп. Ундан шакар олинади, овқатга ишлатилади. Чорва молларига озуқа сифатида ҳам ишлатилади. Оқ лавлаги ва қизил лавлаги турлари мавжуд. Лавлагидан салатлар тайёрланади.

Шолғом. У ҳам эрта баҳорда экилиб, ёз, куз ойларида пишиб етилади. Овқатга солинади. Одамлар шамоллагандан истеъмол қилса, фойда беради. Лавлаги сингари уруғидан экилади ва парвариш талаб қиласи.

Топишмоклар:

1. Ер тагида қизил бүхча. (*Шолғом*)
2. Ичим қопдек қип-қизил,
Қизилдир ҳатто юзим.
Думим бор, йўқ палагим,
Нимадир бу? (*Лавлаги*)
3. Сувни роса симиридим,
Ер тагида семирдим.
Дангасалигим ёлгон,
Мени дейдилар... (*Шолғом*)

Тарбиячи болаларга «Шолғом» эртагини айтиб беради ва улар билан бирга саҳналаштиради. Парвариш яхши бўлса, шолғом серҳосил ва йирик бўлиши ҳақида тушунча беради.

Машғулотнинг иккинчи қисмида тарбиячи болалари билан «Ким тезроқ, чақонроқ саватдаги сабзавотларни ажратиб олади?» ўйинини ўйнайди.

«Расм бўлакларидан шолғом ва лавлагининг яхлит кўрининшини тузинг» дидактик ўйинини бажаради.

Машғулотнинг якунида болалар билан «Товуқлар полизда» ҳаракатли ўйинини ўйнади.

Мавзу. ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИДАН – ПИЁЗ БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Машғулотнинг мақсади: Болаларнинг табиат ҳақидағи билимларини аниқлаб, полиз экинларидан пиёз, унинг фойдали хусусиятлари билан таништириш. Болалар билан биргаликда пиёз экиш.

Машғулот жиҳози: Саватдаги пиёз, меҳнат қуроллари, расмлар.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болалар билан баҳор фасли, фасл ўзгаришлари тўғрисида суҳбат уюштиради (қуёш ерни қиздиради, қорлар эрийди, ёмғир ёғади, момақалдироқ бўлади, боғлар, далалар кўм-кўк ўт, дала гуллар билан қопланади, дараҳтлар гуллайди, барг чиқаради).

Шаҳзод: Сарпо кийди боғ-далам,
Қирда ёқут пиёлам,
Офтоб шуъласи алвон,
Камалак кўкда нарвон.

Мухлиса: Салом кўм-кўк баҳорим,
Сойлари шўх оқарим.

Ҳай-ҳай, гўзал камолинг,
Гуркирайди жамолинг.

Акмал: Гул боғчам кенг қучоги,
Жажжи гулга тўлибди.
Кумушдек дўлпилар кийиб,
Бойчечаклар кулибди.

Сокина: Осмон тиник кўк шоҳи,
Оқ булат кезар гоҳи.
Гулларга қўмилади,
Қандак ўрикнинг шоҳи.

Тарбиячи: Баҳор фаслини жуда чиройли таърифладингизлар.
Энди топишмоқ айтамиз.

1. Қат-қат тўнли, қарич бўйли.
Бу нима? (*Пиёз*)

2. Қават-қават тўни бор,
Пак-пакана бўйи бор. (*Пиёз*)

— Тўгри топдингизлар, бу — пиёз.

Пиёзнинг таъми қандай? (*Аччик.*)

— Рангини биласизми? (*Оқ, қизил.*)

Тарбиячи пиёзнинг шифобахш хусусиятлари тўгрисида гапиради.

1. Ёнга қовуриб еганда, балғам кўчириб, йўтални йўқотади.
2. Пиёзнинг сувини сиқиб бурунга томизганда, тумовни даволайди.

Азиз: Менсиз қозон осилмас,
Ошга гуруч босилмас.
Артилганда пўстларим,
Йиглайверманг дўстларим.
Саримсоққа устозман,
Сизга таниш **Пиёзман**.

Бирор овқат пиёzsиз тайёрланмайди. Пиёзни хом ҳолида ҳам севиб истеъмол қилишади, салатларга ишлатишади. Пиёз кўк ҳолида ҳам ишлатилади. Жуда кўп шифобахш хусусиятларга эга.

Тарбиячи болаларни боғча боғига олиб бориб, деҳқон билан пиёз экишади.

— Ассалому алайкум, боғбон бобо. Болалар билан сиздан пиёз экиш сирларини ўргангани келдик.

— Ва алайкум ассалом, болаларим. Пиёз экиш меҳнат талаб қиласди. Келинглар, биргаликда меҳнат қиласми. Ўғил болалар менга ерни ағдаришга ёрдам беришади, ўғит соламиз, сўнгра кичик-кичик пушталар тортиб, унга кўкара бошлаган пиёз бошларини бир қарич-бир қарич масофада экамиз. Қизларимиз пиёзларга қуийш учун сув олиб келишади. Баракалла, болаларим, жуда меҳнатсевар, чақон болалар экансизлар.

1. Меҳнат қилиб топганинг

Қанду асал топганинг

2. Меҳнат, меҳнатнинг таги — роҳат.

Болалар боғбон билан хайрлашиб, пиёз экишни ўргатгани учун миннатдорчилик билдиришади ва гуруҳга қайтиб келиб, «Деҳқон бозори» ўйинини ўйнашади. Бунда сабзавотларни сошиб олиш учун пул вазифасини болаларнинг мевалар ёки сабзавотлар ҳақида биладиган шеърлари, топишмоқлари, мақол ёки тез айтишлари бажаради. «Пули бўлмаган» бола рақсга тушади.

Мавзу. МАНЗАРАЛИ ДАРАХТЛАРДАН – ЧИНОР БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Машғулот мақсади: Болаларнинг табиат тўғрисидаги билимларини аниқлаб, манзарали дараҳтлардан — чинор билан таништириш, унинг экологик тизим ва инсон ҳаёти учун фойдали томонларини тушунтириб бериш.

Машғулот жиҳози: Чинор барглари, рангли расмлар.

Машғулотнинг бориши: Машғулот бошида тарбиячи чинор тасвири туширилган катта расмни доскага илиб қўяди. Чинор баргларини болаларга тарқатади. Чинорнинг узоқ умр кўриши, ўсиши, унинг соясида чойхона, ошхона, гузарлар қурилиб, тагида одамлар ўтириши ҳақида айтиб беради. Чинор экилган ерлар азалдан файзли-тароватли, одамларни ўзига жалб этадиган маскан ҳисобланади. Узоқ умр кўрган серфарзанд инсонларни чинор дараҳтига ўхшатишади. Чинор нафақат гўзал манзара касб этиши учун, балки инсонлар нафас оладиган ҳавони тозалаб бериши учун ҳам экилади. Ўзимизнинг ўлкамизда кўплаб машҳур чинор экилган жойлар бор. Масалан, Чорчинор маҳалласида тўртта чинор тагида қурилган болалар оромгоҳи ёки Сай-

робдаги чинор остидаги катта гузар. Бу чинор XIX асрда мактаб сифатида одамларга хизмат қилган. Унинг ковагида болалар илм олишган, китоб ўқишишган. Бу ҳолат ҳатто тарих саҳифаларида ёзиб қолдирилган.

Чинор тагида ариқ,
Сувлари шилдирайди.
Бошимда ипак рўмол,
Шамолда ҳилпирайди.

Чинорнинг соясида
Ўтирсам дўппи тикиб,
«Балли, қизим» дейдилар,
Аяжоним тикилиб.

Тарбиячи болалар билан «Баргига қараб дараҳт номини топ» дидактик ўйинини ўйнайди ва манзарали дараҳтлар мавзуси бўйича тест савол-жавоблари ўтказади.

КАТТА ГУРУҲЛАР УЧУН МАВЗУЛАР

Мавзу. Ўсимликлар ривожланишида сув, ҳаво, қуёш ва тупроқнинг аҳамияти

Машгулот мақсади: Болаларнинг табиат ҳақидаги билимларини аниқлаб, ўсимликлар ривожланишида сув, қуёш, ҳаво ва тупроқнинг аҳамияти борасидаги тасаввурни кенгайтириш.

Машгулот жиҳозлари: Табиат манзаралари тасвириланган суратлар.

Машгулотнинг бориши: Тарбиячи болалар билан гуруҳ майдончасига саёҳат уюштиради ва бу ерда ўсиб турган ўсимликлар, уларнинг ўсиши учун табиат унсурлари — сув, ҳаво, қуёш ва тупроқнинг аҳамиятини кўргазмали намойиш қиласди. Ўсимликлар табиий ҳолда тупроқда ва ҳатто сувларда ўсишини тушунитиради. Ўсимликларнинг қаерларда ўсишлари (денгиз, дарё, кўл, канал, ботқоқликлар), уларнинг йиллар давомида қайси ҳаёт тарзига мослашганлиги катта аҳамиятга эга. Тарбиячи болаларга табиатдаги барча ҳодисаларнинг бир-бири билан боғлиқлиги ҳақида тушунчча беради. Масалан, инсон сингари ўсимликлар ҳам ўсиши, озиқланиши, тоза ҳаводан нафас олиши лозим. Фарқи шундаки, инсон фақат тоза ҳаводан нафас олса, ўсимликлар ифлос ҳавони ютиб, кислород билан бойитилган тоза ҳаво ишлаб чиқаради. Уларнинг яхши ўсиб, унишлари учун нималар билан озиқланиши кераклиги ҳақида болалар билимини аниқдайди (тупроқ, маҳаллий ўғит, сув, қуёш). Ўсимлик ўсиши учун, биринчи навбатда, тупроқдан озиқланади. ёруғликка чиқа бошлайди, ёруғликтан, сув, ҳаво ва қуёшдан ўзига энергия ва иссиқлик олади ва ривожланади. Шу сабабли ҳам деҳқонларимиз, боғбонларимиз ўзлари эккан ўсимликлар ва ниҳолларнинг тагини юмшатиб, мунтазам равишда сув бериб, ўсишларига ёрдам беришади. Тарбиячи болалар билан боғча ҳовлисида ўсаётган дараҳтлар, майсалар ва гулларни кузатали. Тупроқда мавжуд тошчаларни тўдалашиб, териб олади ва тошлоқла дараҳтлар ва ўсимликлар ўсиши қийинлигини болаларга тушунитиради. Ўсимликлар ўсишида сувнинг аҳамиятини тушунишида шеърлар ва топишмоқлардан фойдаланади.

Феруз: Сувсиз — ҳаёт бўлмас, меҳнатсиз — роҳат.

Тарбиячи: Сув қатраси — дур қатраси.

Мақсуд: Дараҳт бир ерда кўкарап.

Азиза: Ўйиб олдим, ўрни йўқ. (Сув.)

Гулрухсор: Тилла сандиқ очилди, ичидан зар сочилди. (Куёши.)

Камола: Тилла баркаш ярақлайди, баҳт улашиб чараклайди.

(Куёши.)

Одина: Зар гилам — зар-зар гилам, кўғарай десам оғир гилам. (Ер.)

Тарбиячи: Раҳмат, болажонлар, табиатимиз яшнаши учун лозим бўлган табиат унсурлари тўғрисида кўнгина шеър, мақол ва топишмоқлар билар экансизлар. Ҳақиқатан ҳам: ер хазина — сув гавҳар. Фасллар келиши билан ўсимликлар дунёсида ҳам ўзгаришлар бўлади. Баҳорда дараҳтлар, гуллар, майсалар гуркираб яшнаса, ёзда ўз мевасини инсонларга улашади, куз келиши билан барглар, гуллар, майсалар сарғайиб тўкила бошлайди, қиши фаслида эса хонаки гуллардан ташқари бирон-бир ўсимлик ўсмайди. Буларнинг ҳаммаси қўёшининг нур сочиши, тупроқнинг иссиқлиги, ҳавонинг нам ёки қуруқлиги, ёғингарчиликнинг кўплиги ёки озлиги билан бевосита боғлиқ.

Келди кўклам, келди май куни,
Кўкда кезар оловли қўёши,
Келди ёшлиқ, баҳор байрами,
Кўнгил қувон, шодлан, яйра, тош!

Тарбиячи яна бир бор болаларга атроф-муҳитдаги ўсимликлар дунёсининг ривожланиши учун қўёш, сув, ер, ҳавонинг аҳамиятини таъкидлайди. Улар билан биргаликда гулларни, дараҳтларни парвариш қиласиди. Машғулот яқунида «Куёш ва ёмғир» ҳаракатли ўйини ўйналади.

МАВЗУ. ДАРАХТЛАР, БУТАЛАР, ГУЛЛАР, ЎГЛАР ҲАҚИДА ТУШУНЧА БЕРИШ

Машғулот мақсади: Болаларнинг табиат тўғрисидаги билимларини аниқлаб, атрофимизда ўсадиган дараҳтлар, буталар, ўглар ва гуллар қаерда. қандай ўсишлирини болалар тасаввурларида кенгайтариш.

Машғулот жиҳозлари: Гуллар, буталар, дараҳтлар муляжлари, гербарий.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болалар билан гуруҳ майдончасига саёҳат уюштиради. Йўл-йўлакай болалар билан табиатни парвариш қилиш, дараҳтларга, гулларга, буталарга, майсаларга нисбатан ғамхўрлик қилиш лозимлигини уқтириб боради. Болалар ўсимликларнинг ҳар бир фаслда ўзгача кўринишига эга бўлишини аниқлаб, сабабини ўрганишади.

Тарбиячи: Болажонлар, боғчамиз боғида қандай ўсимликлар ўсар экан?

Феруз: Даражтлар (олма, ўрик, шафтоли, ёнғоқ, бодом)...

Азиза: Буталар (наъматак, анор)...

Дилноза: Гуллар (атиргул, гулсапсар, гултоҷихўroz, намозшомгул, чиннигул) ...

Камола: Ўтлар, сабзавотлар, буғдой...

— Тўғри, болажонлар, ҳамма ўсимликларнинг номини билар экансизлар. Лекин боғчамиз боғига кирганимизда, биринчи навбатда, бизга гуллар кўринади. Уларнинг яшнаб очилиб туришидан кайфиятимиз кўтарилади.

Одина: Гуллардан жуда чиройли ҳидлар таралиб, баҳр-дилимиз очилади.

Элдор: Гулларга асаларилар кўниб, уларнинг ширасидан асал олади.

Дилфуз: Гулларнинг устига чиройли капалаклар кўниб юради.

Нафиса: Опажон, баъзи гулларнинг ширасидан атири, шампунлар тайёрланади.

Тарбиячи: Гуллар ҳақида жуда кўп нарсаларни билар экансизлар, уларга қандай муносабатда бўлишимиз керак — шуни ҳам биласизларми?

Эркин: Уларни ҳимоя қилишимиз керак, парвариш қилиб, тагини юмшатиб, сув беришимиз керак, пайҳон қилмаслик керак.

Тарбиячи: Қиши, қаҳратон тунлари,

Уй иситар пояси.

Ёз, саратон тунлари,

Баҳра берар сояси. (*Дараҳт*)

Тарбиячи болалар билан мевали ва манзарали дараҳтлар ҳақида суҳбат уюштиради.

Тарбиячи болалар билан буталар ҳақида ҳам суҳбат уюштиради. Уларнинг вакили бўлган наъматакнинг фойдали хислатларини санаб ўтади.

Гулрӯҳсор: Дараҳтларнинг япроқлари, гуллари, меваларига қараб, уларни мевали ёки манзарали дараҳтлар турига мансуб

эканлигини биламиз. Баъзи дарахтлар бизларга мева берса, баъзи дарахтлар эса чиройли манзаралар қасб этиб, баҳр-дилимизни очади.

Одина: Дарахтлар ҳам барча ўсимликлар каби чангланган ифлос ҳавони ютиб, ўзларидан кислородга бойитилган тоза ҳаво ишлаб чиқаради.

Сокина: Олажон, дарахтларимизнинг меваларини бизлар қишин-ёзин еймиз (олма, анор, хурмо, нок, бодом, ёнгоқ).

Феруз: Оналаримиз дарахт меваларидан ширин мураббо ва шарбатлар тайёрлашади.

Тарбиячи: Атрофимиздаги ўсимликларнинг яхши ўсиши учун, бизларга кўпроқ мева етказиб бериши, чиройли манзараларни қасб этиши учун нима етарли бўлиши керак?

Болалар: Қуёш нурлари, ёғингарчилик, сув, иссиқ ҳаво, серунум тупроқ.

Тарбиячи болалар билан ўсимликларнинг ўсишида табиат унсурларини аҳамияти борасида қисқача сұхбат уюштиради.

Феруз: Ўзи ширин туклигина, мазаси бор тотлигина. (*Шафттоли.*)

Одина: Эрта баҳорда кулди, совуқ тушгач тўкилди. (*Барг.*)

Феруз: Мен — баҳорман, келтираман атрофга гул-лолалар, Синдиримангиз, ўтинаман дарахтларни болалар.

Тарбиячи болалар билан уларнинг билимини аниқлаш, ху-
лосалаш мақсадида тест савол-жавобларини ўтказади:

1. Қишин-ёзин кўм-кўк либосда?
А) тол В) арча С) бодом
2. Қайси дарахт мева қилмайди?
А) шафттоли В) терак С) олма
3. Мевали дарахтларни топинг
А) арча, терак В) нок, олма С) чинор, қайрагоч
4. Бу гулларнинг қайси бири сувда ўсади?
А) атиргул В) нилуфар С) гулсалсар
5. Баҳорда биринчи бўлиб очиладиган гулни аниқланг.
А) лолақизғалдоқ В) чучмома С) бойчечак
6. Қайси дарахт биринчи бўлиб гуллайди?
А) ўрик В) бодом С) гилос.

Тез айтиш

1. Жамила жийдани жойига жойлади.
2. Экинни Эркин эккан экан.

Тарбиячи болаларга Анвар Обиджон қаламига мансуб «Ёнғоқ» шеърини айтиб беради.

Баҳорда түн бичаман, уни кузда ечаман.
Шамол келса гувиллаб, тўкиламан дувиллаб.

Олма

Олмадир менинг исмим,
Бирам ёқимли исим.
Немат ичра аъломан,
Етмиш дардга давоман.

Машғулот охирида «Боғбон» ҳаракатли ўйинини ўйнашади.



Мавзу. ТАБИАТ ҲАҚИДА БОЛАЛАР ТАСАВВУРИНИ ШАКЛАНТИРИШ

Машғулот мақсади: Болаларнинг табиат тўғрисидаги билимларини аниқлаб, табиат дунёсининг ранг-баранглиги, ўсимликлар ва ҳайвонот оламининг, жонли ва жонсиз табиатнинг уйғунлиги ҳақидаги билимларини кенгайтариш, табиат ҳодисаларини кузатиш.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болалар билан «Табиат деганда нимани тушунамиз?» мавзусида сұхбат уюштиради.

Феруз: Атрофимизда мавжуд қүёш, ой, юлдузлар, ер, ҳаво, сув, тоғу тошлар, дала-қирлар, дараҳтлар, үсімликлар ва одамлар — буларнинг ҳаммаси табиатдир.

Тарбиячи: Атрофимизни ўраб турған, Ферузжон санаб ўтган барча нарсалар табиат ёки экология деб аталади. Табиат шундай ажойиб нарсаки, ундағи жонли ва жонсиз, ранг-баранг үсімликлар ва ҳайвонот оламини үйғунсиз тасаввур этиб бўлмайди. Атрофимиздаги табиат манзарасига бир боқинг: мовий осмонда қүёш чаракчаб, оқ булултар сузиб, қушлар чарх уриб юрибди. Дараҳтларнинг барглари шамолда шитирлади, ариқда сув жимиirlаб оқаяпти, гуллар очилган, ўтлар яшнаб кўкарган, бу гўзал табиат қўйнида эса инсон, яъни сиз ва биз яшаймиз. Табиатдаги ҳамма нарсалар, жараёнлар бир-бири билан боғлиқдир. Табиатнинг узилмас занжири бўлган бу организмнинг ривожланиши учун нима зарур?

Одина: Ҳаво, сув, қүёш, ёруғлик, иссиқлик, озиқ-овқат.

Тарбиячи: Тўғри, булар ҳаммаси бир-бири билан боғлиқ. Қүёш иссиқлик етказиб берса, сув қон сингари үсімликлар учун озуқа, тупроқ. Дараҳтлар ва үсімликлар инсон учун маҳсулот етказиб берса, инсон уларни истеъмол қилиб, табиатнинг ривожланиши учун уни парвариш қиласди.

Камола: Масалан, терак ёз давомида жуда кўп чангни ютиб, одамларга тоза ҳаво етказиб беради.

Тарбиячи: Дараҳтлар ва буталар ҳавони чанг ва губордан то-залиди, иссиқ кунларда одамлар уларнинг сояларида дам олишади, дараҳтлар одамларга мевалар етказиб беради. Үсімликлар одамлардан ташқари ҳайвонлар билан ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Ҳайвонлар нима билан озиқланисини ким айтади?

Камола: Ҳайвонлар ўт-ўланлар, үсімликлар, уларнинг мевалари билан озиқланади.

Тарбиячи: Тўғри, демак, дараҳтлар ҳайвонот олами учун ҳам озуқа сифатида хизмат қиласди. Қушлар, ҳайвонлар үсімликларга қандай фойда беради?

Нафиса: Қушлар, баъзи бир ҳайвонлар дараҳтларга зарап етказадиган қурт ва ҳашаротларни еб, уларни ҳимоя қиласди.

Тарбиячи: Биз сизлар билан санаб ўтган одамлар, дараҳтлар, үсімликлар, ҳайвонлар, қушлар — барчаси жонли табиат вакилларидир. Чунки улар озиқланади, нафас олади, үсади, ривожланади, кўпаяди ва охирида нобуд бўлади. Улар шу хусусиятлари билан ҳам жонсиз табиат жисмларидан фарқ қиласди. Жонли табиат султони одам — ўз ҳаёти учун зарур барча

нарсаларни жонли ва жонсиз табиатда, меңнат жараёнида яратади. Лекин шу билан бирга, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш учун инсон уни яхши билиши, севиши ва ҳимоя қилиши керак. Шу сабабли кейинги вақтда «экология» деган тушунча пайдо бўлди (экология — экос — уй, логос — фан, деган лотинча сўзлардан ташкил топган). Яъни барча тирик мавжудотлар уйи (табиат ҳақида фан). Экология тирик мавжудотларнинг бир-бири ва жонсиз табиат билан боғлиқлиги, одамнинг табиатдаги хулқ-атвори, унинг табиатга маданий муносабати ҳақидаги фикрdir. Табиат ва инсон бир—бутун.

1. Зар гилам — зар-зар гилам, кўтарай десам оғир гилам. (*Ер.*)
2. Кетаверади, кетаверади, орқасига қарамайди. (*Сув.*)
3. Тилла сандиқ очилди — ичидан зар сочилиди. (*Қуёш.*)

Тарбиячи: Табиат жисмлари қаттиқ, суюқ ва газсимон бўлиши тўғрисида болаларга тушунча беради. Масалан, тош, темир — қаттиқ жисм; сув, нефть, бензин — суюқ жисм. Улар шаклсиз бўлиб, оқиб кетиши, ёйилиб ёки учиб кетиши мумкин. Ҳаво, табиий газ — газсимон жисмлар, уларнинг баъзи бирларидан нафас оламиз. Улар тарқаб, учиб кетиш хусусиятига эга, суюқлик сингари шаклсиз, ҳаво бошқа жисмлардан бўшаган барча бўшлиқларни эгаллаб, кўзга кўринмайди.

Феруз: Ер, қуёш — ота-она, доим бизга парвона,
Улар жуда серфарзанд, болалари асал-қанд.
Бир-биридан ортиқдир, бари бизга тортиқдир,
Аралаш ўғил-қизи, икки юзи қирмизи.

Камола: Қизғиш думалоқлиги отасига ўхшайди,
Серсув ва қумоқлиги онасига ўхшайди.

Озода: Алл чинорлар — полвонлар, хуш қоматли ўғлонлар,
Мевалари — невара, ўт-ўланлар — чевара.
Гул-чечаклар — қизлардир, ердаги юлдузлардир,
Биз ҳам уларга фарзанд, ажралмас азиз дилбанд.

Тарбиячи: Раҳмат, болажонлар, табиат жисмлари ҳақидаги олган билимларимизни жуда чиройли қилиб шеърий ифодадингиз. Энди ўзимизни тест саволлари орқали синааб кўрамиз.

1. Ер, сув, тофу тош ҳам ухлайдими? Ухласа, қайси фаслда?
А) қишда В) ёзда С) баҳорда.
2. Ҳаёт ташкил топган 4 унсурлардан номаълумини топинг.
А) сув Б) ҳаво С) тупроқ Д) ...?

3. Қишда қайси дараҳт ухламайды?

A) чинор B) хурмо C) арча

4. Ойна каби ялтирайди, иссиқ тегса мұлтирайди?

A) ойна B) муз C) сув

Тарбиячи болалар билан ҳар бир фаслға хос үзгаришлар ҳақида якуний сұхбат уюштиради ва машғулотни тутатади.

Маевзу. ҮЙ ПАРРАНДАЛАРИ (ТОВУҚ, ХҮРОЗ, ФОЗ, КУРКА, ЎРДАК) БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Машғулот мақсади: Болаларнинг табиат борасидаги билимларини аниклаб, үй паррандалари номларини билиш, уларнинг үзига хос хусусиятларини бир-биридан фарқлашып таққослашни ўргатиш.

Машғулот жиҳозлари: Паррандалар, уларнинг муляжлари, суратлари, паррандалар тухумлари ва озуқаларидан намуналар.

Машғулоттинг бориши: Тарбиячи болалар билан үй паррандалари ҳақида сұхбат уюштиради ва уларнинг билимларини аниклайды.

Феруза: Бизлар үйда товуқ, хүroz, курка, фоз боқамиз.

Үрол: Бизлар ўрдак боқамиз.

Тарбиячи: Болаларга ушбу үй паррандаларининг оқ, қора, сарық, күк, қызыл рангларда бүлиши ҳақида айтиб үтади. Уларнинг бир-биридан патларининг катта-кичиликleri ва юмшоқликleri билан ажралиб туришини айтади (күргазмалар намойиш этилади). Үй паррандалари ичидә энг каттаси курка бўлиб, у 18—20 кг гача гўшт қилиши мумкин. Курканинг номи унинг үзига хос «кур-кур» деб овоз чиқаришига мос берилган. Товуқ, хүroz, курка сувда сузолмайды, қуруқликда яшайды, фоз ва ўрдаклар сувни яхши кўради ва доимо сувда сузишга ҳаракат қиласади. Демак, фоз ва ўрдак парвариш қиласидан хонадонларда улар учун тайёрланган алоҳида ҳовузлар мавжуд. Товуқ, курка, ўрдак, фоз тухум кўяди, гўшт беради, уларнинг патларидан ёстиқ ва кўрпалар тайёрланади. Барча паррандалар бир-биридан кўяётган тухумининг ҳажми, гўштининг кўп-камлиги билан фарқ қиласади.

Топишмоқ: Пиширсанг ош бўлур — пиширмасанг қуш бўлур.
(Тухум.)

Тарбиячи болалар билан ҳар бир паррандага хос овозларни имитация қиласади. (Қак-қак, воқ-воқ, қур-қур, фоқ-фоқ) ва хўroz ҳақида қўшиқ айтишади.

Озода: Бабақ хўроз, бабақ хўроз
Тожи қизил тароқ хўроз.
Думи гажак, юрар сергак,
Хўп келишган, бўйи дароз.

Парда: Айбин лекин, айтай секин,
Сал урушқоқ, чатоқ бироз.
Тумшук артиб, сақлар тартиб,
Қоматини тутади ғоз.

Үрол: Одамларни, тогамларни
Уйғотиши жуда ҳам соз.

Тарбиячи: Баракалла, хўроз ҳақида жуда яхши қўшиқ билар экансизлар. Бу қўшиқда хўрозга хос барча хусусиятларни айтиб ўтдингизлар — урушқоқлиги, кеккайиши, одамларни эрта тонгда уйғотиши. Айтинглар-чи, бу хусусиятлар товуққа ҳам хосми?

Болалар: Йўқ. Бу хусусиятлар фақат хўрозда бор.

Тарбиячи: Товуқ 20 кун қаноти остида олиб ётган тухумлардан жўжа очади ва уларни яхши парвариш қилиб, аста-секин катта қиласди. Жўжалар катта бўлгандан кейин товуқ ёки хўроз эканлиги маълум бўлади. Товуқ жуда меҳнатсевар. (Тарбиячи болаларни бoggчада мавжуд товуқхонага олиб борада ва кузатувни ташкил этади. Болалар билан биргаликда товуқларга дон, сабзавотлар ва овқат қолдигини беради.)

Сарвиноз: Паррандалар донли ўсимликлардан буғдой, маккажӯхори, тариқ ва сабзавотларнинг хом ва пишган қолдиқларини ейди, унга сув бериб туриш керак.

Тарбиячи: Паррандалар озиқ-овқатни қандай ейди? Ейдими ёки чўқилайдими?

Үрол: Паррандалар чўқиб-чўқиб сиди, чунки уларнинг чайнаб ейишлари учун тишлари йўқ.

Тарбиячи: Бу паррандалар юқорига уча оладими?

Феруз: Бу паррандалар уча олмайди, шу сабабли ҳам уларни уй шароитида боқамиз, қўпайтирамиз, тухумидан, патлари ва гўштидан фойдаланамиз. Тухумида жуда кўп инсон учун фойдали оқсиllар мавжуд. Тухумини қайнатилган ёки қовурилган ҳолда истеъмол қиласмиз, пишириқлар пиширишда ишлатамиз.

Тарбиячи: Жуда кўп нарсани билар экансизлар, лекин қадим замонларда одамлар ғозлар патидан қалам сифатида фойдаланганини ҳам биласизларми?

Топишмоқ:

1. Сузишга мендан ўrnak ол — дейди чаққон... (*Ўрдак.*)

2. Сувда сузар, лек сувдан чиқар қуп-қуруқ.... (*Үрдак.*)
3. Қағ-қағ-қағлаб юраман,
Ховлида дон тераман,
Эртага ҳам, болалар
Тухум қўйиб бераман. (*Товук.*)
4. Сувда сузиб ғоқ-ғоқ-ғоқ,
Гоҳ ошаман умбалоқ,
Кувнашади болалар,
Шундан бўлар вақтим чоғ. (*Фоз.*)
5. Бир қўшним бор, аввал бошдан
Соқоли унинг, қизил гўштдан
Саҳар туриб, шовқин солар
Хабари йўқ, ҳеч бир ишдан. (*Ҳўроғз.*)

Тарбиячи болаларни гуруҳ хонасига олиб киради ва стол устида турган тухум пўчоқлари, пластилин ёрдамида ғоз ясашни ўргатади.

Машғулотнинг охирида «Фозларим» ҳаракатли ўйинини ўйнавади.

Маевзу. БАҲОР ЭЛЧИЛАРИ – БИНАФША, ЧУЧМОМА, БОЙЧЕЧАК, ЛОЛАҚИЗҒАЛДОҚ БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Машғулот мақсади: Болаларнинг табиат тўғрисидаги билимларини аниқлаб, баҳор фасли ҳақидаги тушунчаларини бойитиш, табиат гўзаллигини ҳис қилиш ва гулларни таққослаб-фарқлашни ўргатиш.

Машғулот жиҳози: Табиий гуллар, гербариј, рангли фотосуратлар.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болалар билан баҳор келиши билан табиатда бўладиган ўзгаришлар (қуёш иссиқлигининг кучайиши, қорлар эриб, кунлар исиши, ўсимликлар ўса бошлиши, дараҳтлар барғ чиқариб гуллаши) ҳақида суҳбат уюнтиради. Гўзал ўлкамизда баҳор фаслида дала-қирларимиз ямаяшил ўт-ўланларга бурканиши, баҳор элчилари бойчечак, бинафша, чучмома, лолақизғалдоқлар гуллаб, табиат фусункор манзара касб этишини болалар билан биргаликда тасвирлашади. Баҳорда йигит-қизларимиз баҳор, Наврӯз сайилларига далалярга чиқишилари, гуллардан гулчамбар, сочпопук ясаб, сочларига тақишиларини ҳикоя қилишади.

Дилафрӯз:

*Баҳордан бердинг дарак,
Осмон бўлди кўм-кўк.*

Сенга талпинган юрак,
Севган гулим Бойчек.

Нафиса:

Сени күрсам боғларда,
Бахмал адир, тоғларда,
Ям-яшил ўтлоқтарда,
Сен хуснга бой, чечак.

Үрол:

Бошлаб келдинг баҳорни,
Тоза кумуш наҳорни,
Олибсан ихтиёрни,
Сепларингни ёй, чечак.

Парда:

Баҳор келди элимизга,
Кўм-кўк бўлди боғ, лала.
Севинч тўлиб дилимизга,
Биз териб келдик лола.

Элдор:

Бойчечагим турар тик,
Барглари яшил тетик
Унинг ранги сариқ-оқ
Бошида кумуш қалпоқ.

Камола:

Бинафшажон, бинафша,
Туришларинг чиройли.
Боғимизда очилиб,
Кулишларинг чиройли.
Ҳамма чиқар далага,
Бинафшани тергани.
Мен ҳам тердим бир даста.
Опамизга бергани.

Тарбиячи:

Ўзи қизил гўзал бирам
Қирга ёзар, қизил гилам.

— Топинглар-чи, бу — нима? (*Лолақизғалдоқ.*)

— Тўғри, болажонлар. Ҳозир эшитган шеърларимиз, толиш-моғимизда гул баргларининг ранглари чиройли қилиб тасвирланган. Стол устида турган, расмларда тасвирланган гул рангларини ким айтib беради?

Болалар: Лолақизғалдоқ — қизил, бинафша, чучмома — сиёхранг, бойчечак — сариқ рангда гуллайди. Барглари, поялари тўқ яшил рангда.

Тарбиячис:

Кўклам келса унади,
Офтоб чиқса — кулади,

У баҳорнининг элчиси,
Буни ҳамма билади (*Бойчечак.*)

Элдор: Гул экдим гулзорда,
Гўзал бўлар баҳорда.

Рухсора: Баҳор тутар гулдаста,
Бизларга кучоқ-кучоқ.
Гулга тўлар бирнасада.
Обод шаҳар ва қинилоқ.

Тарбиячи: Баракалла, ҳақиқатан ҳам, баҳор келиб дараҳтлар
ва гуллар гуллагандага боғчамиз, шаҳар ва қинилоқларимиз жуда
чиройли туслага киради. Бизлар ҳам ака-опаларимизга қўшилиб,
далаларга гуллар териш учун чиқамиз ва қўшиқ куйлаймиз.

Бойчечак

Бойчечагим бойланди,
Қозон тўла айронди,
Айронингдан бермасанг,
Қозонлариинг вайронди.

Қаттиқ ердан қазилаб чиққан, бойчечак,
Юмишоқ ердан юмалаб чиққан, бойчечак.

Мақоллар

1. Гул очилмаса, булбул сайрамас.
2. Она билан бола, гул билан лола.
3. Гул тикансиз бўлмас.

Тарбиячи болалар билан биргаликда тайёрлаб қўйилган қофоз
қийқимларини оқ қофозга елимлаб, лола гулини апликация
қилишади. Машғулот охирида «Ким кўп гул терди?» ўйинини
ўйнашади.

Мавзу. ПАХТА БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Машғулот мақсади: Болаларнинг табиат ҳақидағи билимларини
аниқлаб, пахта ўсимлиги ҳақида уларнинг тасаввурини
кенгайтириш.

Машғулот жиҳози: Пахта муляжи, пахта, ип, мато, пахта
далаларининг тасвиirlари.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болалар билан юртимиз бой-
лиги бўлган пахта ўсимлиги тўғрисида суҳбатлашади. Пахта чиги-

тини эрта баҳорда экиб, сув бериб, чопиқ қилиб, парвариш қилиш кераклигини, кеч кузда мүл ҳосил беришини айтиб ўтади.

Сонсиз эгатларга сочилмиш, ана,
Менинг шодликларим, эзгу дардларим,
Менинг она халқим, эй, қадим, ҳалол
Ризқи она ерга сепилган, халқим.

Она юртимиз далаларйда буғдой, шоли, маккажүхори, полиз экинлари, боғу роғлардан ташқари пахта экини ҳам экиб, етиштирилади. Чигитдан ўсиб чиққан гўза жуда чиройли ўсимлик. Барглари ва гуллари йирик, пушти ва сариқ рангда бўлиб, фақат бир кун давомида очилиб туради. Гўзага ёз давомида ишлов берилади. Гул ўрнида мевалар — қўсаклар кузда момиқ толалар билан қопланган пахта бўлиб очилади.

Момиққина онаси,
Ёғлиққина боласи. (*Пахта толаси, чигит.*)

Элдор: Чаман, чаман пахтазор,
Юртимизда ифтихор.
Сендан баҳтин топади
Меҳнат қилиб, пахтакор.

Далаларда пахта етиштирадиган меҳнаткашларимизни пахтакор деб атаймиз, улар эрта баҳорда чигит экиб, ёз фаслида гўзага ишлов берив, ёзнинг охиридан кеч кузгача меҳнатлари маҳсули бўлган пахтани қўлда ва машина ёрдамида териб олишади. Пахтани бежизга «оқ олтин» деб аташмайди, чунки у кони фойда. Кундалик эҳтиёжимиз учун зарур пахта момигидан ип, мато, матолардан кийим-кечак, кўрпа-тўшак тайёрланади. Чигитидан эса истеъмол учун пахта ёғи олинади.

Элдор: Мен ўзбекнинг олд кучи,
Фахриман, фуруриман.
Юртнинг нони, кийими,
Бойлигиман, нуриман.

Дилафрўз: Дехқон бобом ярим йил
Қилди мени парвариш,
Олти ой эрта-ю кеч
Сира тугамади иш.

Камол: Шунча меҳнати учун
Унга энг зўр мукофот —

Ернинг фарзанди деган,
Мұльтабар, мұқадлас от.

Шахзод:

Оппоққина ошнанғ — мен,
Юмшоққина ошнанғ — мен.
Эгнингдаги шу нимчанг,
Ок күйлагинг, күк шимчанг,
Киссангдаги дастрұмол —
Бари менман, билиб ол.
Пайпоқларинг ҳам үзим,
Айтсам тугамас сұзим.

Топиши мөқалар

1. Оқ гулим, оппоқ гулим,
Ушлаб күрсам, юмшоқ гулим,
Териб хирмон қилған әдім,
Бўлиб кетди «оқ тоғ» гулим. (*Пахта*)
2. Тагида бор юлдузи,
Териб олсанг бўлар тоғ
Уруғидан чиқар ёғ,
Дарров үйланг бу ҳақда
Бу нимадир — ... (*Пахта*)

Тарбиячи шеър ва топиши мөқаларда ифодаланған пахтадан олинадиган маҳсулотлар ҳақидаги болалар билимларини хуло-салаб, якунлаб, машгулот охирида «Пахтамизни терамиз» номли ҳаракатли ўйинни ўйнатади.

Маевзу. АСАЛАРИ ВА ҚОВОҚАРИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Машгулот мақсади: Болаларнинг табиат түғрисидаги билимларини аниклаб, уларга асалари ва қовоқарини бир-биридан фарқлашни ва уларнинг заарли, заарсиз томонларини ўргатиб, билимларини бойитиши.

Машгулот жиҳози: Асалари ва қовоқарилар сурати, асаларилар уйининг сурати.

Машгулотнинг бориши: Тарбиячий болаларга асални ёқтири-майдиган ва уни хуш күрмайдиган одам бўлмаслигини гапириб, асал қаердан олинишини сўрайди. (Болалар асал асалари уясидаги мум катакларидан олинишини айтишади.)

Тарбиячи болаларга асаларининг тинмай меңнат қилиб асал йиғиши түғрисида тушунча бериб, асални қаердан олиш мумкинлиги ҳақида ўртага савол ташлайди. (Болалар, асаларилар асални ҳар хил гуллардан йиғишади, деб жавоб беришади.)

Тарбиячи асалариларнинг гулларга қўниб, бир неча грамм асал йиғиш учун миллионлаб км масофани учиб ўтишлари лозимлиги ҳамда асалари бутун ҳаёти давомида бу ишларни ба-жаришини гапириб ўтади.

1. Боғда ғинг-ғинг учади,
Гул шарбатин ичади.
Кўрсанг узун найзали,
Ҳосил берар мазали.

2. Сизга-бизга улашиб,
Яна кетар қувлашиб.

Аброр: Асалари.

Тарбиячи: Тўгри, уларнинг органлари дараҳт ва ўсимлик гулларидан нектар йиғишга мослашган. Асаларилар орқа панжала-ридаги мажуз туклари ва саватчалари ёрдамида гул чангини йиғади ва ташийди. Узун тухумчаси ва буқоғида гул чангини асалга айлантиради. Асаларилар қайси фаслда асал йигмайдилар?

Дилафрўз: Улар қиши фаслида, яъни декабрь, январь ойла-рида лам оладилар.

Тарбиячи: Тўгри, болажонлар, бу фаслда ўсимликлар гулла-майди, шунинг учун асаларилар ёз буйи тинмай меҳнат қила-дилар, қиши давомидаги озуқани бутун ёз давомида ғамлайди-лар.

Сайд: Меҳнат — меҳнатнинг таги роҳат.

Лола: Меҳнат баҳт келтирап.

Тарбиячи: Тўгри, болажонлар, асаларилар ушбу мақолларга амал қиласар эканлар. Асалариларнинг меҳнати қагъий тақсим-ланган, баъзилари овқат топади ва уни уяга ташиб келади, бош-қалари эса уларни қабул қилиб, уяларидаги мум катакларига тақсимлаб чиқади, учинчиси, катак ичини тозалайди, бошқа-си эса қанотларини қоқиб, уяни шамоллатиб туради, бешин-чиси, эшик олдиди қўриқчилик қилиб туради ва душманларни уйига киритмайди, олтинчиси эса қургчаларни боқади, булар-нинг ҳаммасини ишчи асалари бажаради. Одамлар қадимдан асалариларни «қўлга» ўргатганлар, шу сабабдан ҳам асаларилар қутиларда боқилади, улар деярли уй ҳашаротлари ҳисобланиб, ажойиб шифокорлардир. Болажонлар, асални истеъмол қилиш-дан ташқари яна нималарга ишлатамиз?

Ўрол: Асал кўпгина касалликларга даво.

Тарбиячи: Унинг қимматбаҳо дориси нимадир?

Парда: Қимматбаҳо дориси «захар»и.

Тарбиячи: Тұғри, болажонлар, унинг заҳаридан тұғри фойдалана олсак одамларни күпгина дардлардан ҳалос қиласы. Күп миқдордаги асалари кишини чақса, нохуш ҳолатларга олиб келади. Масалан, бир йұла 400 асалари чақса, одам ҳалок бұлади, бироқ асаларига ұхшаш яна бир ҳашарот борки, бу қовоқары, улар асаларига ұхшаб меңнат қилмайды, инсонни чақса баъзиларга таъсир қилмайды, баъзиларга таъсир қилиб шишиб кетар экан. Қовоқарининг асаларидан фарқи шунда. Шунингдек, асаларини «Болари» деб ҳам аташади.

Сарвиноз:

Ишим бор жуда муҳим,
Бол ийғаман бутун кун.
Тегсанғ чақиб оламан,
Нишим ишга соламан.

Тарбиячи: Жуда чиройли шеър экан.

Машгулот сұнгыда тарбиячи болаларға «Болари ва қовоқары» әртагини сұзлаб беради ва савол-жавоб үтказиб, машгулотни холосалаб яқунлайди.

Мағазу. МАНЗАРАЛИ ДАРАХТЛАРДАҢ АРЧА БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Машгулот мақсади: Болаларнинг табиат тұғрисидеги билимларини аниқладаб, уларға арча дараҳтининг тузилиши, турлары, инсон учун қандай аҳамияттаға эга эканлығы тұғрисида тушунчалар бериш.

Машгулот жиҳози: Арча дараҳтидан намуна ва сурати, рангли қаламлар ва қофоз, янги йил байрами сурати.

Машгулотнинг бориши: Тарбиячи болаларға топишмоқ айтади:

Кишин-ёзин бир-хил кийимда. (*Арча.*)

— Тұғри, болажонлар. Үзларингиз англаганингиздек, қишида ҳам, ёзда ҳам бир хил кийим кийиб турувчи дараҳт, яғни арча ҳақида суҳбатлашамиз. Болажонлар, арчани биз күпроқ қаерларда учратамиз?

Шаҳзод: Биз арчани күпроқ тогларда, үрмонзорларда учратамиз.

Тарбиячи: Үзимиз яшаётган ҳудудда арчани қаерда учратышымиз мүмкін?

Беҳрүз: Йўлакларнинг иккى четида, боғчамизды, уйимизда учратишымиз мүмкін.

Тарбиячи: Баракалла, болажонлар. Арчанинг ноёб ва чиройли бўлгани учун ҳамма уни экиш ва парваришилашга ҳаракат қиласиди. Бойсунда ҳам арча ўрмонзори бор, ҳозирги кунда мазкур ўрмонзордан арчалар сотиб олиниб, Бойсун кўчаларини кўкарамзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Мутахассисларнинг ёзишича, арчаларнинг новдалари ва мевалари сабинол, кедрол ва альдегит эфир мойларига бой. Тоғдаги арчалар «Ҳаёт суви»дан ичиб туради, деган қараашлар ҳам мавжуд. Шунинг учун улар минг йил яшайди, кейин эса ўзидан ўт чиқиб, ёниб кетали. Арчанинг ҳаёт сувидан ичган одам ҳам минг йил яшайди, дейишади.

Мақол: Арча сувини ичган — минг йил яшар.

Ушбу мақол айтганларимиз исботидир ва афсонавий тушунчалар маҳсулидир. Мазкур мақолда ва афсоналарда арчанинг шифобаҳиш хусусиятига ишора қилинган. Арча меваси нафас йўли шамоллашларига, жигар касалликларига фойдалидир. Манзарали дараҳт сифатида янги йил байрами ўтказилишида ўрни бекиёсдир, анъана тусида албатта байрам даврасига арчани бе-затиш кирган.

Элдор:

Арча ўйинчоги

Мен арчага ўйинчоқ,
Қилиқларим кўп қувноқ,
Гавдам роса думалоқ,
Устим яппа-ялтироқ.
Қувноқ, ўйинқароқ —
Болаларга мен ўртоқ.

Беҳзод:

Арчаман, яшил арча,
Мени севади барча.
Ҳамиша ям-яшилман,
Зумраддек зўр, аслман.
Болалар кулиб қувноқ,
Менга осар ўйинчоқ.
Олтин шарлар осишар,
Зар кокиллар осишар.

Фарангиз:

Тож кийдириб бошимга,
Давра қуриб қошимда.
Ўйнаб кулишар роса,
Қувнаб кетишар тоза.

Мени дерлар, опаси,
Ўрмоннинг маликаси.
Янги йил байрамида,
Энг азиз меҳмон, биз-да.

Тарбиячи: Баракалла, болажонлар. Шеърларингизда арчани батағсил таърифладингизлар. Айтиб ўтиш жоизки, арчанинг ёғочидан уйлар қурилади, эшик-деразалар, уй мебеллари ясалади.

Парда: Арча хушбўйлигидан мингга киради.

Тарбиячи: Тўғри. Унинг ҳиди шундай хушбўйки, тоғ арчалирини тандир сомсаларда, тандир кабобларда, хуллас уни истеъмол қилишда фойдаси жуда катта.

Тарбиячи болалар билан арча хусусида савол-жавоб қилиб бўлгач, арча расмини чизиш машғулотини ўтказади ҳамда йўналтиради, машғулотни хulosалаб, якунлайди.

Мавзу. ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Машғулот мақсади: Болаларнинг табиат борасидаги билимларини аниқлаб, уларга полизда экиладиган экинларни етиштириш тушунчасини бериб ўтиш, уларнинг тури ва инсонлар учун қундалик фойда келтириши тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтириш.

Машғулот жиҳози: Полиз экинлари сурати, полиз экинларидан айрим намуналар (сабзи, пиёз, картошка, карам).

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болаларни боғ сайлига олиб чиқиб, дехқон етиштираётган ширин-шакар полиз экинлари билан таништиради ҳамда полиз экинларидан қайсилаrinи билишлари тўғрисида савол беради. (Болалар қовун, тарвуз, ҳандалак, бодринг, карам, қовоқ, помидор каби экинларни билишларини чуғурлашиб айтишади.)

Тарбиячи болажонларга дехқон полиз экинларини қай тарзда етиштириши ҳақида гапириб беради ва уларни парваришлаш учун ерга ўғит солиб, ерларни юмшатишида ҳамда шу туфайли ширин-шакар тарвуз-қовун, ҳандалак ва бошқа маҳсулотлар болажонлар учун етказиб берилишини айтади. Тарбиячининг мазкур экинлар қайси фаслда етилиши тўғрисида берган саволига, болалар, ёз фаслида, деб жавоб беришади.

Тарбиячи: Болажонлар, ёз фасли жуда иссиқ, шу сабабдан тарвуз, қовун ва ҳандалак каби полиз экинларини истеъмол қилишни организм талаб қиласди. Хўш, ким полиз экинлари ҳақида шеър айтиб бера олади?

Бехруз:

Ҳандалакжон, ҳандалак,
Оҳ, ҳидинг хушбуй мунча.
Қўлимга олиб сени,

Ҳидласам то тўйгунча.
Ҳидладиму ўйладим,
Дехқонларга қойил-э,

Экинларга қойил-э.
Мунчалик хүшбүй ҳидни

Мунчалик шириңликни,
Келтирекан қаердан?

Тарбиячи: Күриб турганингиздек, ҳандалакнинг хүшбүй ҳидини ҳатто шоирларимиз шеърларла ҳам таърифлашган.

Наргиза: Тарвуздек ширин неъмат,
Топилмайди дунёда.
Дум-думалоқ шаклим бор,
Жуда силлиқ — озода.

Парда: Мен қовунман сап-сариқ,
Мен гүё улкан тариқ.
Бекасам тўним гўзал,
Ичим гўёки асал.

Тарбиячи: Баракалла, болажонлар, сизлар тарвуз, қовун, ҳандалакларни чиройли таърифладингизлар. Қовуннинг «Оби новвот», «Шакарпалак», «Шириңпӯчоқ» каби турлари мавжуд бўлиб, улар мазасига кўра номланади. Полиз экинлари бир-биридан шакли, ранги ва тузилиши жиҳатидан фарқ қиласди. Хўш, болажонлар, полиз экинлари қандай экиласди?

Лола: У уруғдан экиласди.

Тарбиячи: Тўгри, болажон, улар уруғидан кўпайиб, дечқонларимиз парвариши туфайли стилади. Шунингдек, полиз экинларига нафақат тарвуз, қовун, ҳандалак, балки помидор, бодринглар ҳам кириши ўзларингизга маълум, улардан онажонларимиз ва бувижонларимиз қиши ғамини еб, банкаларга тузлаб кўйишади.

Зар-зар тўни бор,
Зардор паноҳи бор.
Урди пичоқни,
Унинг не гуноҳи бор?

Беҳруз: Қовун.

Тарбиячи: Хўппа семиз, бир туки йўқ.

Сарвиноз: Тарвуз.

Тарбиячи: Болажонлар, ошқовоқ ҳам полиз экинларига киради, биз уни овқатга солиб пиширамиз, шунингдек, ундан сомса, манти-каби мазали таомлар тайёрлаймиз. Полиз экинларидан мевалар ва сабзвотларнинг фарқи нимада?

Лобар: Мева дараҳтда пишади.

Беҳзод: Сабзвотлар ерда стиштирилади, бироқ овқатга солинади.

Моҳинур: Полиз экинлари ерда пишиши билан биз уларни шу ҳолда еймиз.

Тарбиячи болаларга мазкур экинларнинг шифобахшлиги ҳамда уларда инсон организми учун зарур витаминалар борлиги ҳақида гапириб ўтиб, «Полизда» ҳаракатли ўйинини бажаришади.



Мағзу. КАПАЛАК ВА ХОНҚИЗИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Машғулот мақсади: Болаларнинг табиат ҳақидаги билимларини аниқлаб, уларнинг капалак ва хонқизи ҳақидаги тасаввурларини ошириш, уларнинг ниқобланиш ҳодисаларини кузатиш, ҳаёт тарзи, тана тузилиши ҳақида тушунчалар бериш.

Машғулот жиҳози: Капалак ва хонқизи суратлари.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болаларга капалак ва хонқизи бир оиласа мансублиги ҳамда ҳар хил ўсимликлар билан озиқланадиган ҳашаротлар, яъни капалак ва қўнғизлар ҳам шу оиласа киришини таъкидлаб, катта ариқ бўйларида, ялпиз, жамбили, тоғ раённи ва гулхайри каби ўсимликлар қуюқ ўсган жойларда капалакларни учрагиш мумкинлигини, айримларини эса сувда оқиб келаётган барг ёки бутоққа қўнған ҳолда ҳам учратиш мумкинлигини гапириб ўтади. Сўнгра болалар билан шеър айтиш машқини бажаришади.

Лобар:

Ҳой, капалак, капалак,
Қанотларинг ипакдек.
Мунча шошиб учасан,
Тўхта сўзлайн андак.
Нозик, нозик капалак,
Танлаб кўнар гулларга.
Бориб ушлай десам,
Қанот қоқар кўкларга.

Тарбиячи: Баракалла, қизим. Болажонлар, сизларга маълумки, капалакларнинг ранги ҳар хил (оқ, сариқ, пушти, мalla...), уларга қўрқув ва ҳадиксираш бегона, капалаклар беозор жониворлардир. Қани, болажонлар, мен сизларга топиншмоқ айтаман, сизлар топишга уриниб кўринглар-чи:

Жони бору суяги йўқ.

Парда: Капалак

Тарбиячи: Қаноти бор, қони йўқ, тухум қўяр, сони йўқ.

Мафтуна: Капалак.

Тарбиячи болалар билан табиат қўйнига чиқиб капалакларни кузатишади. Капалакларнинг қаноти ўртасида иккита каттакатта дод борлигига ва бу доғлар тажрибасиз қушларга мушук, боййёли ёки лочиннинг кўзидек бўлиб туюлишини гапириб ўтади. Капалаклар ўз қанотларидағи соxта доғларни фақат хавф тугилгандагина намоён этишлари, бу эса қушларни эсанкиратиб қўйиши, шунингдек, пайтдан фойдаланиб, капалаклар қочиб қолиши, бу эса капалаклар ҳимоя воситаси эканлиги тўгрисида болаларга тушунча бериб ўтади.

— Болажонлар, капалаклар душмандан яна қандай ҳимояланишади?

Жаҳонгир: Капалаклар нотекис учишади, бу эса душманни чалғитади.

Тарбиячи: Тұғри, болажон, капалаклар қанчалик нозик бўлишмасин, барибир улар ҳам табиат қонунига кўра, маълум бир ҳимоя воситаси билан таъминланган. Бу, аввало, уларнинг парвозида намоён бўлади.

Қани, болажонлар, капалаклар қадим-қадимдан ким билан дўст тутинишган?

Шаҳбоз: Капалаклар қадимдан ипсон билан дўст бўлишган.

Тарбиячи: Қайси ҳашарот қисқа умр кўрали?

Жавоҳир: Капалаклар.

Тарбиячи: Тұғри, болажон, у шу қисқа умрида ўсимлик ва дараҳтларни чанглатиб, табиатга анча фойда келтиради. Улар нима билан озиқланади?

Парда: Гуллар ва ўсимликлар шираси билан озиқланади.

Тарбиячи: Болажонлар, капалакларнинг ҳаммаси ҳам фойдали эмас, уларнинг айрим турлари экинларга заар келтиради. Ер юзининг қайси бурчагига борманг, ранг-баранг капалакларни учратамиз. Келинглар, энди хонқизи ҳақида гаплашиб олайлик, улар қандай тузилишга эга.

Шаҳзод: Уларнинг елкасида қора нуқталари бўлган қизил думалоқ қўнғизчалардир.

Тарбиячи: Тұғри, болажон, халқимиз унга «хонқизи» деб ном қўйган. Улар хавф-хатар туғилганини сезган заҳоти панжаларининг учida пушти ранг суюқлик ҳосил қиласди, мазкур суюқликнинг ҳиди жуда ҳам ёқимсиз бўлгани туфайли душманлари унга яқинлаша олмайди. Шуни айтиш жоизки, бир қарашда беозор кўринган бу митти ҳашарот зааркунанда эканлигини ҳамма ҳам билавермайди. У овқат излаб дараҳталарнинг ширасини сўради, шунингдек, унинг фойдали томони ўсимлик битини ейишидадир. Иштаҳаси карнай бўлганлиги туфайли кунига 200 га яқин ўсимлик битини ейиши мумкин. Болажонлар, капалаклар билан хонқизининг фарқи нимада?

Моҳинур: Капалакнинг инсон учун фойдаси кўп экан.

Парда: Хонқизи эса бир томондан табиатга фойда келтираса, иккинчи томондан зарар.

Сайр сўнгига тарбиячи болаларга берган билимларини умумлаштириб, «Капалакни тут» ҳаракатли ўйинини ўтказади.

Мағзу. ТУЯ БИЛАН БҮТАЛОҚ, ОТ БИЛАН ТОЙЧОҚ ҲАҚИДА ТУШУНЧА БЕРИШ

Машғулот мақсади: Болаларнинг табиат түгрисидаги билимларини аниқлаб, уларга түя ва отнинг ҳаёт тарзи, танасининг тузилиши ва уларнинг бир-биридан фарқини ўргатиш.

Машғулот жиҳози: Түя билан бүталоқ, от билан тойчоқ суратлари, саҳро суратлари, ўйинчоқлар

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болаларга түя ва от суратларини кўрсатиб, уларнинг фарқи ҳақида тушунча беради. Қадим замонларда от билан тудан транспорт воситаси сифатида фойдаланилганлиги, түянинг «чўл кемаси» деб аталганлиги, чунки у чўл шароитида чидамли бўлганлиги тўғрисида тушунтириш ишлари олиб боради. Түянинг оёғи остида қалин қадоқ бўлганлиги учун қўёш қиздирган қўмда ҳам бемалол юраверинши, қалин ва узун жуни кундузги жазирама иссиқ ва тунгги совуқдан ҳимоя қилиши, овқат танламаслиги, бошқа ҳайвонлар емайдиган тиканли янтоқни ейиши ва шу янтоқ туфайли ўркачидан ёт тўпланиши ҳақида болаларга гапириб ўтади. Түя саёҳат чогида ўша ёғни аста-секин сарф қилиб, бир неча кунгача овқатланмасдан юра олиши ва шу хусусияти туфайли инсон уни қадрлаши ҳақида болаларга ҳикоя қилади. Тарбиячи болалардан түя боласи нима деб номланишини сурайди?

Шаҳзод: Бўталоқ.

Тарбиячи:

Ўркач-ўркач тог дедим,
Ўртасида ўтиридим.

Лола: Түя.

Тарбиячи: Тўғри, болажон, бўталоқ түянинг боласи ҳисобланади, бўталоқ ҳам онаси сингари чўлларда юришга мослаша бошлади. Түя бўталогини кичиклигига асраб-авайлаб катта қилади. Түяларда бир давлатдан иккинчи давлатга юқ, яъни матолар ва бошқа нарсалар ташишган. Уларни «Буюк ипак йўли» транспорти деб ҳисоблашган, шунингдек, саҳрова яшовчи одамлар ундан нафақат транспорт сифатида, балки сут, жун ва тери берувчи жонивор сифатида ҳам фойдаланишган.

Шаҳзод:

Түялар, уйинг қайда, түялар?
Бувам айтди, хўй, дейди.
Домич тўним қўй, дейди.
Оқсанойга бор, деди.

Оқсаройнинг неси бор?
Учар-учар қуши бор.
Учди-кетди ҳавога,
Борди, тушди дарёга,
Дарё сувин қуритди.
Ҳасан-Ҳусан уришди,
Қора қонга ботишди.
Қора қонни ким ювар?
Кириң келтир, ювай,
Олтин сочинг ювайин,
Олтин сочинг ювмаса,
Қонга жавоб берайин.
Хоннинг қизи турмади,
Қўл-юзини ювмади.
Хонга салом бермади,
Салом бердик, жон оға.

Тарбиячи: Баракалла, болажонлар, сизлар тuya ҳақида кўп шеър билар экансиз. Туялар қатори отлар ҳам жуда катта афзалликларга эга. Инсон отни хонакилаштирап экан, унинг бир қанча ишларни бажаришга мослаштирилган зотларини яратган. Аммо барча от зотларини 2 га бўлишади: биринчиси, миниладиган ва иккинчиси, қандай номланади?

Парда: Юк тортадиган отлар.

Тарбиячи: Отнинг асосий сифати нима?

Беҳзод: Отнинг елдай югуриши ва чопқирлигидадир.

Тарбиячи болаларга машиналар кашф этилгунга қадар мана шу отлар узоқни яқин қилиб, юкларни ташиб, ҳатто қайиқлар, асосан, дарё ва каналларда баржаларни тортишда фойдаланилганлиги ҳақида ҳикоя қилиб беради. Отларни яна қаерда кўпайтиришади?

Беҳруз: Отларни ҳарбий қисмларда кўпайтиришади.

Тарбиячи: Тўғри, болажон, ҳарбий қисмларда отларни кўпайтириб, чегарачилар уларни миниб, чегараларни қўриқлашади. Қадимдан одамлар отдан асосий озиқ-овқат манбаи сифатида фойдаланганлар. Унинг гўшти жуда фойдали озуқа ҳамда шифобахш. Қани, ким айтади, отнинг боласини нима дейди?

Мафтуна: Тойчоқ.

Тарбиячи болаларга тuya билан бўталоқ ва от билан тойчоқнинг бир-бирига ўхшаш томони юк ташишида эканлиги, бироқ тuya секин юриши, от эса тезроқ югуриши, шунингдек, отлар ҳар хил рангда бўлиши ҳақида тушунчалар беради (оқ, қора, сарик, малла ва холли отлар).

1. От каттами, тuya? (*Tuya.*)

Мақол: От йигитнинг қаноти.

От ойлигин ўйлар, тuya йиллигин.

От тепкисини от күтарида, той тепкисини той күтарида.

Парда: От чопса гумбурлаб тоғнинг дараси,
 Майдонда билинар марднинг сараси.

Тарбиячи машғулот давомида болаларга берган билимларни хуласалаб, якунлайди.

**Маөзу. Эчки билан улоқ, қўй билан қўзичоқ ҳақида
тушунча бериш**

Машғулот мақсади: Болаларнинг табиат борасидаги билимларини аниқлаб, уларга уй ҳайвонларидан қўй ва эчки ҳақида тушунча бериш, уларнинг ҳаёт тарзи, озиқланиши ва фойдали томонлари ҳақидаги билимларини кенгайтириш.

Машғулот жиҳози: Эчки билан улоқ, қўй билан қўзичоқ суратлари, юмшоқ ўйинчоқлар.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болалардан уй ҳайвонларидан қайсиларини билишларини сўрайди (қўй, сигир, эчки, от, қуён...), сўнгра қўй ва эчки тўғрисида суҳбатлашади. Қўй ва эчки қадим-қадимдан ота-боболаримиз томонидан боқиб келиниши, уларнинг қўлга ўргатилиши инсон учун катта аҳамиятга эга эканлиги ва инсонни гўшт, ёғ, сут, кийим-кечак ва пойабзал билан таъминлаши тўғрисида гапиради. Қўй гўштининг мазалилиги, тўйимлилиги, сутидан эса пишлоқ, қатиқ ва бошқа маҳсулотлар тайёрланиши, терисидан эса иссиқ пўстин ёқалари ва қулоқчин тайёрланиши, шунингдек, қўй терисига яхшилаб ишлов берилса, ажойиб пойабзал бўлиши ҳақида гапириб ўтади. Қўйнинг боласи нима деб аталади? (*Қўзичоқ.*)

Топишмоқ:

Кичкинагина бўйи бор — жингалак пўстин тўни бор. (*Қўй.*)

Шеър:

Чўпон билан туну кун,
Чўлда юрганим учун.
Шунчалар мўл-қўл бўлди.
Сизга совғам сут ва жун.

Тарбиячи: Қани, болажонлар, эчки ҳақида ким шеър айтиб бера олади?

Зебо:

Гарчи соқолим узун,
Кўйга ўхшайман ўзим.
Ўз ҳолимга қўй чўпон,
Кирларни кўрсин кўзим.

Тарбиячи: Тўғри, болажонлар, эчкилар баландга эпчил сакрайдилар, уларнинг боласи улоқча, деб номланади. Улар эпчиллигидан ҳатто дарахтлар ва уй томларига ҳам чиқишилари мумкин.

Саволлар:

1. Шоҳ эчкида бўладими, қўйдами? (Эчкида.)
2. Қўй ва эчкининг ўхшаш томонлари. (Иккаласи ҳам жун билан қопланган.)
3. Қўйда дум бўладими? (Йўқ.) Эчкида-чи? (Бор.)

Тарбиячи болаларга қўй ва эчкининг озиқланиши ҳақида гапирав экан, улар ўт, беда, ем, арпа, кунжара каби маҳсулотларни истеъмол қилишларини таъкидлайди. Сўнгра болаларга «Икки эчки» эртагини сўзлаб бериб, савол-жавоб ўtkазади, болалар билимини хуласалаб, машғулотни якунлайди.

Мавзу. ЁВВОИ ҲАЙВОНЛАРДАН – АЙИҚ ВА ЙЎЛБАРС БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Машғулот мақсади: Болаларнинг табиат тўғрисидаги билимларини аниқлаб, ёввойи ҳайвонларнинг ҳаёт тарзи, тузилиши ва ўзига хос хусусиятлари билан таништириш.

Машғулот жиҳози: Айиқ ва йўлбарс тасвиirlанган суратлар, тоғ ва ўрмон манзаралари тасвиirlанган суратлар.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болалардан ёввойи ҳайвонларидан қайси бирини билишларини сўрайди. Сўнгра айиқ ва йўлбарс ҳақида суҳбат уюштиради:

- Айиқ ва йўлбарсларни уйда боқса бўладими?
- Йўқ, чунки улар ўрмон ва тоғларда яшайдиган йиртқич ҳайвонлар сирасига киради.

— Ҳозирги вақтда бу нодир ёввойи ҳайвонларнинг сони камайиб кетганлиги сабабли ҳам «Қизил китоб»га киритилган. Айиқ ва йўлбарсларни бошқа ёввойи ҳайвонлар каби, фақат ҳайвонот боғларида учратишимиш мумкин. Айиқларнинг жуни узун ва сийрак бўлиб, мўйнаси оч рангда товланади. Ҳатто тирноқларининг оқ рангда бўлиши батъзи қўнғир айиқлардан фарқ қиласи. Шунинг учун ҳам айиқлар оқ тирноқли қўнғир айиқ деб аталади. Ўлкамизда айиқларнинг уч тури: оқ, қора ва қўнғир турлари яшайди. Айиқнинг бош қисмида иккита қулоғи, икки-

та күзи, бурун тениклари ва оғзи жойлашган, тишилари ўткир бўлиб, ҳар қандай қаттиқ овқатни ҳам сяверали. Айиқнинг бурни ҳидни яхши сезади. Қулоқлари доимо «динг» бўлиб, ҳар қандай шарпадан огоҳ. Айиқларнинг танаси катта, бесўнақай бўлишига қарамай, тез ва чаққон югуралди. Эпчилик билан дараҳтларга чиқаши, сувда сузишда ҳам моҳир.

Кўнғир айиқлар одамлар учун хавфесиз бўлиб, фақат жароҳатланганда ҳужум қилади. Уяларини одам оёғи етмайдиган горларда, дараҳт ковакларида, харсангтошлар ва баъзан қалин бутазорлар орасига, оғзини шамолига тескари қилиб қуради. Айиқ қиши фаслида чуқур уйқуга кетади ва ёз давомида организмида йиққан ёғларни истеъмол қилиб, фордан чиқмайди, шу сабабли, овчилар уларни топа олишмайди. Айиқлар гўшт, баъзи бир ўсимликлардан ташқари асални жуда хуш кўрадилар, ёввойи асалариларнинг уясини топиб, асалини еб, уясини бузиб кетадилар.

Фарида: Айиқ асал ялади, асалари талади.

Тарбиячи «Айигим» шеърини ўқиб беради.

Айигим бор қўнғир тус,
Алпон-талпон юради.
Дараҳтларни оралаб,
Баъзан ҳиллаб кўради.
Қайда ковак бор бўлса,
Титкилайди, қўймайди.
Очиофатдай ёпишиб,
Асал ейди, тўймайди.
Боларилар таласа,
Ишга солар панжасин
Ерга ётиб, думалаб,
Ўлдиради анчасин.
Хай-ҳайлайман шунда мен.
Чақирганча ёнимга.
Боларига тегма, деб
Шерик қилгум нонимга.

Айиқларни ва йўлбарсларни ҳайвонот боғидан ташқари цирк аренасида ҳам учратамиз. Ўргатувчилар уларга велосипед минишни ва бошқа ҳар хил машқларни бажаришни ўргатадилар. Йўлбарсларнинг ҳам яшаш жойлари ўрмонда, тоғларда. Йўлбарс терисининг йўл-йўзлиги унинг ўзи яшаётган жой рангига мувофиқ бўлишида. Йўлбарс терисининг бу ранги узоқ даврлар мобайнида шаклланган. Йулбарс яшаётган ерда қуёш нурлари ерни турлича ёритади: тоҳ тўқ яшил, тоҳ оч яшил, тоҳ жигар ранг ёки қора

соялар пайдо бўлади. Йўлбарс терисидаги тарамлар ҳам шунга монанд тусда бўлади. Йўлбарс жуда йиртқич ҳайвон бўлиб, у билан ёлғиз учрашиш жуда хавфли. Лекин бизнинг кундалик ҳаётимизда йўлбарсга ўхшаган чаққон, зийрак, ҳид билиш қобилияти жуда ривожланган, сёқлари бақувват, панжа тирноқлари жуда ўткир бир ҳайвон борки, унинг номи нима? (Мушук.)

Тўғри, йўлбарснинг тузулиши мушукка ўхшайди, чунки у мушуксимонлар оиласига мансуб. Ўрмонларда, тоғларда, дала-дашт, чакалакзорларда ўзидан кучсизроқ ҳайвонлар, қушлар ва бошқа нарсалар билан озиқланади. Йўлбарснинг мушукдан фарқи нимада? (Мушук йўлбарсдан анча кичкина.)

Машгулот сўнгидаги тарбиячи болаларга «Айиқ ва йўлбарс» эртагини сўзлаб беради ва болалар билан савол-жавоб ўтказиб, машгулотда олган билимларини холосалайди. «Айиқлар асал емоқда» ҳаракатли ўйинини бажарадилар.



Мавзу. ХОНАКИ ГУЛЛАРДАН – ХИТОЙ АТИРГУЛИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Машгулот мақсади: Болаларнинг табиат тўғрисидаги билимларини аниқлаб, хитой атиргули ҳақида, унинг тузилиши ва парваришта муҳтожлигини болалар онгига сингдириш.

Машгулот жиҳозлари: Гултувақдаги хитой атиргули, гул суратлари, рангли қофоз қирқимлари.

Машгулотнинг бориши: Тарбиячи болаларни гурӯҳ табиат

бурчагига бошлаб боради, у ердаги гулларни биргаликда парвариш қилишади ва хитой атиргули ҳақида суҳбат уюштиради. Болаларнинг кактус, фитус, алоэ, герань ва аспарагус, бегония каби гулларни танишларини аниқлайди.

— Уйларимизнинг, боғчамиздаги гуруҳларимизнинг, кӯчаларимизнинг, боғларимизнинг кўркига кўрк қўшадиган гуллар сафида хитой атиргули ҳам бор. Хитой атиргулининг бошқа гуллардан фарқи дараҳт каби ўсишида, унинг бақувват шохлари, новдалари, барглари ва тўқ қизил рангдаги жуда чиройли гуллари борлигидадир. Хитой атиргули қайси дараҳтга ўхшайди?

— Тут дараҳтига ўхшайди.

Тўғри, хитой атиргулининг танаси ва барглари ҳам тут дараҳтига ўхшайди. Фарқи — гулида. (Тутнинг гули қуртга ўхшайди.) Хитой гулининг икки тури бор. Фарқини очиладиган гулидан аниқлаш мумкин: Биринчисининг гули қават-қават бўлиб очилади ва кўп қун туради, иккинчисининг гули бир қават очилиб, бир-икки қун туради. Барги тут баргига нисбатан бир оз юпқароқ бўлади. Хитой атиргули уйларда қаламчалар ёрдамда кўпайтирилади.

Табиат бурчагидаги гулларни парвариш қилишни тугатиб, болалар столларга ўтиради ва олдиндан қирқиб, тайёрлаб қўйилган рангли қофозлар қирқимларини оқ қофозга елимлаб, хитой атиргулини аппликация қиласидилар.

Тарбиячи уларнинг маҳоратларини баҳолаб, рағбатлантириб, машғулотни тугатади.

Мавзу. ТАБИАТ ҲОДИСАЛАРИДАН – ҚОР ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Машғулот мақсади: Болаларнинг табиат борасидаги билимларини аниқлаб, қор ва унинг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш, қиши фаслининг фусункорлигини болаларга етказиш.

Машғулот жиҳози: Идишларда қор, муз, сув, қиши фасли акс эгтирилган рангли расмлар.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болалар билан қиши фаслига оид ҳодисалар ҳақида суҳбат уюштиради (Қаттиқ совуқ тушади, қуёш нурлари совийди, қор ёғади, дараҳтлар баргини тўкиб, уйқуга кетади, уларни қор қоплайди.) Болаларнинг билимларини холосалаб, уларнинг диққатини қиши фаслида ёғаётган қорнинг рангига қаратади. (*Oқ.*)

1. Пахтадек юмшоқ, момиқ,
Күлга олсангиз совуқ,
Айтинг-чи, бу нимадир? (*Kop.*)

— Тұғри, қор. Паҳтадек юмшоқ ва оппоқ бұлғанлиги билан жуда ҳам союқ экан. Қиши биринчи қаерларга тушади ва қор ёғади? (*Төңіларда.*)

2. Күриниши зарга ўхшар,
Ерга сингиб, парга ўхшар. (*Kop*).
 3. Туси оппоқ, пахта эмас,
Фирчиллайди, тахта эмас. (*Kop*).
 4. Беш оға-ини, күраси бир,
Хонаси бошқа. (*Kylkon*)
 5. Ўтда ёнмайди, сувда ботмайди. (*Muz*).

Қор ва муз ҳақида жуда күп маълумотга эга экансизлар. Қорлар юлдзча ва гулга ўхшаш шаклга эгадир. Қаттиқ соvuқ бўлганда қорлар қуруқ бўлади, бундай қор устида юрганда, «гарч-гарч» деган овоз чиқади. Ҳаво илиқ бўлганда, қор ёпишқоқ ҳолда ёғади ва тез ивиб, эрийди.

Парда: Қиши кечаси гувиллар шамол,
Далада қор, қүш инида қор.
Инграп оғриқ каби қары тол.
Ойналарни безар қиши — гүлкор.

— Ҳақиқатан ҳам, қишиң күнлари ва түнларида совуқ қаттиқ бўлганда ойналарда қорлар музлаб, ҳар хил гуллар ва юлдузчалар пайдо бўлади. Қишида қор остида қолиб кетган экин, ўсимлик уруғлари заарсиз туради, музламайди, чиримайди. Қор сувлари ернинг ташналигини қондириб, далалардаги экинларнинг келгусида мўл ҳосил бернишига хизмат қиласди. Қор ёғаётган пайтда катта ёки кичик жажмда бўлиб, енгил учиг ёки шиддат билан нам аралаш ёфиши, қорбўрон бўлиб ёфиши мумкин. Ҳаво жуда совуқ бўлса, қор музлаб қолади ёки қорни қўлимизга олганимизда тана ҳароратимиз таъсирида эрий бошлияди. Қор кўп ёққандада болалар завқланиб, яхмалак ўйнашади, чана ва чанги учиг, қувнашади. Қиши келиб қор ёғиб турганда, бизлар ям-яшил арча атрофида янги йилни нишонлаймиз.

Үрол: Етар шунча ёққанинг,
Узоқ дала, қирга бор!
Улар сени кутмоқда,
Хар заррангга бўлиб зор.

Сарвиноз: Гуппа-гуппа ёғар қор,
Гўё кўкда ини бор.
Толлар оппоқ, ер оппоқ,
Шоҳ, новдалар аргимчоқ.
Қарға «қаф-қаф» этади,
Кўнглини чоғ этади,
Ол олчангни эй, Фиёс.
Чана учмоқ қандай соз.
Майли вақти кўп ёғсин,
Тўхтатмасин, хўп ёғсин.
Келганида Навбаҳор,
Сув бўлади бегубор.

Тарбиячи болалар билан шеърда ифодаланган қиши тасвирини таҳдил қиласди ва хуносалайди, машгулот охирида боғча ҳовлисига чиқиб, яхмалак ўйнашади.

Мавзу. МЕВАЛИ ВА МАНЗАРАЛИ ДАРАХТЛАРНИ ТАҚҚОСЛАШ

Дастур мазмуни: Улкан экологик тизимнинг бир бўлаги бўлган дараҳтларнинг фарқини болаларга ўргатиш. Мевали ва манзарали дараҳтларнинг табиатда, одамлар ҳаётида тутган ўрнини болаларга тушунтириш. Миллий ва умуминсоний қадриятлардан бири бўлган табиатга ҳурмат ва эҳтиром ҳиссини болаларда шакллантириш.

Жиҳозлар: Мевали ва манзарали дараҳтлар муляжлари, гербарийлар, мевалар муляжлари, дараҳтлар ва мевалар суратлари.

Машгулотнинг бориши:

Тарбиячи: Болажонлар, бугун сизлар билан она табиатимизнинг, гўзал Бойсунимизнинг, қолаверса, боғчамизнинг кўрки бўлган дараҳтларимиз ҳақида гаплашамиз.

Хар бирингизнинг ўйингизда боболарингиз, дадаларингиз яратган боғи бор. Айтинглар-чи, ўша боғларда ўсадиган қайси дараҳтларни биласиз?

Болалар: Терак, гол, чинор, арча, қайрагоч, бодом, ёнгоқ, олма, бодом.

Тарбиячи: Тұғри, болажонлар, бу дараҳтлар бизлар яшайди-
ган жойларда әнг күп ўсағынан дараҳтлар сарасына киради. Ай-
тинглар-чи, болажонлар, бу дараҳтларни яна қаерда құргансиз-
лар?

Болалар: Күчаларда, боғларда, паркда, боғчамизда.

Тарбиячи: Тұғри айтингизлар, болажонлар, машүлотимиз
бошида мен сизларга «Мевали ва манзарали дараҳтларни ўрга-
намиз», деб айтдым, сизлар-чи, буларнинг фарқини биласиз-
ларми?

Болалар: Манзарали дараҳтлар үйимизни, күчамизни, боғ-
чамизни, боғларимизни, шаҳримизни, тоғларимизни чиройли
қилиб туради.

Тарбиячи: Бу дараҳтлар мева берадими, болажонлар?

Болалар: Йўқ. Бу дараҳтларда мева йўқ. Меваларни олма,
нок, гилос, ёнгоқ, писта, бодом, дараҳтлари беради.

Тарбиячи: Тұғри, демак, арча, терак, тол, қайрағоч, чи-
нор дараҳтлари мева бермайди. Лекин барибир уларнинг бизга
фойдаси бор. Улар атроф-муҳитни чиройли қилиб туришади.
Бу дараҳтларнинг яна қандай фойдали томонларини биласиз?

Болалар: Улардан ҳар хил буюмлар ясашади, уйлар қуришади.

Тарбиячи: Тұғри, болажонлар, улар мева беришмайди. Ле-
кин бу легани, кесиб нобуд қилиш дегани эмас. Чунки улар
атроф-муҳитдаги чангни ўзларига ютиб, сиз билан биз на-
фас олаётган ҳавога жуда күп миқдорда кислород етказиб
беради. Ундан ташқари, ёз кунларининг жазира машиналарида
қанчадан-қанча одамларимиз сояды салқинлайдилар.
Манзарали дараҳтларни эса қачон бизлар кесиб ишлатиши-
миз мумкин?

Болалар: Опажон, қачонки дараҳтлар қуриб қолса, уларни
кесиб бизларга керакли бўлган буюмлар ясаш учун ишлатиля-
ди, шунда ҳам битта кесган дараҳтимиз ўрнига ўнта дараҳт экви-
шимиз керак.

Тарбиячи: Баракалла, болажонлар. Уй қуришда дараҳтлар-
дан фойдаланамиз, дедингизлар, бу мақсадда қайси дараҳтлар
ишлатилади?

Болалар: Терак, тол, арча.

Тарбиячи: Тұғри, болажонлар. Терак дараҳти тез ва тұғри
ўстганилиги сабабли, ундан уйлар қуришда фодаланамиз. Тол
дараҳтидан эса бешик ва рўзгор учун керак бўлган бошқа бу-
юмларни ясаймиз. У буюмлар билан ҳаммангиз танишсизлар,
гурӯҳ хонасида улар бор. Лекин арча дараҳтини ўстириш жуда

ҳам қийин, қўпинча тоғда ўсади, ҳавони алмаштириб беришда унинг ўрни бекиёсдир. Арча дараҳтини сизлар билан бօгчамизнинг «Қизил китоби»га ҳам киритганмиз, уни асраб-авайлашимиз керак. Арча дараҳтлари ҳақида нималарни биласизлар?

Болалар: Ашула, шеър, топишмоқ ва мақоллар биламиз.

Тарбиячи: Яхши, болажонлар, жуда кўп нарса билар экансизлар. Мен сизларга ҳозир топишмоқлар айтаман, сизлар топинглар.

Топишмоқ: Қишин-ёзин бир хилда. (*Арча.*)

Узун терак, ичи ковак. (*Қамиши.*)

Тарбиячи: Жуда соз, тўғри топдингизлар. Энди олдингизда турган дараҳтлар расми акс этган суратлардан, гербариylардан манзарали ва мевали дараҳтларни бир-биридан ажратинг.

Раҳмат, болажонлар, тўғри бажарибсизлар. Энди менга мевали дараҳтларни номларини айтинглар.

Болалар: Олма, гилос, ўрик, нок, ёнғоқ, тут, шафтоли, бодом...

Тарбиячи: Мевали дараҳтларни жуда яхши билар экансизлар. Нима сабабдан сизлар уларни бунча кўп биласизлар.

Болалар: Бу дараҳтлар ширин, мазали мевалар солади. Биз эса уларни териб, маза қилиб еймиз.

Тарбиячи: Яхши, болажонлар, лекин мевали дараҳтларни ҳам бизлар жуда асраб-авайлашимиз, шоҳларини синдирамаслигимиз керак, тош отишимиз ҳам мумкин эмас. Катталар уларнинг тагини юмшатиб сугоришганда, биз ёрдамлашишимиз лозим. Энди мевали дараҳтлар ҳақида биладиган шеърларингизни айтиб беринг-чи.

Болалар:

1. Лоладек қип-қизилман,
Боғнинг эрка қизиман,
Донларим маржон-марジョン,
Ширин, аччиқ ҳам нордон.
2. Олмадир менинг исмим,
Бираам ёқимли ҳидим.
Неъматлар ичра аъломан,
Етмиш дардга давоман.
3. Исмим нокдир азалдан,
Шириндирман азалдан.
Олтин каби сап-сарик,
Тўним жуда ярашиқ.

4. Шафтолининг шохлари,
Камалакдай эгилган,
Бирдан синиб кетса-чи,
Раҳмим келар жуда ҳам.
Бўлмайди қараб турсам,
Ейишвордим мевасин,
Дараҳтга бериб ёрдам.

Тарбиячи: Болажонлар, сизлар нафақат дараҳтларнинг номларини бир-биридан фарқларини билиб, танир экансизлар, балки улар ҳақида топишмоқ ва шеърлар ҳам билар экансизлар. Сизлар ҳозир ўзларингиз айтиб берган шеърларингизни маъносини, мағзини доимо тўғри чақиб, тушуниб борасизлар, деб ўйлайман. Демак, дараҳтларимизнинг қайси турларига мансуб бўлишларидан қатъи назар, уларнинг илдизларини, новдаларини, таналарини, япроқларини узмасдан, синдирмасдан асраб-авайлашимиз, меваларини эса пишмасдан узмаслигимиз керак. Дараҳтлар ҳақида яна нималарни биласизлар?

Тез айтишилар:

1. Бир туп турпни, тут туртиб турибдими,
Бир туп тутни турп туртиб турибдими?
2. Жамила жийдани жойига жойлади.
3. Ойгул олмани осмонга отди.

Тарбиячи: Болажонлар, тез айтишини ҳам маромига етказиб айтдингизлар. Энди сизлар билан «Баргига қараб дараҳтни топ» мавзусида ўйин ўйнаймиз.

Гербарида берилган барглар қайси дараҳтга тегишли эканлигини топишингиз керак. (Болалар шафтоли, олма, нок, олча, гилос, ўрик, анор, тут, ёнғоқ, терак, тол, арча, қайрағоч каби дараҳтларнинг номларини тўғри топишади.)

Болажонлар, топган меваларингизнинг номларини айтиб, уларнинг ранглари ва шаклларини ҳам биласиз, деб ўйлайман. (Болалар бу саволларга ҳам жавоб топишади, масалан: олма — думалоқ ёки узончоқ бўлади, ранги сарик, кўк, қизил.)

Машгулотнинг яқунида тарбиячи болаларни боғчанинг боғига сайр қилишга ва машгулотни хулосалаш учун олиб боради.



Маєзу. БОҚҚА САЁХАТ. БАРГИГА ҚАРАБ МЕВАЛИ ДАРАХТЛАРНИ АНИҚЛАШ

Машғулот мақсади: Болаларнинг табиат борасидаги билимларини аниқлаб, дараҳтлар ҳақидаги тасаввурларини бойитиш ҳамда дараҳтларнинг бир-биридан фарқлари, фойдали томонларини ўрганиш.

Машғулот жиҳози: Гербарийлар, дараҳт япроқлари, мевалар, дараҳт гуллари.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болаларни боғча боғига сайдрга олиб чиқиб, боғда қандай мевали дараҳтлар борлиги тўғрисида савол-жавоб ўтказади. (Болалар боғда мевали ва мевасиз дараҳтлар борлигини айтишади.) Тарбиячи боғбоннинг боғда сабзавотлар, гуллардан ташқари, мевали ва мевасиз дараҳтларни парваришилаб, етиштиришини болаларга гапириб беради. Болалар боғбонга парвариш ишларига ёрдам бериб, ўсимликларни ўт-ўланлардан тозалаш, дараҳтларнинг куриган шохларини олиб ташлашта кўмак беришга ундейди.

Анвар:

Бог яшнайди бобгон билан,
Дала яшнар дехқон билан.
Уй яшнайди бола билан,
Тоф яшнайди лола билан.

Тарбиячи: Тұғри, ҳар нарсанинг үзига яраша гашти бор. Мана, менинг құлымда япалоқдай ям-яшил барг бор. Қани, ким айтади, бу қайси дараҳтнинг барги?

Парда: Ёнғоқ.

Тарбиячи: Тұғри, болажон, энди топишмоқ топинг-чи.

Күшалоқ товоқ — ичи тұла ёғ.

Шаҳзод: Бу ҳам ёнғоқ.

Тарбиячи ёнғоқ барғига үхаш, бироқ нисбатан кичикроқ баргли дараҳтни күрсатиб, қайси дараҳт эканлигини сүрайди.

Чарос: Гилос.

Шундан сұнг тарбиячи болажонлардан гилос ҳақида шеър айтиб беришларини сүрайди.

Ақмал:

Билурсан отим Гилос,
Суяр мени ҳамма соз.
Мени күрган кишилар,
Үзга мева хоҳламас.

Шириндурман асалдан,
Доридурман азалдан.
Мени севиб еганни,
Кутқазаман касалдан.

Тарбиячи: Эшитдингизми, болажонлар, гилос жуда ҳам фойдалы мева экан. Энди стол устидаги барглардан қайсилари мевали дараҳтларники эканлигини ажратиб күрсатинглар ҳамда уларга оид топишмоқ ёки шеър айтиб беринглар.

Шерзод: Бу барг шафтоли дараҳтиники.

Шафтolinинг турфа рангdir меваси,
Шифо бўлар мағзи, барги, гуллари.
Бу мевани бизга она табиат,
Тортиқ қилди, дори дея йўллади.

Самандар: Олча.

Глюкоза, мой ва оқсил олчада,
Магний, натрий, темир, кальций тузида.
Кўп дардларда даво хислат үзида,
Бемор шифо топур касал кезида.

Шаҳбоз: Олма.

Олмадир исимим менинг,
Бирам ёқимли исим.
Неъмат ичра аъломан,
Етмиш дардга давоман.

Жавоҳир:

Меваларнинг уруғин экиб, асранг ўртоқлар,
Келажакда улардан яратилар гул-боғлар.

Тарбиячи: Баракалла, болажонларим, меваларнинг уругларини экиб, асранимиз лозим. Агар уларни асраб-авайласак, келажакда бундан ҳам кўркамроқ боғ-роғлар яратамиз. Болажонлар, барглар ичидан мевали дараҳтларни жуда тӯғри топдингиз. Кўриб турганингиздек, бу дараҳтларнинг меваси минг дардга даво экан. Болажонлар, сизлар мақол ва тез айтишлар ҳам биласизларми?

Парда: Бир туп тут эккан киши — юз йил гавхар теради.

Лола: Дараҳт япроғи билан кўркам — одам меҳнати билан кўркам.

Камола: Носир новвоти нокни олди — новвоти нокни Носир олди. (*Тез айтиши.*)

Тарбиячи болаларга «Боғчамиз боғида» шеърини ёд олдиради.

Боғчамизнинг боғида,	Сават-сават тердик биз,
Меҳнат қилдик ҳаммамиз.	Узум, шафтоли, анор.
Нақд олтин куз чоғида,	Ҳосилидан ёруғ юз,
Пишди беҳи, олмамиз.	Диллар яйраб қувонар.

Шунлан сўнг болажонлар «Ҳамма тезда ўз баргига» ҳаракатли ўйинини бажариб бўлгач, боғдаги дараҳтлар ва гулларга сув қўйишади ва тагини юмшатишади.

Машғулотнинг якунида тарбиячи болаларни боғчанинг боғига — сайрга ва машғулотни хулосалаш учун олиб боради.

МАВЗУ. СУДРАЛИБ ЮРУВЧИЛАРДАН ИЛОН ВА КАЛТАКЕСАК БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Машғулот мақсади: Болаларнинг табиат тӯғрисидаги билимларини аниқлаб, болаларга судралиб юрувчиларнинг ҳаёт тарзи, ташқи кўриниши, хатти-ҳаракати, тана тузилиши ва ривожланиши ҳақидаги билимларини кенгайтариш.

Машғулот жиҳози: Илон ва калтекесак суратлари.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болаларга ота-боболаримизнинг қадим замонлардан турли ҳайвонларни қўлга ўргатишганига қарамасдан калтекесак ва илон каби жониворлардан ҳамиша қўрқиб келишгани ҳақида гапириб ўтади. Сўнгра илон билан калтекесакнинг яшаш, ҳаёт тарзи ҳақида болалар билан



сүхбат уюштиради. (Болалар илон ва калтакесакларнинг ер ва деворларда учратиш мумкинлигини гапиришади.)

Тарбиячи болаларга илонларнинг турфа турлари борлиги, уларнинг танаси узун бўлиши, тана қисми бош, узун тана ва думдан ташкил топганини айтиб ўтади. (Сариқ илон, чипор илон, оқ илон, кобра.) Шунингдек, тарбиячи илонларнинг инсонларга фойдаси катталиги, шу сабабдан баъзи мамлакатларда илон қўриқҳоналари ташкил этилганлиги ва табобатда улардан кенг фойдаланиши ҳақида батафсил тушунча беради. Илонлардан кобра — қўзойнакли илон машхур бўлиб, унинг терисидан ажойиб ва антиқа буюмлар, заҳаридан эса дори-дармонлар тайёрланиши, жумладан, илон гўшти ва баъзи аъзолари ҳам шифобахш восита сифатида қўлланишини гапириб ўтади.

— Инсонлар илондан нимага қўришади?

Болалар: Чунки чақади.

— Илонлар қаерларда яшайди?

Болалар: Форларда, ер остида.

Тарбиячи: Тўғри, болажонлар, бундан ташқари, дарахт ковакларида, ўрмонларда ва тоғларда ҳам яшашади. Ҳозирда эса айтиб ўтганимдек, маҳсус илон қўриқҳоналарида ҳам топишмиз мумкин. Судралиб юрувчилардан калтакесаклар ҳам илон каби горларда, жарларда яшашади. Уларнинг тана ҳарорати дои-

мий бўлмай, ташқи шароитга қараб ўзгариб ва мослашиб туради. Шу сабабдан калтакесак ва илонлар ўз тана ҳароратини ўзгаришсиз сақлашга уринишади. Эътибор берган бўлсангиз, қишининг совуқ кунларида ва шамолдан қочиб, иссиқроқ жой ва аксинча ёзнинг иссиқ кунларида эса салқин жой қидиришади.

Савол:

1. Калтакесакларнинг тузилиши қандай бўлади? (Калтакесакнинг боши, танаси ва думи бор).
2. Илондан фарқли жиҳати нимада? (Калтакесакларнинг оёқчалари бор.)
3. Сизлар калтакесакларни қаерда кўпроқ учратасизлар? (Деворларда.)

— Тўғри, болажонлар, бизлар доим учратадиган калтакесакларнинг номи гекконлар деб аталади. Улар жуда антиқа бўлиб, боши ва танасининг устида бўртма тангачалар, думи ва бўйни эса уч қиррали тангачалар, дум ости бир қатор қалқонлар билан қопланган, тўқ кулранг ёки қорамтириг рангдаги калтакесаклардир. Уларнинг кўриниши қўрқинчли бўлгани билан хонадонларимизга фойдали томонлари ҳам бор, чунки улар уй ва айвонлардаги пашша, чивин, майдада сувараклар, ўргимчак, кана ва бошқа зааркунанда ҳашаротлардан тозалашади.

Тарбиячи болалар билан савол-жавоб ўтказиб, «Яхшиликка ёмонлик» эртагини сўзлаб беради ва жониворларга нисбатан яхши муносабатда бўлишни болаларга уқтиради ва машгулотни хуросалаб, якунлайди.

ТАЙЁРЛОВ ГУРУХЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР

Мавзу. БУГДОЙ УРУГИНИ СЕПИШ

Дастур мазмуни: Дәхқонлар меңнати билан таништириш, болаларнинг фаллакорлар меңнати ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш. Нон қадр-қиммати ҳақидаги билимларни болалар онгига етказиб, уни эъзозлаш туйғусини тарбиялаш.

Жиҳозлар: Буғдой бошоқлари, ун, элак, жўва, чўмич, ча-кич, рапида, енглик, супра, тандир. Нон — ширмой нон, пи-ёзли нон, лочира.

Машгулотнинг бориши:

Тарбиячи: Буғдой олиб сараланади, куритилади, шудгорланган ерга буғдой уругини дәхқонларимиз экадилар. Буғдойни дәхқон баҳор, ёз, куз фаслларида етиштиради. Буғдой униб-ўса бошлайди. (Тарбиячи болаларга майса буғдойни кўрсатади.) Буғдой гуллаб, бошоқ тугади ва олтин каби етилади. Буғдой ўриб олингандан сўнг заводларда, тегирмонларда ун қилиб тортилади, қопланади ва нон заводларига юборилади.

Заводларда, новвойхоналарда ишлайдиган новвойларимиз биз ҳали ширин уйқуда бўлганимизда, ширин ва мазали нонларни ёпиб, бизларга етказадилар. Болажонлар, кўрдингизми, биз ҳар куни севиб истеъмол қиласидиган нонимиз учун қанча меңнат сарф қилинар экан. Қани, бизларга ширин нонларни етказиб берётган дәхқонларимиз ва новвойларимиз меңнати ҳақидаги биладиган шеърларимизни айтамиш:

Камола:

Қадоқ қўлли дәхқонлар
Терлар тўкиб экишган.
Шу сабабли ҳар бошоқ
Олтин бўлиб етишган.

Сарвиноз:

Ҳар уйда хизмати бор,
Яша азиз фаллакор.
Оппоқ ноннинг ҳурмати,
Фалла юртнинг ҳурмати.

Азиз:

Инсон нонни яратар,
Нон инсонни яшнатар.
Нон күнгилга ҳеч тегмас,
Энг азиз, энг муқаддас.

Тарбиячи: Азиз болажонлар, қаерда бўлмайлик дастурхон ёзётганимизда кўз ўнгимизда дунёда барча ноз-неъматлардан один нон, табаррук нон келади ва биринчи навбатда, бир жуфт нонни дастурхонга қўямиз. Болажонлар, дастурхонга яна нималарни кўяр эдик.

Болалар: Конфет, шоколад, ҳолва, асал, ёнгок, бодом, қаймок, сариёф, овқат...

Тарбиячи: Ҳа, болажонлар, дастурхонга қўядиган ноз-меъматларимиз жуда кўп экан, лекин дастурхонимизда уларнинг бирортаси бўлмаса, билинмаслиги мумкин, фақат бир нарса борки, у бўлмагандага дастурхонимиз жуда камбағал бўлар эди. Қани, топинг-чи, у нима? (*Нон.*)

Ҳа, болажонлар тўғри топдингиз, нонсиз ҳаёт йўқ.
Болажонлар, нон ҳақида ашула айтамизми?

Болалар: «Нон ёпганда» деган ашулани айтишади.

Ашула:

Нон ёпганда, нон ёпганда,
Менинг ойим, менинг ойим.
Иссиқ кулча, иссиқ кулча,
Ёпар доим, ёпар доим.
Кулча жуда мазали,
Седанали, жizzали,
Еган сайин егим келар,
Раҳмат ойи, дегим келар.

Тарбиячи: Болажонлар, кўрдингизларми, нонни улуглаш азал-азалдан ота-боболаримиздан давом этиб келмоқда. Нонни табаррук билиб, унинг ушоғи ҳам ерга тўкилса, дарров териб олишимиз керак. Чунки ноннинг ушоғи ҳам нон.

Қани, болажонлар, нон ҳақида ким қандай топишмоқ ёки мақол билади?

Мақоллар: Мехнат қилсанг — дон бўлур, донни янчсанг — нон бўлур.

Баҳорда ҳаракат — кузда баракат.

Бирин сочсанг — минг берар элга.

Нон ердан унади, куч нондан ҳосил бўлади.

Топишмоқлар: Ҳар кун еб туралы, соғ, яшнаб, ўсамиз, Ерга тушса күтариб, кўзимизга суртамиз.

* * *

Кекса-ю ёш, уни деб
Тер тўкишар ўйласак.
Ким нима дер,
Биз уни ҳўллаб отиб ўйнасан.

Ҳар кичик ушоқ ҳам нон,
Ҳеч тўкиб сочмайлик.
Нон — ширинлик, нон — ҳаёт,
Тугамас баҳт ва бойлик.

Тарбиячи: Раҳмат, болажонлар. Нон ҳақида шунча шеър, ашула, мақоллар ва топишмоқлар билар эқансизлар. Нонни қанчалик меҳнат ва қийинчиликлар эвазига бунёд бўлишини, ҳозир ўзимиз тажриба қилиб кўрамиз ва албатта, бундан кейин ҳам дастурхонимиз кўрки бўлган нонни авайлаб, эъзозлаймиз.

(Тарбиячи болалар билан биргаликда гуруҳ майдончасига чиқиб шудгорлаб, тайёрлаб қўйилган ерга буёдой уруғини сепиб, гуруҳга қайтиб келишади. Бу ерда тарбиячи, болалар билан биргаликда унни элаб, хамир қориб, пишириб, дастурхонга тортгунча бўлган жараённи болалар билан биргаликда бажаради. Ошхонада пишириб келишган нонни тушликда дастурхонга тортиб, истеъмол қилишади.)

Мавзу. гул кўчатларини полизга ўтказиш

Машғулот мақсади: Болаларнинг табиатга оид билимларини аниқлаб, баҳор фасли тўғрисидаги тушунчаларини бойитиш, кўкламда табиат ўйғониши ва бу даврда кўчат экиш, парварицлаш ишлари авж олишини тасавурларида шакллантириш. Болаларга хона ўсимликларига оид тушунча бериш (фікус, Хитой атиргули, гуллар баргини катта-кичиклиги, уларнинг номи билан танишириш, баргларни қандай парваришлашни ўргатиш). Жамоа бўлиб меҳнат қилиш афзалликларини тушунтириш.

Машғулот жиҳози: Тувакда фікус, Хитой атиргули, кетмон ва хаскаш.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болаларга гулларни кўрсатиб, номланишини айтади (фікус, Хитой атиргули). Унинг дарахтга ўхшаши, пояси баланд ўсиши, барглари калта, шакли тухумсимон, ранги тўқ яшил бўлиши ҳақида тушунча беради.

— Қани, болалар, унинг баргини ушлаб күринг-чи! У қанақа экан? (Барги силлиқ ялтироқ.)

— Тұғри, болалар. Бу гулнинг номи Хитой атиргули. Пояси қінғир-қийшиқ, у катта тут дараҳтига үхшаб шохлари узун-узун барғи билан күркемдир. Баргининг ранги оч яшил рангда бўлиб, қизил рангда гуллайди. Очилган гули бир неча кунгача туриб, қизил, пушти ранг, сариқ бўлади.

Тарбиячи болаларни бօғча бօғига сайр уюштириб, бօғбон билан суҳбат ўтказади.

Бօғбон бобо: Қани, болажонлар, олиб келган гул күчатларимизни экишга ёрдам берасизларми?

Болалар: Ҳа, бобожон. Мана шу ариқчаларга гул күчатларини экиб чиқамиз, теша билан тупроқни яхшилаб соламиз ва сугорамиз. (Ҳар бир ҳолат кўрсатилади.)

Тарбиячи: Болажонлар, сизлар билан гуллар ҳақида суҳбатлашиб олдик. Келинглар, сизларга улар ҳақида шеър айтиб берайин:

Мен лоламан, лоламан,
Ёқутдай пиёламан.
Зумраддир япроқларим,
Олтингдан тупроқларим.
Қисқаси, мен зўр гулман,
Сотсангиз, роса пулман.

Анвар:

Бойчечагим турар тик,
Барглари яшил, тетик.
Унинг рангги сариқ, оқ,
Бошида кумуш япроқ.

Тарбиячи болалар билан «Гуллар ўсајати» мавзусида расм чизади. Доскада кўргазма тарзида расм осилган.

Тарбиячи болаларнинг расмларига йўналиш бериб, хулосалайди, сўнгра Рауф Толибининг «Гуллар ва шамол» эртагини сўзлаб беради.

— Қадим замонларда бир-биридан хушбўй гуллар бор экан, тонг чогида майнин шабада эсганда улар аста-секин тебранишиб, рақсга тушар экан. Қуёш бобо кўкда жилмайиб кўринганда гуллар янада очилиб кетар экан. Йўловчиларнинг уларга ҳаваслари келар, бироқ улар ўртасидаги баҳсадан ҳеч кимнинг хабари йўқ экан.

— Гуллар ичидаги сараси ўзимман, — дебди олтингдай ярақлаган сариқ гул товланиб, — шуъла сочишда қуёшга үхшайман, шунинг учун қуёшнинг менга ҳаваси келади.

Гулсапсар бу гапларни эшитиб, чидаб тура олмади.

— Бу ерда биз ҳам бормиз. Одамлар бизга бекорга қарашибайди.

— Гүзалликда танҳо мен ўзимман, — дебди Пуштигул.

Атиргул бу гапларни эшитиб, юзлари қип-қизил бўлиб кетибди, Райҳон эса уялганидан ўзини гуллар панасиға тортибди. Шу пайт дарё томондан эсган шамол боғга кириб келибди-да, гулларнинг гапларини эшитибди ва ҳайрон бўлибди.

— Гулларжон, — дебди шамол, — айтинг-чи, ким ўзини мақтайди. Наҳотки сизлар уялмасангизлар?

Гуллар жим бўлиб қолишибди.

Бир-бирингизга «мен чиройлиман», деб гал бермайсиз-а! Райҳонга қаранг, у хунукми?

Ҳамма Райҳонга ялт этиб қаради. Мақтовга ўрганманган Райҳон қимтиниб, яна ҳам ўзини панага олибди.

— Тўғри, — дебди шамол, — у бир оз кўримсиз, лекин хушбуйликда сиздан қолишмайди. Сизларга айтсан, ҳар бирларингизни ўз ўрнингиз бор. Унумтманги, мақтаниш яхшиликка олиб келмайди.

Гуллар оҳиста тебранишиб, шамолнинг гапларини тасдиқлашибди. Шамол ҳам хурсанд бўлибди-да, уларнинг хушбуй ҳидини узоқ-узоқларга олиб кетибди.

Тарбиячи болалар билан «Боғбон ва гуллар» ҳаракатли ўйинини ўйнашади.



Мағзуз. мусича, чумчук, каклик билан таништириш

Машғулот мақсади: Болаларнинг табиат түғрисидаги билимларини аниқлаб, Ўзбекистонда куз фаслида яшовчи қушлар түғрисида маълумот бериш, қушлар ҳақида тасаввурларни бойитиш, уларни парваришилаш ва асрарга ўргатиш.

Машғулот жиҳози: Қуш ини, мусича, каклик расмлари, ранги фотосуратлар. Табиатга сайр машғулот сифатида ўтказилади. Унда қушлар яшаш тарзи, озиқланиши кузатилади.

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: Болажонлар, Сиз қушларни яхши биласиз, ҳозир мен сизларга уларнинг расмларини кўрсатаман ва номларини айтасиз. (Болаларга тарбиячи қушларнинг расмларини кўрсатиб, уларнинг жавобини тинглаб, билимларини бойитишига ёрдам беради.)

Болалар билимларини мустаҳкамлаб олишлари учун «Учди, сакради, чопди» ҳаракатли ўйинини ўйнашади.

Тарбиячи: Ҳозир ўлкамиизда қайси фасл?

Болалар: Куз фасли.

Тарбиячи: Мана бу расмда куз фасли тасвиirlанган. Атрофимиздаги дараҳтларга эътибор беринг. Кузда уларнинг барглари сариқ тусга киради. Сабзавотлар, мевалар фарқ пишади. Бу фаслда узоқларга учеб кетган айрим қушлар яна ўлкамиизга келиб, мақон қурадилар. Қани, болажонлар, иссиқ ўлкаларга учеб кетмайдиган қушлар номини ким билади?

Мағтуна: Мана бу дараҳтдаги қушнинг номи — чумчук. У бизнинг ўлкамиизда куз ойларida ҳам яшаб қолади.

Тарбиячи: Баракалла, сен бу қушни яхши билар экансан. Мен сизларга қушлар ҳақида шеър айтиб бераман.

Мусича мўмин экан,
Ўзича эркин экан,
Чумчук келди пир этиб,
Шамол елди, гур этиб,
Олиб кетди донини,
Ризқи рўзи нонини.

Сайиид:

Мен қушларга дон сепдим,
Учib келди ғужурлаб.
Чўқилашиб донларни,
«Раҳмат», деди чугурлаб.

Тарбиячи: Ана, болажонлар, қушлар шундай қилиб аста-секин инсонларга дўст бўлиб қолишиади. Табиатни севиш, ундаги ҳамма жонзотларни, шу билан бирга, қушларни парвариш қилиш лозим. Қани, болажонлар, яна ким қушлар ҳақида шеър билади?

Фарангиз:

Мен чумчук ҳат ташувчи,
Эшик чертаман: тақ-тақ.
Шамол бирла учувчи,
Мактуб бор сизга фақат.
Олиб келдим ҳат-хабар,
Эшик очинг, тақ-тақ.
Суюнчини чўзинг-да,
Сизни қиласай хушчақчақ.

Тарбиячи: Азиз болажонлар, биз қушлар ҳақида қанча шеър, қўшиқ, эртаклар айтсан ҳам озлик қиласди, лекин вақтимиз тигиз бўлганлиги сабабли, ҳозир гуруҳга қайтамиз ва табиатда кузатган қушларимизнинг расмларини чизамиз. Шунингдек, картондан уларнинг шаклларини қирқиб ясаймиз. Қушлар ҳақида олган билимларимизни уйга бориб, укаларимизга сўзлаб берамиз.

Тарбиячи болаларни гуруҳ хонасига олиб киради ва болалар қушлар расмини чизадилар. Сўнгра болаларга «Ўзбошимча чумчук» ҳақида шеърий эртакни сўзлаб бериб, биргаликда тарбиявий аҳамиятини таҳлил қилиб холосалайди.



Мавзу. ДАЛА ГУЛЛАРИ – ҚОҚИГУЛ ВА БИНАФША БИЛАИ ТАНИШТИРИШ

Машғулот мақсади: Болаларнинг табиатга оид билимларини аниқлаб, ўсимликларни вегетатив йўллар билан кўпайтириши ҳақила тунунча бериш. Ўсимликларни қаламчасидан, пиззидан, бутасидан ажратиб экишни ўргатиш. Ўсимликлар ўсиши зарур бўлган шароитлар яратишни, гулларни тузилишига қараб таққослашни болаларга ўргатиш.

Машғулот жиҳозлари: Гербарий, рангли фотосуратлар, меҳнат қуроллари (кетмон, белкурак, хаскаш, маҳаллий ўғитлар).

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: Болажонлар, Ўзбекистон табиати ниҳоятда хилма-хил. Табиатда ажойиб нарсалар кўп. Фақат уни кузата билиши керак. Ўсимликларни олиб қарайдиган бўлсак, уларнинг бъазилари намни ёқтираса, бошқалари эса қуруқликни хуш кўришади. Болажонлар, ким менга айтади, ариқ бўйида қандай ўсимликлар учрайди?

Тарбиячи болаларни ариқ бўйига олиб борали. Ариқ бўйида, боғларда, жилғаларда қоқи ўтиши тўғрисида маълумот беради. Қоқи ўтнинг тузилиши, сариқ гули, оқ момиқ шарсимон бошини кузатишади. Бу ўсимликнинг дармондорилик хусусияти, ҳар бир баргларини овқатта ишлатиш мумкинлигини айтиб ўтади.

Бинафшалар очилди,
Чаккангга тақ, чаккангга.
Атир ҳиди сочилди,
Чаккангта тақ, чаккангга.
Лаззат олиб ҳидидан
Боларилар учади,
Ипак қанот капалак
Баргларини қучади.

Зебо:

Ўтган йили баҳорда
Бир гул кўчат ўтқаздим,
Япроқ ёзди, гул очди
Хусн қўшди боғимга.
Тонг шамоли келтирди
Атрини димоғимга.

Лобар:

Баҳор чоғи боғимда
Турли гуллар кулгандা,
Атроф унинг ёқимли
Хиди билан тўлгандা.

Тарбиячи: Баҳорда бинафша, қоқигуллар очилади. Улар табиий ўсимликлардир. Қоқи ўти — доривор хусусиятга эгadir. У инсон саломатлиги учун фойдалидир. Қоқи ўтдан баҳорда кўк сомсалар тайёrlанади. Қоқи ўтни тозалаб, илиқ сув билан ювиб, туз сепиб, истеъмол қилинса, меъда-ичак касалликларига йўлиқмайди киши. (Тарбиячи болаларни табиат қўйнига олиб чиқиб, кўклам кўкатларини теришни ўргатади. Богон ёрдамида болаларга белкуракча, хаскаш каби меҳнат асбобларини ишлатишни ўргатади. Ишлов берилган ерга биргаликда райхон, намозшомгул, гулсапсар, гулбеор каби гул кўчатларини ўтқазишади.)



**Мавзу. ТУТ, ТЕРАК, ЧИНОР, ТОЛ ДАРАХТЛАРИ
БИЛАН ТАНИШТИРИШ**

Машгулот мақсади: Болаларнинг табиатга оид билимларини аниқлаб, дарахтлар тўғрисидаги тасаввурларини кенгайтириш. Манзарали дарахтларнинг одамлар ҳаёти, экалогик тизим, халқ хўжалиги учун аҳамиятини тушунтириш. Мевали дарахтларнинг фойдали томонлари ҳақида тушунча бериш. Болалар онгига табиатни қадрлаш ҳиссини сингдириш ва тарбиялаш.

Машгулот жиҳози: Тут, тол, терак, чинор дарахти расмлари. Тут меваси етиштирилган дарахтлар пилла, қурт, гўза муляжлари.

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: Азиз болажонлар, биз аввалги машғулотимизда мевали дараҳтлар ҳақида сұхбатлашгандик. Бугун эса манзарави дараҳтлар тұғрисида сұхбатлашиб оламиз. Ким манзарави дараҳтларни билади? (Терак, тол, чинор, қайрағоч.)

— Жуда тұғри. Манзарави дараҳт баргларини териб, гербайилар тайёрлагандик. Улар биз нафас олаёттан ҳавони тозалаб беришади. Чиройли манзаравалар касб этиб, руҳий күтаринкилик бахш этадилар. Тут дараҳти ариқ бўйларида, катта плантацияларда экилади. Ипак куртлари тут барги билан озиқланади. Пилла ўрайди. Үндан ипак олиниб, хонатласлар тўқилади. Демак, пилла юртимиз бойлигидир. Пилланинг вужудга келишида эса тут дараҳти ўзига хос ўрин тутар экан. Бундан ташқари, онахонларимиз, бувиларимиз тут майизлар тайёрлашади. Тибиётда эса тут барги ва меваси даъво ҳисобланади.

Болажонлар, ота-боболаримиз терак дараҳтини кўп экишган. Терак дараҳти тик ва текис ўсгани сабабли үндан иморат қуришда фойдаланишган. Ҳар бир ўзбек хонадонида ўғил фарзанд дунёга келганида шу болага атаб терак кўчати экиш қадимдан расм бўлиб келган. Бу одат авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Бола вояга етгунча тераклар ҳам улгайиб, бақувватлашиб, иморатга ярайдиган бўлади. Иморатни ота-боболаримиз мана шу дараҳтлардан, ҳашар усулида қурганлар.

Эътибор берган бўлсангиз, катта кўчалар ёқасида қатор экилган тераклар шаҳар ва қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшади. Кўзни қувнатади. Кўм-кўк баргларни щитирлаши дилларга ором бағишлиайди. Болажонлар, терак дараҳти ҳақида ким шеър билади?

Шодия:

Тол тагида ўтирап эдим,
Дараҳтларим гуркирар эди.
Сайрар эди сайроқи булбул,
Яйрар эди мендаги кўнгил.
Шунда дадам чақириб қолди,
«Дониёржон ош совуб қолди».
Югурдим уйга худди бир тўйга.

Тарбиячи: Қоратол ёғочи мустаҳкам, пишиқ, эгилувчан бўлади. Үндан бешик, беланчак, аравача, тароқ, тахта, жўва, ўқлов, дасталар, эшик, ром каби рўзгорга зарур кўпгина нарсалар ясалади. Тол дараҳти новдаларининг ерга эгилиб туриши, баргларининг майда ва узун-узунлиги ўз гўзаллиги ва жозибаси билан кишини мафтун этади.

Чинор дарахтига келадиган бұлсак, у жуда узоқ умр күради-
ган дараҳт. Унинг соясида одамлар дам оладилар. Азим чинор-
лар шунчалик ўсиб, йўғонлашиб кетганки, бир неча киши дав-
ра тузиб, куличини ёйганларида ҳам унинг танасини кучиб ол-
майдиган дараҷага етган. Чинор экилган срлар файзли,
тароватли, оромбаҳш, ўзига тортувчи масканлар ҳисобланади.
Узоқ умр кўрган серфарзанд, пиру бадавлат отахонларни чи-
нор дарахтига ўхшатишади. Эрта баҳорда қўчат ёкишнинг хосия-
ти, улуғлиги, айниқса, мевали, манзарали дараҳтлар етишти-
риб, боғ яратиш улкан савоб иш эканини кўп эшитгансиз. Қани,
болажонлар, боғ барпо қилиш хислати тўғрисида қандай ма-
қоллар ўргандик, айтиб беринг-чи?

Исмоил: Бобомнинг тол эккани, ўзига ном эккани.

Азиз: Яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ қолади.

Азиза: Боғ жамоли – боғбондан.

Олтинбой: Боғни боқсанг боғ бўлур,
 Ботмон даҳсар ёғ бўлур.
 Боқимсиз боғ тоғ бўлур,
 Юрак-бағринг доғ бўлур.

Норбек: Ёз дер: Сувим бегубор, сув балиқ мисол!
Куз дер: — Мевам, болим, бор,
Бари сенга, ол!
Демак, она табиат
Бизни дер ҳар вақт.
Кипп дер: Кумуш қорим,
Корбобо ясанг!
Баҳор дер: Гулим кўркам,
Гулдаста ясанг!

Ким синдири бу ниҳолни?

Ким синдири бу ниҳолни?
Кўрмагандим оғир ҳодни.
Қайси бола, хулқи ола.
Синдирийкин қайси қўли?
Нималарни ўйлаб қўйган?
Ҳеч зот йўғин пойлаган-да,
Ботирман деб ўйлаган-да!
Ёки кучин кўрсатганми?
Бир ғаламис ўргатганми?

Қани ўша синдирувчи,
Ниҳол умрин тиндирувчи?
Үлгудайин қўпол экан,
Ёмонларга ўртоқ экан...
Ерда ётар ниҳол шохи,
Нима экан айб-гуноҳи?
Бола йўлин тўғсанмикан?
Ё ножёу ўғсанмикан?
Йўл четида ўсиб ниҳол,
Менга салом берган мисол.
Шохчалари тебранарди,
Барги, тули товланарди.
Катта бўлса ниҳол агар,
Мева тугса ширин-шакар,
Ўтган-кетган еб ўтарди.
Дилдан раҳмат, деб ўтарди.
У бола ҳам балки ниҳол?
Ўз бошидан кечса бу ҳол...
Сал қайирса, қўлин бирор.
Ширин жони сезарди-ёв
Қўрган борми
У беорни?!

Шеър мазмуни юзасидан тарбиячи болалар билан савол-жавоб ўтказади ва унинг тарбиявий аҳамиятини мустаҳкамдайди.

Мажнунтол

Capitulo:

Охиста елади тун шаббадаси,
Совуқдан титрайди ўйчан мажнунтол.
Ер узра силкинар унинг сояси,
Шамолда тебраниб суралди хаёл.

Kamogawa

Узоқ бир хаёлга чўмар бир хаёл,
Эгилар япроқсиз қолган шоҳлари.
Уни олисларга бошлайли хаёл,
Баҳорни чорлайди чеккан оҳлари.

Тарбиячи болалар билан «Оқ терақмі-күк терақ» ҳаракаттың үйининің үйнаб, машғулоттің яқынлашади.



Мавзу. ЎРМОН ҲАЙВОНЛАРИДАН – ФИЛ БИЛАН ТАНИШИШ

Машғулот мақсади: Болаларнинг табиатга оид билимларини аниқлаб, ёввойи ҳайвонлардан бири фил билан таништириш, уларнинг номи, тана қисмлари, яшаш шароити, озиқланиши тўғрисида маълумот бериш. Ҳайвонларнинг ташқи кўринишидаги ўзига хос ва умумийликни ажратишни ўргатиш.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болаларга фил фақат Африка ва Жануби-шарқий Осиёда яшаши, Африка ва ҳинд филлари турига бўлиниши, уларнинг бир-бирига ўхшашлиги, фақат Африка филлари кичикроқ эканлиги билан фарқланиши, филларнинг бироз букрисимон, елкали, баҳайбат қиёфаси йўғон, худди устундек, оёқлари кичкина, кўзлари, дўнг пешанали улкан боши, супрадек қулоги ва узун қозиқ тиши борлиги тўғрисида маълумот беради.

— Африка филларининг қозиқ тиши икки ярим метргача етади. Бу ниҳоятда даҳшатли қурол ва ҳимоя воситасидир, бироқ энг қизиги — бу филнинг хартумидир. Бирорта ҳайвонда бундай аъзо йўқ. (Тарбиячи филнинг нима билан озиқланиши, хартуми орқали сув олиши, фарзандига бўлган муносабати ҳақида болаларга гапириб беради).

Ҳозирги кунда филлар ақлли ва фаросатли бўлганлиги учун қўлга ўргатилаётганлиги ва болажонлар уларни томоша қилиш учун циркка боришли мумкинлигини гапириб ўтади.

— Азиз болажонлар, мана фил ҳақида тушунчага эга бўлди-
ларинг. Ким фил ҳақида шеър айтиб беради?

Фирдавс: Тиним билмас ҳар куни,
Сув пуркайди ҳар куни,
Кулоқлари супрадай,
Оёги бор гўладай.
Тишлари қилич мисол,
Номи филдир, билиб ол.

— Энди, болажонлар, топишмоқлар айтамиз:
Қани топ, чангалзорнинг шохи деб аташади,
Лофчилар эса уни пашшадан ясашади. (*Фил.*)
Уйдай жойни олар,
Сичқондан қўрқар. (*Фил.*)

— Азиз болажонлар, ҳозир мен сизларга «Фил билан хўрозд»
эртагини сўзлаб бераман. Қадим замонларда дакан хўрозд билан
фил бор экан. Кунлардан бир кун дакан хўрозд филнинг олдига
келиб, қаттиқ қичқирибди: Қу-ку-ку!

Фил ҳайрон бўлибди: «Мунча чиранади бу хўрозд? Хўрозд
эса парво қилмасдан ҳамма ёқни титиб, дон чўқиб юраверибди
ва яна: «Қу-ку», деб қичқираверибди. Унинг овозини эшитиб,
бир боплай буни деб:

— Ким кўп овқат ейди, сенми ёки менми? — сўрабди фил.
Хўрозд:

— Мен кўп ейман! — дебди чираниб. Шундай қилиб, гаров
боглашибди. Фил жуда кўп овқат ебди, сўнгра уйқуга кетибди.
Үйғонсаки, хўрозд ҳали ҳам дон териб еяётган экан. Бу ҳол бир
неча маротаба такрорланибди. Кеч тушгач, фил: «Хўрозд еб тўймас
экан», деб ўйлабди. Бунақа жониворни ҳеч кўрмаган экан, хўрозд-
га тан берибди. Хўрозд гаровга ютгач, ўзича филнинг устига бир
чиқиб атроф-оламни томоша қиласай, деб ўйлабди ва «Пирр»
этисб филнинг устига чиқибди. Филнинг ўтакаси ёрилиб: «Вой-
дод, хўрозд мени ҳам еб қўяди», деб бақирибди ва ўрмонга ки-
риб кетибди. Хўрозд эса бунинг орқасидан қараб қанотларини
таққиллатиб:

— Қу-ку-ку-ку-ку! Мен зўрман, — дея қичқирибди.

Тарбиячи болаларни савол-жавоб жараённада эртакни тар-
биявий аҳамиятини болалар онгга сингдиради ва машғулот яку-
нида болаларни боғча ҳовлисига олиб чиқиб, илгаридан тайёр-
лаб қўйган лойдан фил ясашни ўргатади.

Мавзу. УЙ ҲАЙВОНЛАРИ – КУЧУК ВА МУШУК БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Машғулот мақсади: Болаларнинг табиатга оид билимларини аниқлаб, уй ҳайвонларидан кучук ва мушукнинг тана тузилиши, ҳаёт тарзи ва ўзига хос хусусиятлари билан таништириш. Болаларда уларга нисбатан ғамхўрлик, меҳрибонлик ҳисларини гарбиялаши.

Машғулот жиҳози: Юмишоқ ўйинчоқлар, пластилиндан тайёрланган ўйинчоқлар, рангли расмлар.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болаларнинг ер юзида яшаётган ҳайвонларнинг шартли равишда ёввойи ёки уй ҳайвонлари турларига бўлининишини айтиб ўтади. Уй ҳайвонларига сигир, қўй, эчки, мунук, кучуклар киришини айтиб, кейинги иккита ҳайвонга тўхталади. Одамлар ит ва мушукларни севиб, парвариш қилишлари, уларга овқат етказиб беришлари, улар учун ётоқлар қуришларини айтади. «Бу ҳайвонлар одамлардан қўрқмайди, чақирганда уларнинг ёнига келади. Ўзининг лақабини, номини билади, одамлар қўлидан овқат ейди.

Кучук одамнинг содиқ ва вафодор дўсти, уйини қуриқлайди. Молларни боқади (чўпонларга ёрдам беради), ўз эгасини ҳимоя қиласди. Ҳатто чегарани муҳофаза қилиб, чегарачиларга ёрдам беради.

Мушуклар одамлар яшайдиган жойларни зааркунанда сичқонлардан тозалайди. Болалар уларни эркалаб, ёнларида олиб юрадилар.

Кучук ва мушукнинг ранглари оқ, қора, ола-була бўлади. Бошларида иккита қулоқ, иккита кўз, бурун тешиклари ва оғизлари бор. Тишлари жуда ўтқир, овқатни чайнаб ейишади. Уларнинг ҳид билиш қобилияtlари жуда яхши ривожланган. Танасида тўрттадан оёғи ва думлари бор. Оёқларида панжалари ва жуда ўтқир тирноклари ривожланган. Уларнинг панжаларига тушган ўлжак тириклайн қутила олмайди. Оёқлари жуда чаққон ва кучли. Мускуллари ривожланган».

Аброр:

Ховли бўйлаб юраман,
Қоровулдай тураман.
Бегонани йўлатмай –
Тунда тинмай юраман. (Кучук.)

Камола:

Болалар кўргани он
Севиниб қилас мөхмон.

Сичқонларни тутаман,
Лиққа-лиққа ютаман. (*Mушук*.)

Тұқнашув

Кувлаб қолди Кучуквой,
Жон ҳовучлар Мушуквой.
Дарахтга чиқиб олди,
Кучук-чи, пастда қолди.
Нафас ростлаб Мушуквой
Дейди: — Эй, ҳолингга вой!
Роса чопиб, лўпиллаб,
Қолдинг-ку, а, лақиллаб?
Кучук дер тишин қайраб:
— Сенга ҳам бормиди гап?
Сенга берган ўткир тил.
Эгаллаган жойинг бил,
Баланд бўлмаса ўрнинг,
Қўттарармидинг бурнинг?

Тарбиячи: Камола айтган шеърни яқунлаб, мушук ва кучукнинг доимо бир-бири билан қарши эканлигини айтиб тушунтиради. Болалар кўрадиган мультфильмлардан мисол келтиради. Тарбиячи болалар билан «Мушук уйқуда» ҳаракатли ўйинини ўйнайди ва шеърхонликни давом эттиради.

Мушугим

Мушугим ўйинқароқ, кўзлари ўткир чироқ.
Юнглари бароқ-бароқ, мен билан қалин ўртоқ.
Қўшиқ айтар миёвлаб, сўзлашга тилин товлаб,
Ўйда хизмати катта, сичқон овлар, албатта.
Ўзи ҳам жуда ёш, меҳнат қилиб, топар «ош»!

Кучугимиз болалади

Биласизми,
Биласизми,
Кучугимиз болалади.
Сиз тасаввур қиласизми,
Қандай ширин болалари?

Акам Толиб, қопга солиб,
— Чўкираман сойга, деди, —
Нега керак шунча кучук,
Каталакдек жойга, деди.
Биз қўймадик,
Биз йигладик.
Айтиб бердик бувимизга
«Қопни қайга беркитдинг?!» деб
Ўқрайди Толиб бизга.
Биз айтмаймиз.
Битта- битта
Олиб кетсин дўстлар бари.
Чўқтирмоқ-чун туғилмаган,
Ахир кучук болалари.

Тарбиячи болалар билан биргаликда кучук ва мушукни овозларини имитация қилишади (Вов-вов, миёв-миёв) ва машгулотни тутагишиади.

Мавзу. ПАРРАНДАЛАРДАН – БЕДАНА БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Машғулот мақсади: Болаларнинг табиатта оид билимларини аниқлаб, паррандалардан бедана, унинг тузилиши, ҳаёт тарзи, ўзига хос хусусиятлари билан таништириш.

Машғулот жиҳозлари: Қафасдаги бедана, дараҳтлар муляжлари, қушлар ини, донхўраклар, донлар, сув идишлари, қушларнинг рангли расмлари.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болаларни гуруҳ табиат бурчагига бошлаб боради ва бедана ҳақида сұхбат уюштиради. Кузда бедапоядан ўтаётганимизда кўпинча оёқ остидан кичкина кулранг қушча «пар-пар» этиб, учиб чиқиб, чўчитиб юборади. Бу қушча ўлкамизда яхши маълум бўлган беданадир. Бедана bemalol ва тез ўргалайди. Овқат топиб, панжалари билан тишишни яхши кўради, тупроқقا роса ағанайди. Тунлари ва қош қорайганда серҳаракат бўлади, кундуз дам олади. Беданалар апрель, май ойларида тўда-тўда бўлиб, тез учишади. Кузда августдан ноябргача иссиқ ўлкаларга учиб ўтадилар. Шу даврларда бедапоялар, паҳтазорлар, маккажўхоризор, полиз, дарё бўйларида, чўл ва тўқайларда беданалар кўп бўлади. Беданалар тухум қўйишади. Бунинг учун буғдойзор ва ўтлоқларда чуқур жойларни хас ва чўплар билан ёпиб, ин қурадилар. 9 тадан 20 тагача тухум қўйиб, 15—17 кун ичидаги жўжа очади. Жўжалар-

нинг оғирилиги 5—6 гр келади, лекин улар жуда тез ўсишади ва бир ой ичида катта беданалар билан тенглашади. Ёз бўйи жўжалар онаси билан бирга юриб, кузда жанубга учиб кетадилар. Беданалар кўпинча ўсимликларнинг уруғи ва новдалари, ҳашарот ва умуртқасиз жониворларни ейди. Бедана сайроқи қушлар турига киради. Лекин гўшти ширин бўлганлиги сабабли одамлар уларни нобуд қилиб овлашади. Бедананинг ўткир тумшуғи бўлиб, улар ёрдамида озуқа топиб ейди. Танаси пат билан қопланади. Кучли ва чаққон бир жуфт оёғи бор.

Азиза:

Бедана у,
Бедана,
Териб ейди
Седана.
Қўлга келиб
Кўнади.
Айтганимга
Кўнади.

Камола:

Бедана, бедана,
Сайра, бедана.
Сен каби хуш овоз
Қайда бор, бедана.



Маевзу. МЕВАЛИ ДАРАХТЛАРДАН – ГИЛОС ВА ШАФТОЛИ ДАРАХТИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Машғулот мақсади: Болаларнинг табиат ҳақидаги билимларини аниқлаб, мевали дараҳтлар, уларнинг тузилиши, мевалари, фойдали хусусиятлари билан таништириш.

Машғулот жиҳози: Дараҳтлар муляжлари, расмлар, гербарий, шафтоли ва гилоснинг қурилган мевалари ва данаклари.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болалар билан мевали дараҳтлар ҳақида сұхбат үштириб, уларнинг билимларини аниқлайди. Манзарали ва мевали дараҳтларнинг фарқларини таққослаб аниқлашади.

Тарбиячи болалар билан баҳорда табиатда юз берадиган ўзгаришлар ҳақида сұхбат үштиради. (Қуёш иссиқ нур сочади, қорлар эрийди, ёмғир ёғади, момақалдироқ чақади, юмшоқ ерлар ўт-уланлар билан қопланиб, гилос ва шафтоли дараҳтлари оқ ва пушти гулларга бурканиб, барғ чиқаради.) Гуллар түкилгандан сүнг, дараҳтлар мева тугади, мевалар, асосан, 3 қисмдан иборат:

1. Устки (сиртқи) қисм – пўст.
2. Оралиқ қисм – мева эти.
3. Ички қисм – данак.

Шафтоли ва гилос данакли мевалар турига кириб, раъно дошлар оиласига мансуб. Шафтоли меваси чиройли, тўйимли, таркибida одам организми учун зарур жуда кўп фойдалар бор. Мағзидан тиббиётда ва халқ табобатида кенг фойдаланилади, барги ва данаги ички касалликларга даъводир. Шафтоли дараҳти жуда мўрт бўлади. Тез қуриши ёки синиши мумкин. Гилос дараҳти ҳам ўзларига азалдан маълум бўлиб, халқ томонидан кўп йиллардан бўён экиб келинади. Гилос меваси сариқ касаллиги ва қизамиққа даъводир.

Шафтоли ва гилос меваларидан шарбатлар, мурабболар тайёрланади ёки қоқи қилиб олинади.

Камола:

Гилос ҳаддан ошиқиб,
Хафаликдан толиқиб,
Келди ўрик бошига
Мушт кўтариб, шошиқиб.

Азизбек:

Эй, Ўрик, сен сўзлама,
Мақтанмоқни кўзлама!
Ёнбошингга бир тепай,
Меванг тўкилар тутдай.

Сарвиноз: Фұранг курсин, кеч битар,
Еган киши ич кетар.
Пишганинг шалпайтириб,
Куруфингдан бот етар.

Сабрина: Билурсан отим Гилос,
Суяр мени ҳамма қиз.
Мени күрган кишилар
Үзга мева хоҳламас.

Азиза: Шириндурман асалдан,
Доридурман азалдан,
Мени севиб еганни,
Тузатаман касалдан.

Норбек: Калтароқ қиласай сүзим,
Мақтасам арзир күзим.
Боққа кирған кишига,
Ёқутдек ёнар юзим.

Камола: Энди шафтоли ҳақида шеър айтамиз.
Күплигидан шафтоли, шохи ерга букилар,
Тирговучлар ушлолмай, шамол турса, түқилар.

Сабрина: Шафтолининг турфа рангdir меваси,
Шифо бўлар, мағзи, барги, гуллари.
Бу мевани бизга она табиат
Тортиқ қилди, дори дея йўллади.

Топшумоқлар:

1. Ўзи ширин, туклигина,
Мазаси ҳам тотлигина.(*Шафтоли*)
2. Мунчоқ десам, юмшоқ-ку,
Дум-думалоқ қўшоқ-ку.
Рангларидир – қип-қизил,
Есанг мазза, кўп асал. (*Гилос*)

Тарбиячи мевалар тасвирларини болалар билан тугатгандан сўнг, доскага уларнинг геометрик шаклини чизади. Тарбиячининг қўлидаги шафтоли ва гилосларни таҳлил қилиб, болалар уларнинг доира шаклида эканлигини топадилар. Квадрат ичидаганаси сариқ шафтолини сиғдириб, қалам билан квадрат учла-

рини кесишади. Шафтоли шакли пайдо бўлади. Тарбиячи қўлидаги каттароқ айланалар шаклини болаларга кўрсатиб, уларнинг тарвуз, помидор ва бошқаларга ўхшашлигини аниқлаштиради. Кичик доирачалар бурчакларига чизик билан тортиб бирлаштирилса, олма ва гилос шакллари ҳосил бўлади. Чизилган барча мева расмларини битта умумий расм ичida жойлаштиrsa, **натюртморт** ҳосил бўлади. Машғулот якунида болаларга шафтоли ва гилос қоқиларини ким кўпроқ ва тезроқ ажратади, деган топшириқ беради.

Топшириқни тез ва чаққон бажарган болаларни рағбатлантириб, машғулотни тутгатади.

Мавзу. Йил фасллари ҳақида сұхбат

Машғулот мақсади: Болаларнинг табиатга оид билимларини аниқлаб, йил фасллари ҳақида билимларини мустаҳкамлаш. Она табиатга меҳр-муҳаббат ҳиссини шакллантириш.

Машғулот жиҳозлари: Йил фасллари тасвирланган расмлар, апликациялар.

Машғулотнинг бориши: *Тарбиячи:* Азиз болажонлар, гуруҳимизга Йил бобо меҳмонга келибди.

Йил бобо: Ассалому алайкум, қароқларим, дилбандларим, мени танийсизларми? Менинг бир йилда 4 та отим бор, уларни ким айтиб беради?

Болалар: Қишлоғи, баҳор, ёз, куз.

Йил бобо: Бир йилда 4 та фасл бор, 12 ой бор, улар доим бирин-кетин келадилар: Қишлоғи бўлмай туриб, баҳор келмайди, баҳор бўлмай ёз келмайди, ёз бўлмай туриб, куз келмайди, кузсиз эса қишлоғи келмайди. Мен ҳозир ўз фаслларимни сизларнинг уйларингизга таклиф этаман. (Ҳассасини ерга қаттиқ уради.) Кетма-кет фасллар кириб келадилар. Кўм-кўк арча кўтарган қишлоғи фасли кириб келади ва топищмоқ айтади.

Қишлоғи: Ерни қор қоплар,
Сойни муз ёпар,
Аёз — беҳазил.
Бу қайси фасл?

Сарвинаоз: Қор ёққан чоғи мисли капалак,
Янги йилингиз бўлсин муборак.

Пушти либосда гулчамбарлар тақиб, Баҳорой кириб келади:

Көр эриб, шошар,
Ариқлар тошар,
Гуллар күп асал,
Бу қайси фасл?

Камола: Атрофда баҳор, эриб кетди қор.
Турналар келди, гуллар очилди.

Яшил ранғы лиbosда мевалар солинган сават құтариб, Ѓз кириб келади:

Қиздирап қүёш, чүгдек ёнар тош.
Далада ҳосил, бу қайси фасл?

Азизбек: Келди олтнин ёз, мевалар пишди
Дараҳтлар шохи әгилиб тушди.
Олдик күп ҳосил: ўрик, олма, нок.
Шакардан асал узум қилди ток.

Түқ сариқ лиbosда бошида қизил, сариқ барглардан гулчамбар тақиб, саватда сабзавот-мевалар құтариб, Куз келади:

Бүм-бүш дала, қир,
Ёғади ёмғир,
Тинмай муттасил,
Бу қайси фасл?

Сабрина: Қүшлар учдилар,
Барглар түшдилар,
Сариқ дала, қир,
Ҳамма ёқда куз.

Йил бобо таёгини ерга уради, 3 та қүш учеби чиқади.

Тарбиячи: Булар оддий қүшлар эмас, балки сеҳрли қүшлар — Қишлоғаслидаги ойлар учеби келишди. Уларнинг номларини ким билади.

Норбек: Декабрь, январь, февраль.

Шу тариқа Йил бобо яна 3 марта таёгини ерга уради. 3 марта 3 тадан қүш учеби келадилар.

1. Баҳор ойлари — март, апрель, май.

2. Ѓз ойлари — июнь, июль, август.

3. Куз ойлари — сентябрь, октябрь, ноябрь.

12 ой кириб келади ва Абдулла Шер қаламига мансуб «Ойлар» шеърини ўқыйдилар.

Январь: Бошлаб бераман йилни, далаларда қорлар мүл,
Армия байрамини ўтказишга тайёр бўл.
Хўш, мен зўрми, Февраль зўр?
Ёш дўстим, бир ўйлаб кўр!

Февраль: Мен ерни тайёрлайман, етаклайман кўкламни,
Халқим яшнатсин дейман, хур мустақил ўлкамни.
Хўш, мен зўрми, ё Март зўр?
Ёш дўстим, бир ўйлаб кўр.

Март: Мен баҳорнинг бошиман,
Оlam кўклами менда.
8-март билан Навruz байрами менда,
Хўш, мен зўрми, Апрель зўр?
Ёш дўстим, бир ўйлаб кўр.

Апрель: Гуллар очилиб, менда чигитлар қадалади.
Отим ҳам хўп чиройли — Апрель деб аталади.
Хўш, мен зўрми, ё Май зўр?
Ёш дўстим, бир ўйлаб кўр.

Май: Менда қизғалдоқ яшнаб,
Кунлар қизиб боради.
Чақин-у қалдироқлар кўк бағрини ёради.
Хўш мен зўрми, ё Июнь зўр?
Ёш дўстим, бир ўйлаб кўр!

Июнь: Болалар байрам қилиб, даврага тушар менда,
Ўт-ўланлар қулф уриб, бугдойлар пишар менда.
Хўш мен зўрми, Июль зўр?
Ёш дўстим, бир ўйлаб кўр!

Июль: Ям-яшил далаларга тафт пуркайди Саратон.
Ғўзага ишлов берар — тер тўкиб бобо дехқон.
Хўш мен зўрми, Август зўр?
Ёш дўстим бир ўйлаб кўр!

Август: Fўзалар қўсак туғиб, фарқ пишар қовун-тарвуз.
Мен йўл очиб бермасам, келолмайди олтин куз.
Хўш менми, Сентябрь зўр?
Ёш дўстим, бир ўйлаб кўр!

Сентябрь: Боғча болалар менда мактабга йўл олади,
Мустақиллик байрами юрга довруқ солади.
Хўш менми, Октябрь зўр?
Ёш дўстим, бир ўйлаб кўр!

Октябрь: Мен кузнинг ўртасиман, йигим-теримнинг
авжи,
Менда дарёлар тиниб мовийлашади, мавжи.
Хўш менми, Ноябрь зўр?
Ёш дўстим, бир ўйлаб кўр!

Ноябрь: Мен сарҳисоб ойиман, менда уйилар хирмон,
Пешана тер сидириб, сингил тортади деҳқон.
Хўш менми, Декабрь зўр?
Ёш дўстим бир ўйлаб кўр!

Декабрь: Бахтимиз Қомусининг байрами мендадир, бил,
Мен йилнинг сўнги ойи, менсиз келмас, Янги
йил.
Хўш менми, Январь зўр?
Ёш дўстим, бир ўйлаб кўр!

Ойлар 3 тадан бўлиб. ўз фасллари ёнига бориб турадилар.

Тарбиячи: Болалар, ҳозир мен сизларга вақт ўлчовлари ҳақида
топишмоқлар айтаман.

Бир катта дарахт (бир йил).

Унда бор 4 та шох (4 та фасл).

Ҳар шоҳда 3 тадан бутоқ (3 ой).

Ҳар бутоқда 4 тадан новда (1 ойда 4 ҳафта).

Ҳар новдада 7 тадан барг (ҳафта кунлари).

Баргнинг бир томони оқ, бир томони қора (тун ва кун).

Машғулот сўнгидаги тарбиячи болалар билан «Жонли ҳафталар» ўйинини ўйнайди. Ҳар ҳафта кунлари бир рангда белгиланган.

7 та қатнашчининг бошларидағи чамбаракларига турли хил рангдаги доиралар ёпиширилган. Душанба — кўк, Сешанба — саринқ, Чоршанба — яшил, Пайшанба — жигар ранг, Жума — пушти, Шанба — оқ, Якшанба — қизил. Болалар бир қатор бўлиб турадилар. Ўринлари алмашадилар, бири бекинади, ўртоқлари қайси ҳафта куни ўрни алмашганини топадилар.

Йил бобо: Раҳмат сизга, фарзандлар, тилида асал қандлар. Сизларга олиб келган совғаларни улашамиз. (Мусиқа янграйди ва машғулот тугайди.)

Маеву. ГУЛ КҮЧАТЛАРИНИ ҮТҚАЗИШ

Машғулот мавзуси: Болаларнинг табиатга оид билимларини аниқлаб, гуллар экиш жараёни билан таништириш, парвариш қилишни ўргатиш.

Машғулот жиҳозлари: Тувакдаги фикус, Хитой атиргуллари, ҳар хил гул күчатлари, меҳнат куроллари.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болаларни гуруҳ табиат бурчагига бошлаб бориб, бу ерда ўсаётган фикус ва Хитой атиргуллари билан таништиради. «Бу гул дараҳтларининг бошқа гуллардан фарқи дараҳтга ўхшаб ўсиши, пояси тўғри, баланд ўсади. Фикуснинг баргларининг шакли овал шаклида бўлиб, ранги тўқ яшил, силлиқ ва ялтироқ бўлади. Хитой атиргулининг барглари тут дараҳтининг баргларига ўхшайди, пояси қингирқийшиқ бўлиб, шоҳлари узун, барги оч яшил рангда, қизил (пушти ранг ёки сарик) гуллайди. Гуллари бир неча кунгача сақланиб туради. Баҳор фаслида бу гуллар авж олиб ўсади. Шу вақтда уларни қаламчалар қилиб қўпайтириш мумкин». (Тарбиячи болалар билан аввалдан тайёрлаб қўйилган гул тувакларга бу гулларнинг қаламчаларини экади, сув қуйиб, банка ёпиб қўяди.)

— Болажонлар, ҳозир гулларни қаламча ёрдамида қўпайтириш усулини ўргандик. Энди боққа чиқиб, гуруҳимиз майдончасида гулларни кўчат, пиёз ва картошкалар ёрдамида қўпайтиришни ўрганамиз. (Тарбиячи болаларни боғбон ёнига, боғча боғига олиб боради.)

— Ассалому алайкум! Боғбон бобо, бугун бизлар сиз билан бирга гуллар экиш учун келдик. Ўзимиз билан гул кўчатларни олиб келдик.

— Ва алайкум ассалом! Хуш келибсизлар! Мен гуллар экиш учун тупроқларни тайёрлаб қўйибман (ерни ағдариб, ўғит солиб, пушталар очганман), бу пушталарга теша билан 10—12 см чуқурчалар қилиб, гул кўчатларини, картошка, пиёzlарини жойлаштириб, тупроқ билан ёпамиш ва сув қуямиз (биргаликда ҳар бир ҳолат намойиш этилади, тарбиячи болалар билан олиб келган барча кўчатларни экиб тугатади).

— Раҳмат, болажонлар! Бугун жуда унумли ва самарали меҳнат қилдингизлар. Бугун эккан кўчатларимизни парвариш қилиб, ўстирганимиздан кейин жуда чиройли гуллаб, баҳри дилимизни очади. Энди сизлар билан гуллар ҳақида шеърлар айтамиз.

Сабрина:

Мен лоламан, лоламан,
Ёкутдан пиёламан.
Зумраддир япроқларим,
Олтиндай япроқларим.
Қисқаси, мен зўр гулман,
Сотсангиз роса пулман.

Азиза:

Бойчечагим тик турар,
Барглари яшил, тетик.
Унинг ранги сариқ, оқ,
Бошида кумуш қалпок.

Тарбиячи болаларга Рауф Толибнинг «Гуллар ва шамол» эртагини айтиб беради, савол-жавоб тарзида эртак мазмунини болалар онгига сингдиради. (Мақтанчоқ бўлмаслик керак.)

Машғулотнинг кейинги босқичида тарбиячи болаларнинг «Гуллар ўсајапти» мавзусида расм чизишини ташкил этади. Машғулот охирида «Боғбон ва гуллар» ҳаракатли ўйинини ўйнашади.



Мавзу. КУЗ ФАСЛИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР – ДАРАХТ БАРГЛАРИНИНГ ТҮКИЛИШ ҲОДИСАСИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Машгулот мақсади: Болаларнинг табиятга оид билимлари-ни аниқлаш. Куз фаслида табиятдаги ўзгаришларни ажратишни ўргатиш ва уларни тасвирлаш кўникмаларини шакллантириш.

Машгулот жиҳози: Манзаралар тасвирланган расмлар, гербарий, акварель, гуашь, мўйқаламлар.

Машгулотнинг бориши: Тарбиячи бу машгулотдан бир неча кун илгари боғча боғида хазонрезги, барглар тушиши жараёни-ни болалар билан биргаликда кузатишган.

Машгулот бошида тарбиячи болаларга баргларнинг юқоридан-пастга қараб секин-аста сузуб тушишини намойиш қилишади.

— Барглар тўкилаяпти.

— Тўгри, болалар, сизлар бу жараённинг номини тўгри аниқ-ладингиз. Демак, куз фасли келганда қуёш нури сусайиб, иссиқлик миқдори ҳавода камайиб, дараҳтлар ва гулларда барг тўкиши жараёни бошланади. Ҳозир сизлар билан бу жараённи қоғозга туширишни ўрганамиз. (Тарбиячи болаларга мўйқаламни қўлда тўгри ушлаб, бўёққа ботириб, қоғозга бир маромда қўйиб олишни кўрсатади ва уларнинг бажаришини назорат қиласади.)

Машгулот охирида тарбиячи болаларнинг чизган расмлари-ни йиғиб олади ва гуруҳнинг ҳар жойида уларни илиб, «Гуруҳда куз фасли келди. Қаранглар, қанча қўп барглар ҳавода айла-ниб, ерга тўкилаяпти», деб болалар билан ситуатив мавзули ўйин ташкил этади.



Баҳор



Лайлак



Тұтқыш




Чумчук



Читтақ



Балиқ



Зебра



Оқ айық




Фил



Тулки



Бүри



Шер



Коплон

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон» нашириёти, 1993 йил.

Ш. Саъдулла, Пўлат Мўмин, Иброҳим Дониш, Маъмур Қаҳҳор, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий каби шоирларнинг шеърларидан фойдаланилди.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Табиат ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш йүллари	5
Кичик гурұхлар учун мавзулар	29
Үрта гурұхлар учун мавзулар	60
Катта гурұхлар учун мавзулар	94
Тайёрлов гурұхлари учун мавзулар	133
Фойдаланылған адабиёттар	166

**P13 Равшанова Н. Мактабгача таълим
муассасаларида экологик таълим-тарбия
(Методик қўлланма). Т.: «ILM ZIYO»,
2006,—168 б.**

ББК 74.100.5

НОДИРА РАВШАНОВА

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА
ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ**

Методик қўлланма

Муҳаррир *Н. Зоииров*
Рассом *Ш. Каҳоров*
Мусаҳҳих *М. Иброҳимова*

Босишига руҳсат этилди 29.09.2006. Бичими 60x90^{1/16}.
«Таймс» ҳарфиди терилиб, оғеет усулида чоп этилди. Босма табоги 10,5.
Нашр табоги 13,0. 7000 иусха. Буюртма №190

«ILM ZIYO» нашриёт уйи. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-үй.
Шартнома 33—2006.

Ўзбекистон Республикаси Магбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйила чоп этилди.
У. Юсупов кўчаси, 86-үй.